

РЕНЕССАНС ТАЪЛИМ УНИВЕРСИТЕТИ

ПЕДАГОГИКА - ФИЛОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕК ДИАЛЕКТОЛОГИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мўминжон Турдибеков

"" нашриёти

Тошкент- 2024

Мазкур ўқув қўлланма Олий таълим фан ва инновациялар вазирлигининг 2023-йилдаги 1-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастур асосида тайёрланди

Такризчилар: ТошДўТАУ профессори фил. ф. д. Аширбоев С.
Ренессанс таълим университети профессори, фил. ф. д. Исломов И.

Ўқув қўлланма Ренессанс таълим университети кенгашининг 2023- йил 30 - декабрдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

СЎЗ БОШИ

Мазкур ўқув қўлланма “Ўзбек диалектологияси” фанидан "60230100- Ўзбек филологияси” таълим йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, Ренессанс таълим университети Педагогика - филология кафедрасининг бакалавр йўналиши учун тасдиқланган "Ўзбек диалектологияси" ишчи фан дастури асосида тайёрланди. Унда ишчи ўқув режа, намунавий ва ишчи ўқув дастур, силлабус курсни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари, маърузалар матни ва амалий машғулотлар мавзулари мазмуни, адабиётлар рўйхати, мустақил таълим мавзулари, глоссарий, тест вариантлари, рейтинг жадвали, талабанинг билимини баҳолаш мезонлари ҳам берилди. Мазкур ўқув қўлланма материаллари асосида фан юзасидан талаба маъруза ва амалий машғулотлар устида мустақил иш олиб боришига имконият яратади, айти пайтда талабанинг ўз билимини ўзи назорат қила олишига ҳам ёрдам беради. Илғор таълим технологиялари асосида яратилган дарс ишланмалари дарснинг самарали ташкил этилишига ёрдам беради.

Ўзбек диалектологияси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Режа:

1. Шева, диалект ва лаҳжа тушунчалари.
2. Ўзбек тилининг мураккаб диалектал таркиби.
3. “Ўзбек диалектологияси”нинг тилшунослик ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги.
4. Ўзбек диалектологиясининг назарий ва амалий аҳамияти.
5. Ўзбек шеваларини ўрганиш методлари.

Таянч сўз ва тушунчалар: шева, лаҳжа, диалект, ўзбек тилининг мураккаб диалектал таркиби, давлат тили, диалектология, “Ўзбек диалектологияси”нинг тилшунослик ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлиги, “Ўзбек диалектологияси”нинг назарий ва амалий аҳамияти, шеваларни ўрганиш методлари (усуллари).

Ўзбек тили қадимий ва бой тарихга эга бўлиб, унинг шаклланишида милоддан олдинги ва милоддан кейинги дастлабки асрларда минтақамиз ҳудудида яшаган бақтрийлар, сўғдийлар, хоразмийлар ва бошқа элат ва миллатлар ўз таъсирини кўрсатгани ҳақида мавжуд илмий манбалар далолат беради. Ўзбек тилининг ҳар томонлама тараққий топиши ва адабий тил сифатида майдонга чиқишида қадимий туркий тил катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш табиийдир. Бу борада Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби илму фан ва адабиёт намояндаларининг хизмати ва қолдирган мероси муҳим ўрин эгаллаганини қайд этиш жоиз. Ўзбек халқ шеваларини мукамал тарзда ўрганиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. “Ўзбек диалектологияси” ижтимоий лингвистика фанларидан бири бўлиб, ўзбек шеваларини ўрганадиган фандир. Диалектология сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, шевалар, диалектлар ва лаҳжалар тўғрисидаги билим деган маънони билдиради. Ўзбек диалектологияси ўзбек шеваларининг фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини, унинг шаклланиш ва тарқалиш чегараларини ўрганади. Биз

аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам уни асраб-авайлаш, қадрлаш зарур. Демак, шевалар тўғрисидаги фанни ўрганиш талабаларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш имкониятини туғдиради. Ўзбеклар нафақат Ўзбекистон Республикасида балки, Тожикистон, Қозоқистон, Қирғизистон, Туркменистон, Афғонистон, Туркия, Саудия Арабистони, Австралия, Хитой Уйғуристонида ва бошқа мамлакатларда ҳам истиқомат қиладилар. Албатта, уларнинг тили ўзбек тили бўлса-да, ҳар бирининг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари мавжуд. Ўзбек шевалари ўзбек тилининг маҳаллий кўринишлари бўлиб, уни ўрганиш фан учун назарий аҳамият касб этса, бўлажак тил ва адабиёт ўқитувчиси учун амалий аҳамиятга ҳам моликдир. Бу фанни ўрганишдан мақсад ўзбек шеваларининг энг муҳим хусусиятлари-фонетик, лексик, морфологик ва қисман, синтактик хусусиятлари ҳақида талабаларга тўла маълумот беришдир. Бу эса қуйидаги вазифаларни келтириб чиқаради:

- талабаларга ўзбек диалектологияси бўйича таянч билимларни бериш ва шу асосда таянч тушунчалар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш;

- ўзбек шеваларининг фонетик, лексик ва грамматик қурилиши ҳақида маълумот бериш;

- шеваларни ўрганиш методлари тўғрисида тушунча бериш ҳамда шева вакилларида маълум бир шева хусусиятларини ёзиб олиш малакасини ҳосил қилиш;

- адабий тил ва шева муносабатлари тўғрисида тушунча ҳосил қилиш; мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълимида диалектал хатоларнинг олдини олишга назарий тайёрлаш.

Ҳар бир тилнинг шеваларини ўрганувчи фан тасвирий диалектология деб юритилади. Ўзбек диалектологияси ҳозир тасвирий диалектология босқичидадир. Бу фан бошқа фанларни, шу жумладан тил тарихини ўрганишда зарурий манба эканлигини ҳисобга олсак, бу жараёнда тарихий диалектология тўғрисида ҳам фикр юритиш лозим бўлади. Тилнинг ривожланиши айни ўринда шеваларнинг ҳам тарихий ривожланиши ҳисобланади. Бу эса тарихий диалектологиянинг текшириш объектидир. Ўзбек тилшунослигида тарихий диалектология эндигина шаклланиб келмоқда. Тарихий диалектология тилнинг диалектал хусусиятлари билан бирга шу хусусиятларнинг келиб

чиқиши, ривожланиши, турли даврларда ўзгариши, қардош тиллар билан муносабати ва шу шеваларнинг ташкил топишида бошқа тилларнинг иштирокини аниқлаш қабиларни ҳам ўрганади, лаҳжа ва шеваларни лингво-географик усуллар билан ўрганиш ҳам, биринчи навбатда, тарихий мақсадларни кўзда тутди. Шеваларни ўрганиш тил тарихи учун ҳам, халқ тарихи учун ҳам бой ва қимматли маълумотлар беради. Адабий тилда аллақачон йўқ бўлиб кетган ёки маълум даражада ўзгариб кетган лексик элементлар ва айрим грамматик шакллар маҳаллий шеваларда сақланиб қолган бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан диалектология тил тарихини ўрганиш учун жуда аҳамиятлидир. Шунингдек, ўзбек диалектологияси ҳам ўзбек адабий тили тарихини ўрганиш, унинг айрим ноаниқ масалаларини ёритиш учун асосий манбадир. Қадимий ўзбек ёзма ёдгорликларининг биз учун ноаниқ бўлган айрим хусусиятларини ҳозирги замон ўзбек шеваларини ўрганиш билан (шу шева материаллари ёрдамида) аниқлашимиз тўлдиришимиз мумкин. Диалектларни ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий аҳмиятга эга. Шеваларни ўрганиш ўзбек адабий тилининг фонетик, лексик-грамматик меъёрларини белгилаш учун, шунингдек, ўзбек орфография ва орфоэпиясини мўътадиллаштириш учун ҳам катта ёрдам беради. Шеваларни ўрганиш халқ тарихи, этнографияси учун муҳимдир. Масалан, шеваларни ўрганиш орқали ўтмишдаги уруғ-қабилаларнинг жойлашиш ҳудудларини аниқлаш, топонимлар, гидронимлар ва шу каби номлар воситасида халқ тарихининг айрим лавҳаларини яратмоқ мумкин бўлади. Ўзбек тили бошқа туркий тиллардан кўп шевалилиги билан фарқланади. Ўтган тарихий давр ичида ўзбек шевалари тўхтовсиз тараққий этди. Унинг тараққиёт тарихи ва ҳозирги даврини тушуниш ва изоҳлашда шева, диалект, лаҳжа деган терминлар қўлланадики, уларнинг луғавий ва терминологик маъноларини билиш албатта зарур. Шева форсча сўз бўлиб, овоз, тил, сўзлашиш, одат, йўсин, равиш деган маъноларни билдириб, фанда ўзига хос лексик, фонетик ва грамматик хусусиятлари билан фарқланиб турадиган миллий (халқ) тилнинг кичик территорияга оид қисмини англатади. Диалект сўзи юнонча бўлиб, шевага нисбатан кенг маънода қўлланади. Адабий тилдан ўзининг баъзи бир фонетик, грамматик, лексик хусусиятлари билан фарқланадиган бирор тилнинг йирикроқ бўлаги диалект деб юритилади. Диалект тилнинг энг кичик бўлаги бўлган шеваларнинг бир қанчасини ўз ичига олади. Лаҳжа арабча сўз бўлиб у сўз, шева, овоз, ифода каби маъноларни билдиради. Диалектологик термин сифатида қадимдан ўзбек тилининг тараққиётига асос бўлган шева ва диалектларнинг энг йирик тўдасини англатади. Ўзбек шевашунослигида лаҳжа шевалардаги асосий хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндисини билдиради. Ўзбек тили ўз тарихий

таракқиётида учта лаҳжанинг бирлигидан таркиб топган. Улар: қарлуқ-чигил-уйғур, қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларидир.

Лаҳжа термини ўзбек, турк тилларида истеъмолда бор, бошқа аксарият миллатлар диалектологиясида диалект ва шева терминларига кўпроқ мурожаат қилинади. Диалектологияда икки хилдаги диалект тўғрисида фикр юритиш мумкин, яъни маҳаллий диалект ва ижтимоий диалектлар. Маҳаллий диалект умумхалқ (миллий) тилининг муайян территорияга оид кўриниши, ўзига хос намоён бўлишидир. Ўзбек диалектологияси маҳаллий шева, диалект ва лаҳжаларни ўрганиш билан шуғулланади. Бу атама бошқа манбаларда "социал диалект" номи билан юритилади. Яъни маҳаллий диалект муайян диалектнинг ижтимоий муҳити, унинг тарихий ривожланишини ўрганади. Шу билан бирга шаҳар диалекти тўғрисида ҳам фикр юритилиб, шаҳар диалектини ўрганишда қатор муаммоларнинг мавжудлиги кўрсатилади ва тадқиқотларни олиб боришда шаҳар аҳолиси қатламлари ва уларнинг тарихини бирга олиб ўрганиш кераклиги айтилади. Бу муаммолар ўзбек тили шаҳар шеваларида ҳам кузатилмоқда. Ижтимоий диалект эса маҳаллий шева, диалект ва лаҳжалардан фарқ қилган ҳолда, муайян гуруҳдаги шахсларнинг умумхалқ тилидаги сўзларга ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ўзгача маъно касб этишлари ёки муайян соҳа – касб-ҳунар лексикаси, терминологиясидан фақат шу соҳа кишиларининг ўзларигина фойдаланишлари асосида вужудга келади. Улар бирор шева ёки диалект хусусиятига тенг эмас. Ижтимоий диалектда шевага оид сўзлар ҳам баъзан қатнашиши мумкин. Бошқача айтганда, ижтимоий диалектда ўзига хос фонетик ва грамматик хусусиятлар бўлмайди, лекин айрим лексик хусусиятлари бўлиши мумкин. Ўзбек диалектологияси ижтимоий диалектни ўрганмайди, ижтимоий қатламлар "тил"и социолингвистиканинг бошқа бўлимлари объектидир. Профессор Е.Д. Поливанов "Ўзбек диалектологияси ва ўзбек адабий тили" номли асарида (1933) ўтган асрнинг биринчи чорагидаёқ ўзбек тили ўзининг кўп шевалилиги билан бошқа туркий тиллардан ажралиб туриши ҳақида маълумот берган эди. Кейинги тадқиқотлар буни тасдиқлаган. Унинг туб сабаблари бир неча омилларга бориб тақалади. Профессор В.В.Решетов ўзбек тили диалектал картасининг ранг-баранглигини унинг этногенезисидан қидириш лозимлигини уқтиради. Тарихимизга оид адабиётлар қадимда туркий уруғ ва қабилалар миқдори анча кўп бўлганлиги тўғрисида хабар беради. Улар ичида ўзбек тили ва унинг шевалари шаклланишида қарлуқ, чигил, уйғур, қипчоқ уруғлари, қангли, қатағон уруғ ва қабилалари бирлашмаларининг тарихий таракқиёти катта рол ўйнаган. Ўзбек тилининг диалектал ўзига хослигида қадимги уруғ ва қабилаларнинг турли территорияда алоҳида-алоҳида

мустақил яшашлари муҳим аҳамият касб этган. Ижтимоий ҳаёт тарзи, территориал мустақиллиги, касб-кори, этнографик хусусиятлари уларнинг тилида акс этмай қолмас эди ва бу ҳолат тилда умумийликни сақлаб қолган ҳолда, бошқа территорияда яшовчи ўзбеклар тилидан кўпгина хусусиятлари билан фарқланишига олиб келган, бу эса шеванинг ўзига хослигини келтириб чиқарган. Шева ва диалект хусусиятларининг тобора қатъийлашишига аҳоли пунктларининг бир-биридан узоқ жойлашиши муҳим рол ўйнаган. Шу тариқа бир тил ичида турли шеваларнинг шаклланишига олиб келган. Тарихчи олим К.Шониёзовнинг кўрсатишича, қарлуқлар ва уларга қон-қардош бўлган чигил, халаж қабилалари Иле дарёси ҳавзасида, Сирдарёнинг жанубий оқимлари, Исфижобда ва Фарғона воҳасига тарқалган кенг территорияда яшаганлар. Тургеш қабилалари иттифоқи Еттисувни эгаллаган. 766-йилда бу территориялар қарлуқлар томонидан ишғол қилинган. IX-X асрларда ўғузлар Сирдарёнинг қуйи ва ўрта ҳавзаларини ҳамда Орол бўйлариини ишғол қилган. Қипчоқ қабилалари эса, асосан, Олтой ўлкасида, Иртиш бўйларида яшаганлар ва кейинчалик улар Сибир, Гуржистон, Волга, Дунай дарёлари бўйлари ҳамда Марказий Осиёга тарқалганлар. Ўзбек тилида шева ва диалектларнинг кучли фарқланиб қолганлигига ўзбек тили бошқа тиллардан ажралиб мустақил тараққий эта бошлаган даврдан бошлаб унга қардош туркий тилларнинг ва форсий тилнинг кучли таъсири ҳам сабаб бўлган. Жумладан, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларига қорақалпоқ ва қозоқ тилларининг, Тошҳовуз ўзбек шеваларига (Хоразм шеваларига) туркман тилининг, шимолий ўзбек шеваларига қозоқ тилининг, Қирғизистондаги ўзбек шеваларига қирғиз тилининг, Самарқанд, Бухоро, Наманган, Сариосиё ва Тожикистондаги ўзбек шеваларига тожик тилининг таъсири кучлидир. Шу туфайли ҳам бу шевалар бошқа шевалардан фарқланиб қолмоқда ва ўзига хосликни вужудга келтирмоқда. Юқорида қайд қилганимиздек, ўзбек тили йирик учта лаҳжани қамраб олган, лекин ҳар бир лаҳжа орасига баъзан қатъий чегара қўйиб бўлмайди, яъни аксарият шевалар айна бир тил қонуниятларига амал қилиши мумкин, масалан, сингармонизм ҳар учала (Марказий шаҳар шеваларини ҳисобга олмаганда) лаҳжада учрайди, шунингдек, унлиларнинг бирламчи чўзиқликлари қарлуқ ва ўғуз лаҳжаларида ҳам қайд қилинади. Ўзбек диалектологияси тилшунослик фанларидан бири сифатида, аввало, "Ҳозирги ўзбек тили" фани назарий асосларига таянади. Шунингдек, "Ўзбек тили тарихи" фанининг "Қадимги туркий тил", "Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси", "Ўзбек адабий тили тарихи" бўлимлари учун ҳам назарий, ҳам амалий асос вазифасини бажаради. Ўзбек диалектологияси фани, айниқса, "Ўзбек тили тарихи" фани билан узвий боғланган. Шевалар ва ёзув ёдгорликлари тил тарихи учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бунинг

боиси шундаки, ўзбек тили узоқ йилларни бошидан кечирди, бунинг натижаси ўлароқ ўзбек тилига асос бўлган шевалар ҳозирги Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиё, Афғонистон мамлакатларига ёйилиб кетди. Шеваларнинг бу ҳудудларда тарқалиши, сўзсиз, ўзбек тили тарихини ўрганишда ўзига хосликни келтириб чиқаради. Таъкидлаш лозимки, бизгача етиб келган ўзбек тили манбалари ўз даврининг адабий тилида ёзилган бўлса-да, айтилган замонда, ўша даврнинг шеваларига хос хусусиятларни ҳам акс эттирган. Шунинг учун ҳам, турли ҳудудларда яратилган ёзма ёдгорликларда диалектал ўзига хосликлар намоён бўлади, чунки асар муаллифлари ёки уни кўчирувчилар муайян шеванинг вакиллари бўлганлиги туфайли ҳам, улар шеваси хусусияти у ёки бу тарзда асарларда акс этмай қолмас эди. Бу ҳолат тил тарихи асарларининг ўзига хослигини таъминлаган. Ҳозирги шева фактлари эса тил тарихини тушуниш учун ҳам хизмат қилади, чунки, аввал айтилганидек, тилимиз тарихига оид сўзлар, фонетик ва грамматик унсурлар тамоман йўқолиб кетмайди, балки у ёки бу даражада шеваларимиздан бирида ўз маъносида ёки қисман маъноси ўзгаран шаклда сақланиб қолади, бу эса тил тарихидаги айрим тушунчаларни ойдинлаштиришга хизмат қилиши мумкин, масалан, "Девону луғатит турк" асаридаги анач сўзи (қизларни эркалаш шакли), шимолий ўзбек шеваларида, атиз (экин майдони) сўзи Хоразмда, *эвдъдъ / евдиди* (терди) сўзи *эвдддъ / евдеди* тарзида Шимолий ўзбек шеваларида, *къзлэдъ / кизледи* (яширди) сўзи *гъзлэдъ / гизледи* тарзида Хоразмда ва Шимолий ўзбек шеваларида ҳозир ҳам қўлланади. *Кэшур / кешър* сўзи "Девон"да *турп* маъносини англатган бўлса, Хоразм шеваларида *гэшър / гешир* вариантида сабзини билдиради. Демак, у қисман маъно ўзгаришига учраган. Ўзбек диалектологияси география фани билан узвий алоқадор, яъни ҳар бир шева ҳақида маълумот тўпланганда, шу шева вакиллари жойлашган территориянинг кўлами, аҳолисининг миқдори, шу территория иқлими ва бошқа маълумотлар ҳам эътиборга олинади, яъни географик муҳити ҳам ёритилади. Шунингдек, ўзбек диалектологияси ўзбек халқи тарихи, адабиёти, фольклори, этнографияси, санъати каби фанларнинг маълумотларига таянади ва айтилган ўринда, улар учун ҳам бой материал беради. Ўзбек диалектологияси ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик бўлган фандир. Бу фан бўйича олинган назарий билимлар, юқорида таъкидланганидек, кейинги курсларда ўтиладиган фанларга назарий асос бўлиб хизмат қилса, айтилган замонда, тил ва адабиёт ўқитувчиларини ўзбек диалектологияси билимлари билан қуроллантириб, ўз педагогик фаолиятида диалектал хатолар устида ишлашга ҳам тайёрлайди, яъни ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқида учрайдиган диалектал хатоларнинг манбаларини аниқлаш ва тўғри йўл тутишига ёрдам беради. Ўзбек шевалари тасвирий, қиёсий,

қиёсий-тарихий, лингвистик география методларида ўрганиб келинмоқда. Муайян шеванинг фонетик, лексик ва грамматик хусусияларини тузилган саволнома асосида тавсиф қилиб чиқиш асосида ўрганиш тасвирий методдир. Бунда ўзбек адабий тили хусусиятлари асос қилиб олинади. Шевага хос хусусиятлар ёндош шеваларга, қариндош тилларга қиёслаб ўрганилиши қиёсий методдир. Шу пайтгача ўзбек шеваларини ўрганишда, асосан, тасвирий ва қиёсий методдан фойдаланилган ҳамда бой материал тўпланган. Ўзбек шеваларини ўрганишда XIX асрнинг охирида пайдо бўлган қиёсий - тарихий методдан ҳам фойдаланилган. Бу методга кўра, ўзбек шевалари материаллари бошқа туркий тиллар, "Девону луғатит турк", "Қутадғу билиг", Алишер Навоий асарлари тили ва бошқа тил тарихи манбалари тилига қиёслаб ўрганиб борилган, лекин бу метод асосий метод ҳисобланмайди, балки таҳлил талаб ўринлардагина ва айрим тил тарихига оид мақола ва асарларда учраб туради. Шунингдек, шевалар лингвистик география методи билан ҳам ўрганилади .

Мавзуга оид саволлар

1. Ўзбек диалектологиясининг мақсади нималардан иборат?
2. Ўзбек диалектологиясининг вазифаси нималардан иборат?
3. Ўзбек диалектологияси фани қайси фанлар билан ўзаро боғланган?
4. Ўзбек шевашунслигининг назарий ва амалий аҳамияти?
5. Тасвирий диалектология нима?
6. Тарихий диалектология нима?
7. Шеванинг таърифини айтинг.
8. Диалект деганда нима тушинилади?
9. Лаҳжа деб нимага айтилади?
10. Ўзбек шеваларининг мураккаб таркиби қайси омиллар билан боғланган?
11. Ўзбек шевалари қайси методлар билан ўрганилади?

ГЛОССАРИЙ

Ўзбек диалектологияси [Uzbek dialectologiy] – ўзбек шеваларини илмий равишда ўрганадиган фан.

Sheva [accent, dialect] – ўзбек тилининг кичик территориядаги муомала воситаси.

Диалект [dialect] – ўзаро бир-бирига яқин шевалар тизими.

Лаҳжа [dialect] – шаклланиши жиҳатидан умумий тарихга эга бўлган диалектлар жами.

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси [Qarluq-chigil-uyg`ur dialect] – ўзбек тилининг шу номлар билан аталадиган уруғ-қабила иттифоқи негизида шаклланган шева ва диалектлар тўдаси.

Қипчоқ лаҳжаси [Qipchaq dialect] – ўзбек тилининг қипчоқ уруғ ва қабилалари негизида шаклланган шева ва диалектлар тўдаси.

Ўғуз лаҳжаси [Ug`uz dialect] – ўзбек тилининг ўғуз уруғ ва қабилалари негизида шаклланган шева ва диалектлар тўдаси.

Тавсифий (синхрон) метод [descriptive method] – шеванинг ҳозирги ҳолатини ёзиб олиш методи.

Қиёсий-тарихий метод [comparative historical method] – тилларни ҳам тарихий тараққиёт, ҳам бошқа ёндаш тилларга қиёслаб ўрганиш методи, бу методдан шеваларни ўрганишда ҳам фойдаланилади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: НАВРЎЗ, 2016.
2. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 .
3. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 2004.
4. Эназаров Т., Каримжонова В. А., Эрназарова М.С., Маҳмадиев Ш. С., Рихсиева К.Ф. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fscger/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>
5. www.altinmiras.com

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбек диалектологиясининг предмети аниқланг:
А. Ўзбек шеваларини ўрганади.
Д. Ўзбек тилидаги шева, диалект ва лаҳжаларни ўрганади.
- В. Ўзбек диалектларини ўрганади.
С. Ўзбек адабий тилига асос бўлган шеваларни ўрганади.
2. Шева деб:
А. Ўзбек тилининг кичик территориясига оид қисмига айтилади.

В.Ўзбек тилининг ўзига хос лексик хусусиятларига оид бир қисмига айтилади.

С.Ўзбек тилининг ўзига хос фонетик ва грамматик хусусиятига ега бўлган қисмига айтилади.

Д.Ўзбек тилининг лексик фонетик ва грамматик хусусиятларига ега бўлган кичик қисмига айтилади.

3. Ўзбек адабий тилига берилган тўлиқ таърифни аниқланг:

А. Ўзбек адабий тили асрлар давомида бир қолипга тушган, силлиқлашган тилдир.

В. Ўзбек адабий тили миллий тилнинг юқори босқичи бўлиб, сўз санъаткорлари томонидан сайқал берилган, бир қолипга солинган тилдир.

С. Ўзбек адабий тили лексик жиҳатдан нисбатан барқарор, меъёрлашган тилдир.

Д. Ўзбек адабий тили лексик жиҳатдан нисбатан барқарор, фонетик ва грамматик жиҳатдан бир қолипга солинган, сўз усталари томонидан силлиқланган тилдир.

4. Диалект деб:

А.Бир-бирига тенг бўлган шевалар йиғиндисига айтилади.

В.Бир-бирига яқин бўлган шеваларни билдиради.

С.Лексик, фонетик ва морфологик хусусиятлари яқин бўлган шеваларни бирлаштиради.

Д.Лексик, фонетик ва морфологик жиҳатдан яқин бўлган ҳамда ўзбек тилининг нисбатан каттароқ территориясига оид қисмига айтилади.

5. Лаҳжанинг таърифни аниқланг.

А.Бир-бирига яқин бўлган шевалар жамидир.

В.Бир-бирига яқин бўлган диалектлар жамидир.

С.Этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган диалектларни бирлаштиради.

Д.Лаҳжа - бу аслида тил, sheva маъноларини англатади.

6. Ўзбек лаҳжалари тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

А. Ўғуз, қипчоқ, Жиззах.

В. Ўғуз, қирғиз, Қорақалпоқ.

С.Ўғуз, қипчоқ, қарлуқ.

Д.Ўғуз, найман, қарлуқ.

7. Ўзбек шеваларининг ранг-баранглигини қуйидаги омиллардан қайси бири таъминлаган?

А. Ўзбекларнинг этник хусусиятлари, ўзбек тилига туркий ва туркий бўлмаган тилларнинг таъсири.

В. Ўзбекларнинг турмуш тарзи, ўзбек тилига туркий ва туркий бўлмаган тилларнинг таъсири.

С. Ўзбекларнинг этник хусусиятлари ва ўзбек тилига тожик тилининг таъсири.

Д. Ўзбек тилига туркий ва туркий бўлмаган тилларнинг таъсири.

8. Қуйидагилардан қайси бири лаҳжа эмас?

- А. Қарлуқ.
 В. Ўғуз.
 С. Қозоқ-найман. Д. Қарлуқ-чигил-уйғур.
 9. Ўзбек тили таркибидаги лаҳжани аниқланг.
 А. Ўрта ўзбек. В. Жанубий Хоразм. С. Қарлуқ. Д. Жалойир.
 10. Ўзбек тили таркибидаги лаҳжани аниқланг.
 А. Самарқанд. В. Қипчоқ. С. Хоразм. Д. Бухоро.

Ўзбек шеваларининг ўрганилиш тарихи ва методлари

Режа:

1. Ўзбек шеваларини ўрганилиш тарихи
2. Ўзбек шеваларини таснифлашда етакчи принциплар.
3. Ўзбек шеваларининг ўрганишнинг ўзига хослиги.
4. Ўзбек шеваларининг ўрганишнинг даврийлиги.

Туркий шеваларни ўрганиш тарихи Маҳмуд Кошғарий номи билан чамбарчас боғлиқ. У туркий тилларнинг дастлабки таснифини яратган. Бу туркий тиллар соҳасидаги ягона тасниф эди. Маҳмуд Кошғарийгача туркий тиллар таснифи билан махсус шуғулланган олимни учратмаймиз. Шунинг билан бирга у ўз даврининг улуғ шевашунос олими сифатида Чиндан бошлаб бутун Мовароуннаҳр, Хоразм, Бухоро, Фарғона каби кенг заминда яшаган уруғ-қабилаларнинг тилларини синчиклаб ўрганган. Маҳмуд Кошғарийнинг бу иши туркий тиллар, жумладан, шевашунослик тарихида ягона бўлиб, уни якка ҳолда текшириш усули билан қилинган иш деб айтишимиз мумкин. Демак, якка ҳолда шеваларни ўрганиш тарихи Маҳмуд Кошғарий номи билан чамбарчас боғланади. Маҳмуд Кошғарий шеваларни ўганиш ва "Девону луғатит турк" асарини яратиш учун йигирма йил вақт сарфлаган. М.Кошғарийдан сўнг ўзбек халқ шеваларининг махсус ҳолда текширилганлиги аниқ эмас. Бу усул билан материал йиғиш XIX асрнинг ярми ва XX асрнинг бошларида бирмунча режали йўлга қўйилганди. Шеваларни шу тариқа органиш ўтган асрнинг 20-30-йилларида, айниқса, кенг миқёсга эга бўлди. Бу соҳада Ғози Олим Юнусов, Улуғ Турсунов, Е.Д.Поливанов, Собиржон Иброҳимов, В.В.Решетов, А.Фитрат, Шоназар Шоабдурахмоновларнинг бир неча тадқиқотлари бор. Шеваларни якка ҳолда ўрганишда республикамиз олимлари "савол-жавоб" усулини ҳам татбиқ этиб

келмоқдалар. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишда қўлланадиган усулларнинг энг муҳимлари 3 хил деган хулосага келиш мкин. 1. Якка ҳолда ўрганиш. 2. Тажриба ўтказиш усули билан ўрганиш. 3. Савол-жавоб усули билан ўрганиш. Анъанавий шевалар ўзларининг жойлашган ўринларига қараб, бир-бирларидан тарихий, ҳозирги ҳолати нуқтаи назаридан анча фарқ қилади. Биз анъанавий шеваларни ўрганмоқчи бўлсак, биринчи навбатда уларнинг асосий хусусиятларини ташувчи шевалар устида иш олиб борамиз . Ўзбек шевалари ҳозирга қадар ўзбек адабий тилига қиёсан ўрганиб келинди ва бунда тавсифий ва қиёсий методдан фойдаланилган. Бу методда шеваларнинг фонетик, лексик ва морфологик хусусиятлари кенг миқёсда ўрганилди ҳамда бой материал тўпланди. Ўзбек шеваларини ўрганишда XIX асминг охирларида пайдо бўлган қиёсий - тарихий методдан ҳам фойдаланилган. Бу методга кўра ўзбек шевалари материаллари "Девону луғатит турк", "Қутадғу билиг", Алишер Навоий асарлари тили ва бошқа тил тарихи манбалари тилига қиёслаб ўрганиб борилган, лекин бу метод асосий метод ҳисобланган эмас, балки таҳлил талаб ўринлардагина ва айрим тил тарихига оид мақола ва асарларда учраб туради. Шунингдек, ўзбек диалектлари фонематик тизимини систем метод орқали ўрганиш ҳам тажриба қилинди. Жумладан, ўзбек тилидаги тил бирликларини инвариант-вариант муносабатида ўрганиш жараёнида ўзбек шевалари фонологик тизими ҳам систем жиҳатдан таҳлил қилинган ишлар юзага келмоқда (Набиева Д. А. Ўзбек тилида лисоний бирликларнинг инвариант-вариант муносабати. Номзодлик диссертатсияси автореферати., Т. 1998) Ўзбек шеваларини таснифлашда қуйидаги етакчи тамойиллар ишлатилади: 1) ҳудудий тамойил; 2) этник тамойил; 3) этногенетик тамойил; 4) лисоний тамойил; 5) лисоний-ҳудудий (лингвоареал) тамойил. Ўзбек шевалари асосан XX асрнинг 20-30 йиллардан бошлаб, илмий асосда ўрганила бошланди ва унинг дастлабки таснифлари пайдо бўла бошлади. XX аср бошларигача бўлган даврда В.Наливкин, М.Наливкина, А.Старчевский, А.Вишнегорский, З.Алексеев, Н.Остроумов, Т.Ғиёсбековлар жонли тил фактлари асосида ўзбек тили луғати, қисман фонетик ва морфологик хусусиятларини ёритган ишларни амалга оширганлар. Уларни соф диалектологик ишлар деб ҳам, адабий тил фактлари деб ҳам қараш қийин, лекин инқилобдан кейинги йилларда ўзбек адабий тилига асос бўладиган шева ва диалектларини аниқлаш, миллий тилнинг имкониятларини белгилаш билан ўзбек шевалари кенг миқёсда ўрганила бошланди. Шу жараёнда ўзбек шевалари тасниф қилинди. Ўзбек шеваларини тасниф қилишда бир неча тамойиллардан фойдаланилади. Улар қуйидагилар:

- ўзбек (туркий) тилига хос бўлган унли ва ундош товушларнинг мавжудлиги ёки амалда бўлиши;

- маълум фонетик қонуниятларга амал қилиши, жумладан сингармонизим ва умлаут.

- тарихий қатламга оид лексик бирликларнинг миқдори, ўзлашган қатлам сўзларининг иштироки.

- ўзбек шеваларига қариндош ва қариндош бўлмаган тил ва шеваларнинг таъсири.

- шеванинг асосий хусусиятини белгиловчи характерга эга бўлган товуш ёки фонеманинг тарқалиш даражаси.

- сўзнинг фонетик тузилиши ва бошқалар.

Ўзбек шеваларини тасниф қилишда бир қатор олимлар қатнашган. Ўзбек шеваларини профессор И.И.Зарубин тасниф қилишга ҳаракат қилган ва унинг Хива, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд-Бухоро каби тўрт гуруҳга бўлинишини таъкидлайди, лекин уларга хос бўлган асосий тамойилларни баён қилмайди ва ҳатто "ж"ловчи ва шимолий ўзбек шевалари унинг эътиборидан четда қолади. Ўзбек шевалари қуйидаги олимлар томонидан тасниф қилинган: И.И.Зарубин (худудий тамойил асосида тасниф этган), Е.Д.Поливанов (лисоний-худудий (лингвоареал) тамойил), Ғози Олим Юнусов (этногенетик тамойил), К.К.Юдахин(этник тамойил), А.К.Боровков (этногенетик тамойил), В.В.Решетов (худудий, этник, этногенетик, лисоний, лисоний-худудий (лингвоареал) тамойиллар) асосида иш кўрганлар. Бугунги кунгача ўзбек халқ шевалари таснифида юқоридаги бешта тамойилнинг таснифи бўлгани каби улардан худудий тамойил етакчилик қилгани сезилиб туради. Шунинг учун бизнингча, шеваларимиз икки хил нуқтаи назардан тасниф қилиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) шеваларимизнинг мамлакатимиз ва қўшни давлатлар худудларида жойлашиши жиҳатдан таснифи, яъни ўзбек шеваларининг умумий таснифи;

- 2) маълум бир воҳа ёки вилоят (туман) шеваларининг таснифи, яъни ўзбек шеваларининг хусусий таснифи.

Ўзбек тили табақаланиш (шеваларнинг ажралиши) йўли билан эмас, балки уйғунлашиш (шеваларнинг қўшилиши) йўли билан ташкил топган. Ҳозирги ўзбек тили уч гуруҳ шеваларнинг (қипчоқ, ўғуз, қорлуқ) қўшилишидан ташкил топган. Шунинг учун ўзбек тилининг диалект ва шевалари Марказий Осиёдаги бошқа туркий тилларга нисбатан хилма-хил гуруҳларга бўлинган. Ўзбек тилининг таркибида бошқа туркий тилларга нисбатан шева кўп. Ўзбек шевалари ва уларнинг ўзига хос айрим хусусиятлари, фонетик, морфологик хусусиятларга кўра бир-бирлари билан

яқинлашадиган ва айни вақтда бир-бирларидан фарқ қиладиган диалектал гуруҳлари ҳақида тасаввурга ега бўлиш учун уларнинг ўзига хослигини кўрсатувчи таснифини билишимиз керак. Шеваларимиз XX аср бошларидан то 90-йилларгача И.И.Зарубин, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, Е.Д.Поливанов сингари рус турколог олимлари ва Ғози Олим, Ф. Абдуллаев, В.В.Решетов, Ш. Шоабдурахмонов, Б.Жўраев, С.Иброҳимов, М.Мирзаев, А.Ишаев, Қ.Муҳамеджанов, К.Назаров, Ё.Ғуломов, А.Шерматов, А.Алиев, Д.Абдурахмонов, Э.Шералиев, Н.Ражабов, Б.Тўйчибоев, К.Усмонов, А. Жўраев сингари ўзбек тилшунослари томонидан ҳам у ёки бу даражада тасниф қилинган. Албатта, уларнинг бу соҳадаги ишларининг аҳамияти бугунги кунда ҳам бениҳоя каттадир. Бугунги кунгача ўзбек халқ шевалари икки хил нуқтаи назардан тасниф қилинганлиги ётирофга сазавор:

1) ўзбек шеваларининг хусусий таснифи, яъни маълум бир воҳа ёки вилоят (туман) шеваларининг таснифи;

2) ўзбек шеваларининг умумий таснифи, яъни шеваларимизнинг мамлакатимиз ва қўшни давлатлар ҳудудларида жойлашиши жиҳатдан таснифи.

Маълум бир воҳа ёки вилоят шеваларини тасниф қилиш XX асрнинг 50-90-йилларида амалга оширилган илмий тадқиқотларда учрайди. Масалан, Ф.Абдуллаев, А.Шерматов, Б.Жўраев, Э.Шералиев, Тўли Йўлдошев, А.Алиев, С.Раҳимов, Д.Абдуллаевлар ўзбек шеваларини гуруҳлаб ўрганишган. Ғ.Абдуллаев Хоразм вилояти шеваларини қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларига бўлиб ўрганган. А.Шерматов, Б.Жўраев Қашқадарё вилояти ўзбек шеваларини: 1) Юқори Қашқадарё шевалари; 2) Қуйи Қашқадарё шевалари номлари билан гуруҳларга ажратиб ўрганишган. Э.Шералиев, Д.Абдуллаева, Ш. Шералиевлар Шимолий Тожикистон шеваларини атрофлича ўрганишган. Тўли Йўлдошев Жанубий Тожикистон шеваларини гуруҳлаб ўрганган. А.Алиев Наманган вилояти шеваларини гуруҳлаб, илмий ҳамда амалий асосларда тадқиқ этган. Бу соҳага оид баъзи бир илмий манбаларда оралик шевалар ҳақида фикр юритилган. Ўзбек тилининг оралик шеваларини Қашқадарё шевалари мисолида Т.Қудратов тадқиқ этган. С.Раҳимов эса Сурхондарё вилоятидаги ўзбек шеваларини иккита гуруҳга бўлиб ўрганган:

1.Ж-ловчи шевалар (қипчоқ лаҳжасига хос шевалар).

2.Й-ловчи шевалар (қарлуқ лаҳжасига хос шевалар). Уларда В.В.Решетов томонидан талқин этилган қипчоқ ва қорлуқ лаҳжаларига оид хусусиятлар учрайди. Б.Тўйчибоев ва Б.Ҳасановлар қипчоқ лаҳжасини шарқий, ғарбий ва

Фарғона гуруҳ кипчоқ шевалари деб учга бўлишган. Ўзбек шеваларининг ўрганилиши ва тасниф қилинишида жаҳон аҳамиятига молик бўлган профессор Е.Д.Поливанов, машҳур профессорлар К.К.Юдахин, Ғози Олим, А.К.Боровков, В.В.Решетов каби олимларнинг буюк хизматлари бор. Бу олимлар раҳбарлигида маҳаллий ўзбек олимлари етишиб чиқди. Ўзбек шевалари академик Ш. Шобдуррахмонов, профессорлар М. Мирзаев, Ф. Абдуллаев, С. Иброҳимов, Х. Ғуломов, Й. Ғуломов, А. Алиев, А. Шерматов, А. Жўраев, О. Мадрахимов, Т. Йўлдошев, Н. Ражабов, Х. Дониёров, Т. Нафасов, Қ. Муҳаммаджонов, Й. Иброҳимов, Э.Шералиев ва бошқа олимларимиз томонидан тадқиқ этилган. Бу профессорлар билан бирга 50 га яқин фан номзодлари, доцентлар ўзбек шевалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борганлар ва олиб бормоқдалар. Бу олимларнинг самарали ва фидокорона меҳнатлари ва илмий ишлари туфайли ўзбек диалектологияси фан сифатида шаклланди ва деярли барча лаҳжа ва шевалар синхроник тарзда ўрганиб чиқилди, луғатлари тузилди. Ўзбек шевалари ҳамон тадқиқот объекти бўлиши мумкин, яъни эндиликда ўзбек шеваларининг барча масалалари бўйича назарий муаммолар: ўзбек шевалари фонологияси, туркий диалектология, этимология, туркий тиллар билан қиёсий жиҳатлардан ўрганилиши керак. Бу каби масалаларнинг ўрганилиши ўзбек тилшунослигини янада бойитишга хизмат қилади.

Саволлар:

1. Ўзбек шевалари қачондан бошлаб ўрганила бошланди?
2. Ўзбек шевалари таснифида қайси принциплар етакчи ҳисобланади?
3. И.И.Забурин қайси тамойил асосида ўзбек шеваларини таснифлаган?
4. К.К.Юдахин таснифи тўғрисида маълумот беринг.
5. А.К.Боровков таснифи тўғрисида маълумот беринг.

ТЕСТ

1. Ўзбек халқ шевалари асосан қайси усул асосида ўрганилиши мақсадга мувофиқ эмас?

- A. Тарихий усулда.
- B. Синхрон услуда.
- C. Қиёсий усулда.
- D. Қиёсий-тарихий усулда.

2. Ўзбек халқ шеваларини ўрганишда қайси рус олимлари иштирок этишмаган?

- A. В.А.Серебренников, Е.М.Поспелов, А.А.Шахматов, К.К.Кононов.
- B. А.А.Шахматов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, Е.Д.Поливанов.
- C. Е.Д.Поливанов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетов.
- D. Е.М.Поспелов, С.Қораев, А.Рустамов, Ф.Абдурахмонов.

3. Ғози Олим шеваларни қандай лаҳжаларга бўлмаган?

- A. Ғарбий, Шарқий ва Шимолий лаҳжалар.
- B. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси.
- C. Турк-барлос лаҳжаси.
- D. Хива-Урганч лаҳжаси.

4. А.К.Боровков ўзбек шеваларини неча гуруҳга бўлмаган?

- A. Тўртта гуруҳга бўлмаган.
- B. О-ловчи шевалар.
- C. Й-ловчи шевалар.
- D. А-ловчи шевалар.

5. Ўзбек шеваларини таснифлашда етакчи принципларга нималар кирмайди?

- A. Этник, этногенетик, ҳудудий принциплар.
- B. Ҳудудий, этногенетик, лисоний, лисоний ҳудудий ёки лингвоареал принциплар.
- C. Ҳудудий, этник, лисоний, лисоний ҳудудий ёки лингвоареал принциплар.
- D. Ҳудудий, этник, этногенетик, лисоний, лисоний ҳудудий ёки лингвоареал принциплар.

ГЛОССАРИЙ

1.Хусусий тасниф – яъни маълум бир воҳа ёки вилоят (туман) шеваларининг таснифи;

2.Умумий таснифи-- яъни шеваларимизнинг мамлакатимиз ва қўшни давлатлар ҳудудларида жойлашиши жиҳатдан таснифи.

3.Ж ловчи шевалар-қипчоқ лаҳжасига оид шевалар

4.Й ловчи шевалар-ўғуз лаҳжасига кирувчи шевалар

Этник тамойил

Этногенетик тамойил

Лисоний тамойил

Лисоний-ҳудудий (лингвоареал) тамойил

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
2. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
3. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
4. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Т.: "Наврўз", 2016.
5. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.
6. ЭназаровТ., Каримжонова В. ва бошқалар. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.

Internet сайтлари

- 1.www.turk.dili.google.com.tr
- 2.http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mrg
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
- 4.ХТТП://www.uni-leipzig.de/~fscger/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф
5. www.altinmiras.com
6. www.thinsan.com

Транскрипция ва унинг хос хусусиятлари

Режа:

1. Транскрипция ҳақида умумий маълумот.
2. Унли товушларда қўлланиладиган транскрипцион белгилар.
3. Ундош товушларда қўлланиладиган транскрипцион белгилар.
4. Янги ўзбек транскрипцияси.
5. Диакритик белгилар

Таянч тушунчалар:

Веляризация, диакритик белги, диалектолог, индифферент, палатализация, транскрипция, транслитерация, транскрипцион белги, фонетик транскрипция, фонематик транскрипция

ИНГЛИЗЧА-РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТЛАР

Транскрипсия - Transcription—Транскрипция

Унли - Vowels - Гласные

Ундош - Consonant - Согласные

Уйғунлик - harmony - гармония

Фонетик транскрипсия - A phonetic transcription — Фонетическая транскрипция

Фонетик ўзгаришлар - Phonetic change — Фонетические изменения

Дефис, чизиқча - hyphen - дефис

Диакретик белги - диасритис - диакритический знак

Транскрипция лотинча қайта ёзаман деган маънони билдиради. Шевалардаги конкрет нутқ товушларини, яъни фонеманинг вариациялари, вариантларини ёзувда ифодалаш учун қўлланиладиган ҳарфлар, ишоралар системасига транскрипция дейилади. Бу таъриф айни ўринда фонетик

транскрипцияни англатади, чунки конкрет нутқ товушини ёзиб олишда фонетик транскрипциядан фойдаланилади.

Транскрипция қўлланиш доирасига кўра уч хил бўлади:

1. Халқаро транскрипция. Бу транскрипция латин алифбосига асосланади.
2. Рус-кирилл алифбоси асосидаги транскрипция
3. Миллий транскрипция.

Бу ҳар бир миллий тилнинг амалда бўлган ёзуви тизимига асосланади. Ўзбек шевалярини ёзиб олишда қўлланиладиган транскрипцион тизим профессор В.В.Решетов томонидан ишлаб чиқилган ва у рус алифбоси асосидаги ўзбек графикасига асосланади, лекин ўзбек диалектологлари гарчанд В.В.Решетов транскрипциясига асослансалар-да, шевалярни ёзиб олишда ҳар доим ҳам унга тўла риоя қилмайдилар, чунки шевалядаги товушларни белгилашда ҳар бир тадқиқотчи маълум даражада эркинликка эришишларига рухсат этилади. Транскрипция хорижий тилларни ўрганишда ва тил тарихини ўрганишда ҳам қўлланилади. Бунда ёдгорликларда у ёки бу товушнинг (фонеманинг) талаффуз (артикуляцион-акустик) меъёрини белгилаш заруриятидан келиб чиқади. Транскрипция диалект ва шеваляда учрайдиган товушларнинг турли кўринишларини ёзувда ифодалаш учун қўлланиладиган маълум белгилар системасидир. Тил товушларини аниқ ифодалаш учун хизмат қиладиган ёзув транскрипция (латинча транскрипцио—қайта ёзиш) деб аталади. Транскрипция учун у ёки бу халқ истеъмолидаги (латин, рус, ўзбек алфавити каби) анъанавий алфавитдан ўрни билан маълум бир ўзгаришлар киритиш орқали фойдаланилади. Шунинг учун ҳам транскрипцияда белгилар сони ўзига асос бўлган алфавитдаги ҳарфлар сонидан кўп бўлади. Транскрипция тамойиллари ўзига хос хусусиятлари билан орфография ва унинг тамойилларидан (фонетик, морфологик, тарихий-анъанавий каби) фарқ қилади. Транскрипциянинг асосий тамойилига кўра сўзлар қандай эшитилса, шундай ёзиб олинади. Орфографияда, одатда, бир товуш бир ҳарф билан ифодаланса ҳам, баъзан бир товуш икки ҳарф (белги) билан ёки, аксинча, икки товуш бир ҳарф билан берилиши мумкин. Транскрипцияда эса, ҳамма вақт бир товуш бир ҳарф (белги) билан берилади. Транскрипцияни транслитерациядан фарқлаш зарур. Бирор тилнинг ёзма ёдгорликларини ёки маълум бир матнни нашр этишда шу ёдгорликларнинг ёзув системасини бошқа тил ёки ёдгорлик босилаётган халқнинг мавжуд ёзув системаси орқали ифодалаш транслитерация деб аталади. Демак, транслитерация –бирор ёзув ҳарфларини бошқа бир ёзув ҳарфлари билан алмаштириб ифодалаш усулидир.

Транслитерация бир тилдаги бир ёзув тизимида ёзилган матнларни иккинчи ёзув тизимига ўгиришга тушунилади. Масалан, араб ёзувидаги матнларни кириллга, кириллдан латин ёзуви асосидаги янги ёзувга кўчириш транслитерациядир. Транскрипциянинг фонетик ва фонематик турлари ҳам бор. Фонематик транскрипция тилдаги фонемаларнинг талаффуз нормаларини белгилайди ҳамда юқорида таъкидланганидек, бундай транскрипция хорижий тилларни ва тил тарихини ўрганишда қўлланилади. Фонетик транскрипция эса нутқдаги фонеманинг вариацияси бўлган конкрет нутқ товушларини ва баъзи ишораларни белгилашда қўлланади. Бу транскрипциядан шеваларни ўрганишда фойдаланилади. Моҳият жиҳатидан энг аниқ транскрипция фонетик транскрипциядир. Бу транскрипция умумий ва хусусий фонетика, шу қатори экспериментал фонетика ютуқларига асосланади. Тиллардаги нутқ товушларини фонетик транскрипция учун танланган алфавит орқали ифода қилиб бўлмаса, бошқа тиллар алфавитидан ҳарфлар олинади ёки ҳарфлар ёнига, устига, остига, ичига диакритик белгилар орттирилади. Фонетик транскрипциянинг вазифаси тилда мавжуд бўлган ҳамма товушларни ёзувда акс эттиришдир. Транслация тушунчаси ҳам бор. У бир ёзувдаги матнни иккинчи ёзувга компютер дастури воситасида ўтказилишини билдиради. Албатта, ҳар бир тилда жорий ёзувда бўлган ҳарфлар транскрипция тизимини амалга ошириш учун етарли бўлмайди. Шу жумладан, жорий ўзбек алифбосидаги ҳарфлар ҳам ўзбек шеваларини ёзиб олишда унинг турли фонетик жараёнларини кўрсатиш учун кифоя бўлмайди. Шу туфайли ҳам мавжуд ҳарфларга қўшимча белгилар қўйилади, баъзан эса бошқа ёзув тизимидан ҳарф қабул қилинади ва ҳ. Демак, шева материалларини ёзиб олиш чоғида ҳар бир диалектолог ижодий ёндошиш имкониятига эга бўлади. Ҳозирча олиб борилган диалектологик тадқиқотларда шевалар қуйидаги, яъни рус графикаси асосидаги транскрипция амалга оширилган. Унли товушлар барча тилларда ҳам кўп қиррали бўлиб, у ўзбек шеваларида айниқса физиологик жиҳатдан ранг-барангдир. Унлиларни ифодалашда ўзбек диалектологиясида қуйидаги белгилардан фойдаланилади:

а(*a*) - умумтуркий, орқа қатор, қуйи-кенг, лабланмаган унлини ифода қилади. Сингармонизмни сақлаган ўзбек шеваларида қўлланади. "дж" ловчи шеваларда: *ана, ата, бала*.

э(*ə*) - аксарият туркий тилларда қўлланади ва олд қатор, қуйи-кенг, лабланмаган унлини ифода қилади: *эка, энэ. йэшэ*. Бу унли барча ўзбек шеваларида қўлланади.

ɔ(ɔ) - орқа қатор, қуйи-кенг, қисман лабланган унлини ифода қилади. Шаҳар ва шаҳар типидаги шеваларда кенг қўлланади: ɔl, ɔш, бɔl.

e(e) - олд қатор, ўрта-кенг, лабланмаган унлини ифода қилади, барча ўзбек шеваларида қўлланади: ел. бел, ел, кел. .

и(и) - олд қатор, юқори-тор, лабланмаган унлини ифода қилади, чўзиқроқ талаффуз қилинади. Барча ўзбек шеваларида мавжуд: иш, тил (Бухоро). бил (Фарғона)

ы(ы) - орқа қатор, юқори-тор, лабланмаган унлини ифода қилади, чўзиқроқ талаффуз қилинади: қыз, қырқ. Бу унли сингармонизмми ўзбек шеваларида талаффузда бор.

ь(ь) - индифферент, шаҳар шеваларида тарихан и ва ы унлиларининг бирлашиши (конвергенцияси) натижасида ҳосил бўлган товушни ифода қилади, сингармонизмми шеваларда и унлисининг нисбатан қисқа талаффуз қилинадиган товушни билдиради, олд қатор, юқори-тор, лабланмаган. Шаҳар шеваларида: вѣрдѣ, кѣргѣн; сингармонизмми шеваларда: келдѣ, еттѣ бѣр.

(ь) - ы унлисининг қисқа талаффуз қилинадиган варианты, орқа қатор, юқори-тор, лабланмаган унлини ифода қилади, фақат сингармонизмми шеваларда қўлланади: келдѣ.

у(у) - орқа қатор, юқори-тор, лабланган унлини ифода қилади, барча ўзбек шеваларида қо ўлланади: бу, ул, ун .

ү(ү) - олд қатор, юқори-тор, лабланган унлини ифода қилади, сингармонизмми шеваларда ва сингармонизмми йўқотган Бухоро, Навоий, Самарқанд шаҳар шеваларида қўлланади: кул, бугун, тун .

о(о) – орқа қатор, ўрта-кенг, лабланган унлини ифода қилади. Барча ўзбек шеваларида талаффузда бор: от (адабий орф. ўт), қол (адабий орф. қўл). оқ (адабий орф. ўқ), тоқ (адабий орф. тўқ).

ө(ө) - олд қатор, ўрта-кенг, лабланган унлини ифода қилади: бөл (моқ), көл, хөнәр (хунар), бөлдѣ (адабий орф. бўлди). Сингармонизмми ўзбек шеваларида ва Бухоро, Навоий, Самарқанд шаҳар шеваларида қўлланади.

е(е) - тадқиқотчиларнинг кўрсатишича, Хоразм, Иқон, Қарноқ, Наманган шеваларида учрайди. У э ва е унлиларига анча яқин турадиган унлини ифода қилади, олд қатор, ўрта-кенг, лабланмаган: кел(л) - Иқон. гел- Хоразм. Бу маълумот кўрсатилган шеваларда ўз кучини йўқотмоқда, фақат Наманган шеваларида

сақланиб қолмоқда: *неме(нима). қенеқе(қанақа), Хелмахэн эттамэн кемедь* (Ҳалимахон эрта билан келмади). Ундош товушларни ифодалашда фанда рус графикаси асосидаги ундошларни ифодаловчи ҳарфлардан фойдаланилган. Улар, деярли, ўзгаришсиз транскрипция учун қабул қилинган. Шунга қарамасдан, айрим ундошларни фарқлаш ва ўзига хослигини белгилашда транскрипцион белгилар қўлланилади. Улар қуйидагиларда кўринади:

й – лотин алифбосидаги й ундоши ўрнида қўлланади: *сүйүнч, күйүнчәк*

дж (дж) – қоришиқ портловчи товушни ифодалайди.

ң - сонор, бурун товушини билдиради, адабий орфографияси - нг.

в - лаб-тиш товушини ифода қилади.

w - лаб-лаб товушини ифодалайди суw, қуwмақ каби сўзларда қўлланади.

ф - лаб-тиш товуши учун қўлланади ва асосан ўзлашган сўзларда учрайди.

ф - лаб-лаб товушини ифода қилади, аксарият ўринларда туркий тақлидий сўзларда қўлланади.

Ундошлар транскрипциясидаги бу белгилар жуда ҳам қатъий эмас. Бундан буён диалектологик тадқиқот билан шуғулланувчилар лотин алифбоси асосидаги қуйидаги транскрипция тизимидан фойдаланиши мумкин:

a – орқа қатор, қуйи-кенг, лабланмаган унли.

ə – олд қатор, қуйи-кенг, лабланмаган. .

ɔ – орқа қатор, қуйи-кенг, қисман лабланган.

e – олд қатор, ўрта-кенг, лабланган.

i – олд қатор, юқори-тор, лабланмаган.

ĩ – орқа қатор, юқори-тор, лабланмаган.

i ва *ĩ* унлилари ўзбек шеваларида қисқа товушни ифодалаш учун (*тил, қил*), шаҳар шеваларида indifferent (оралиқ) товуш учун қўлланади.

u – орқа қатор, юқори-тор, лабланган.

u – олд қатор, юқори-тор, лабланган.

o – орқа қатор, ўрта-кенг, лабланган.

ц – олд қатор, ўрта-кенг, лабланган.

е - олд қатор, ўрта-кенг, лабланмаган.

Чўзиқ унлилар учун икки нуқтани қўллаш мумкин.

Ундошларни транскрипция қилишда қуйидаги ҳарфлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: *б, д, и* (амалдаги *ч* ўрнида), *з, з* (амалдаги *ғ* ўрнида), *ҳ, ж* (амалдаги *у* ўрнида), *к, л, м, н, з* (амалдаги *нг* ўрнида), *п, қ, р, с, ль* (амалдаги *ш* ўрнида), *т, в, х, Һ* (амалдаги *ж* ўрнида).

Диакритик белгилар.

: (икки нуқта) - товушнинг чўзиқлигини билдиради.

' (акут) - белгининг ўнг томонига қўйилса, палатализацияни, чап томонига қўйилса веляризацияни билдиради.

> ва < - бир товушнинг иккинчисига ўтишини кўрсатади.

ИИ - икки товуш ёки сўзнинг parallel қўлланишига ишора қилади.

() - қавс ичидаги ҳарф баъзан нутқда талаффуз қилинмаслигини билдиради.

[] - катта қавс матндаги бўғин, сўз, транскрипсия қилинган сўзларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади ёки респондентдан ёзиб олинган матндаги ноаниқликларнинг диалектолог томонидан тикланганлигини билдиради, масалан: [Тўлжъ] "*нъмагъ ромдлнъ элдънъз*"...

Матн транскрипсиясидан намуналар

1. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси шеваларидан намуна.

Анъанадаги транскрипсияда: ...Пџшшџнџ бу гџпџ ел-йуртџ дџџ қџйнџпџ койџпџтџ.Пџшшџџџдџнџ безџр бопџтџ хџлџдџйџџкџ. Бџр кџммџџџгџлџ шџдџйџр бџрџкџнџ. У пџшшџнџнџ элџдџгџ бџрџпџтџ. Пџшшџџџ ундџнџ, хџ рџгџдџйџ, нџгџџ кџлдџнџ, дџпџ сорџпџтџ. Кџммџџџгџлџ шџдџйџр элџдџмлџ тџртџвџтџкџнџ қџйџнџчџльџйлџ:нџ, тџммџџ-тџм олу:(в)нџ котџрџпџ мџзџпрџ эбџрџш эзџблџрџнџнџ шџџџр қџп пџшшџџгџ оқџверџпџтџ-де, сџнгџ мунџ нџме пџдџџџсџ вџ, дџпџтџ.

Янги ўзбек транскрипсиясида: ...Пџльџднџ бу гапџ ел-журтџтџ џд кџжнџпџ қоџипџтџ. Рџльџддднџ безџр бопџтџ хџглџџџџџ. Бџр кџгмџгџрџлџ џџџџџџ бџрџгџкџнџ. У пџльџднџнџ элџдџгџ бџрџпџтџ. Рџльџд ундџнџ, хџ гџдџџџ, нџгџгџ кџлдџз, дџпџ сорџпџтџ. Кџгмџгџрџлџ џџџџџџџ элџдџгмџлџ тџртџвџтџкџнџ кџжџнуџилиџџлџ:нџ тџммџгџ-тџм олу(в)нџ котџгџрџпџ мџзџџрџгџ эбџрџиль гџзџблџгрџнџнџ џџџџџр қџп пџльџдгџд оқџверџпџтџ-де, сџнгџгџ мунџ нџме пџџдџгџсџ вџ, дџпџтџ.

2. Қипчоқ лаҳжаси шеваларидан намуна.

Анъанадаги транскрипсияда: ...Қз улғайп ^вон алт джашқа джетъптъ. Джъгът ^ворман ъчъдән кәттәкән қорған қипн қзд нъкәләп апт. Қз шундайам чърәйлъ бопт-қй, ^вонң чач зәрдән пайда боғандай. Бър кунъ қз анҳарға башн джувпт. ^вОнң бър дана чач ^вүзүлп ағн кетъптъ... *Янги ўзбек транскрипсиясида:* ...Қіз улражіп ^вон һальга һетипти. Ћигит ^ворман иуидгн кгттгкгн қорран қуріп қізді никглгп апті. Қіз љундажам уиргжли бопті-қу, ^воніз уауі згрдгн пажда борандаж. Бир кнн қіз анҳарра балъині һу(в)іпті. ^вОніз бър дана уауі ^взлип аріп кетипти...

3. Ўғуз лаҳжаси шеваларидан намуна.

Анъанадаги транскрипсияда: ...Бър варәкән, бър йокәкән, қагу:м заманда бър па:шша боған әкән. Шу па:шшан ә:шъкәнъ ә:лдъндә бър да:рах ва: әкән. Бу да:рахн бър йа:пнаг ь а:лтннан, бър йа:пнаг ь кү:мүштән әкән. Гү:лләдә бър гү:н хәп гү:нъ бър йа:пнақ йоқ ^волаг әмъш. Соң па:шша са:рай а:дамнарн са:қчлқ ә:тмәкә қойпт. *Янги ўзбек транскрипсиясида:* ...Бир варгкгн, бир жоқгкгн, қаді:м заманда бир па:лъља боран гкгн. љу па:лъљані д:љикини д:лдндг бир да:рах ва: гкгн. Бу да:рахні бир жа:рпарі а:лтіннан, бир жа:рпарі к:мљтдн гкгн. Г:ллгдг бир г:н гр г:ни бир жа:рпақ йоқ ^воладі дмиљ. Соз па:лъља са:раж а:дамнарині са:куілік д:тмгкг қожіпті.

Мавзуга оид саволлар :

1. Транскрипсия деб нимага аталади?
2. Транслитерация деб нимага аталади?
3. Олд қатор унлиларни ифодалашда қайси белгилар қўлланади?
4. Орқа қатор унлиларни ифодалашда қайси белгилардан фойдаланилади?
5. Ундошларни фарқлашда қайси ҳарфлар олинади?
6. Диакритик белгилар деб нимага айтилади?

ГЛОССАРИЙ

Веляризация - ундошларнинг қаттиқлашиши.

Диакритик белги -ҳарфларга қўшимча равишда қўйиладиган белгилар, ишоралар.

Диалектолог - шевашунос, шевани ўрганувчи олим.

Индифферент - оралик товуш.

Палатализация - ундошларнинг юмшоқлашиши.

Транскрипция - ёзувнинг махсус тури.

Транслитерация - матнни бир ёзув тизимидан иккинчисига кўчириш, масалан, кирилдан лотинга.

Транскрипцион белги - ҳар бир нутқ товуши учун қўлланиладиган харф.

Фонетик транскрипция - конкрет нутқ товушларини ифодалайдиган ишоралар тизими.

Фонематик транскрипция - тилдаги фонемалар талаффузини белгилаб берувчи ёзув тизими.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Наврўз, 2016.
2. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 .
3. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.
4. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 2004. – Б. 112.1.
5. Эназаров Т., Каримжонова В. А., Эрназарова М., Маҳмадиев Ш. С., Рихсиева К.Г. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.
6. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент. Фан, 1997.
7. Файзуллаев Б., Тўйчиев А., Ҳайдаров Ш., Хидиров О. Ўзбек шевашунослигидан ўқув амалиёти. (ўқув-услубий қўлланма) Жиззах. 2010.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mrg
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fsgер/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>

6. www.altinmiras.com

7. www.thinsan.com

Тест саволлари

1. Транскрипцияга берилган тўғри таърифни аниқланг.

А) Бир тилдаги бир ёзув тизимида ёзилган матнларни иккинчи ёзув тизимига ағдариш;

Б) тилдаги фонемаларнинг талаффуз нормаларини белгилайди

С) Жонли сўзлашув тилидаги(шевдалардаги)конкрет нутқ товушларини (фонеманинг вариациялари,вариантлари)ёзувда ифодалаш учун қўлланадиган харфлар,белгилар системаси

Д) Бир ёзувдаги матнни иккинчи ёзувга компьютер воситасида ўказилиши

2. Транскрипция қўлланилиш доирасига кўра...

А)икки хил бўлади:халқаро, миллий; Б)икки хил бўлади:фонетик ва фонематик

С)уч хил бўлади:транскрипция,транслитирация,трансляция

Д)икки хил:рус алифбоси асосида, лотин алифбоси асосида

3. Ўзбек шеваларини ёзиб олишда қўлланадиган транскрипцион тизим ким томонидан ишлаб чиқилган?

А)Проф.Поливанов. Б)Проф.Решетов. С)Шоабдурахмонов.
Д)К.Юдахин

4.Ө(ө) транскрипцион белгини тўғри таснифланг.

А)Олд қатор, ўрта кенг,лабланмаган; Б)Орқа қатор,ўрта кенг,лабланган

С)Олд қатор,юқори тор, лабланган; Д)Олд қатор,ўрта кенг,лабланган

5.Матндаги бўғин, сўз, транскрипция қилинган сўзларни ажратиб кўрсатишга хизмат қиладиган диакретик белги қайси?

А) ь(акут) белгиси; Б) () - кичик қавс; С) [] - катта қавс; Д) > ва < диакретик белгиси

6. Веляризация нима?

А) оралик товуш; Б) ундошларнинг қаттиқлашиши; С) унлиларнинг қаттиқлашиши

Д) ундошлар уйғунлиги

7. Э(ə) қайси шеваларда учрайди?

А) Шаҳар шеваларида; Б) Хоразм, Иқон, Қарноқ, Наманган шеваларида учрайди

С) Барча ўзбек шеваларида қўлланади; Д) Сингармонизмли шеваларда

8) Индифферент товушни кўрсатинг. А) О. Б) и. С) Ё. Д) а.

9. Ҳ(н) ундошини таснифланг.

А) сонор, бурун товушини билдиради, адабий орфографияси –нг.

Б) тил орқа, жарангли, портлвчи;

С) Фақат қипчоқ шеваларида учрайди.

Д) назал товуши

10. Тилдаги фонемалар талаффузини белгилаб берувчи ёзув тизими нима дейилади?

А) Фонематик транскрипция.

Б) Фонетик транскрипция.

С) Транскрипция

Д) Орфоэпик транскрипция

11. ...- лаб-лаб товушини ифодалайди аксарият ўринларда туркий тақлидий сўзларда қўлланади. А) w; Б) ф; С) ф; Д) в.

12. Ө(ə) - олд қатор, ўрта-кенг, лабланган унлини ифода қилади: бөл (моқ), көл, хөнэр (хунар), бөлдъ қайси шеваларда қўлланади?

А) Сингармонизмни йўқотган шеваларда.

Б) Сингармонизмли ўзбек шеваларида ва Бухоро, Навоий, Самарқанд шаҳар шеваларида.

С) Барча ўзбек шеваларида мавжуд.

Д) Шимолий ўзбек шеваларида (Туркистон, Чимкент, Сайрам).

13. Сингармонизмми шеваларда нечта унли мавжуд?

А)12тагача; Б)6 та; С) 9-11та; Д) 18 тагача.

14. ь, е, э, ъ, о ушбу унлилар қайси шевада мавжуд.?

А) Тошкент шеваларида;

Б) Самарқанд шевасида

С) Шимолий ўзбек шеваларида (Туркистон, Чимкент, Сайрам)

Д) Қипчоқ ва ўғуз лаҳжасидаги шеваларда

15. . Бир куни қіз анҳарга башини ҳу(в)ипти. ʻОнїз бър дана уауї ʻзлип арїп кетипти... ушбу матн қандай транскрипсияда ёзилган.

А) Янги ўзбек транскрипциясида;

Б) Анъанадаги транскрипцияда;

С) Халқаро транскрипция;

Д) Миллий транскрипция

16. Соң па:шша са:рай а:дамнарн са:қчлқ э:тмэкэ қойпт. Ушбу матнда қандай диакретик белги қўлланган?

А) товушнинг чўзиқлигини билдиради.

Б) матндаги бўғин, сўз, транскрипция қилинган сўзларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади ёки респондентдан ёзиб олинган матндаги ноаниқликларнинг диалектолог томонидан тикланганлигини билдиради.

С) икки товуш ёки сўзнинг паралел қўлланишига ишора қилади.

Д) бир товушнинг иккинчисига ўтишини кўрсатади.

17. -Худдйи мълъңъз гдмуш восун, йольммъ йақън || йсқън қълдъз. Вдй қошнъ шдшългәнъмнән ҳл сорәшәм есьмнән чъп қзпт711ъ, ендъ сорәшәйлүк: түзүмьсъз. Түнүкүн тдвъңъз йог ь деп ьшьтъп хълә йърагъм әчъшмәсә. Ушбу матнда нечта диакретик белги қўлланган?

А)5 та; Б)8 та; С)3та; Д)2та.

18. Анъанадаги транскрипцияда ёзилган матнни аниқланг.

- А) Соң па:шша са:рай а:дамнарн са:қчлқ ә:тмәкә қойпт.
- Б) Бу да:рахнї бир жа:рпарї а:лтїннан, бир жа:рпарї к:мљтдн гкгн.
- С) Қїз улражїп ^вон һальга һетипти.
- Д) Кгммгргл љџжир џдгмлг тџртвџткгн қижинуилижлг:ни тџммг-тџт

19. *ð* ушбу транскрипцион ҳарфни таснифланг.

- А) олд қатор, ўрта-кенг, лабланмаган.
- Б) олд қатор, ўрта-кенг, лабланган.
- С) олд қатор, қуйи-кенг, лабланмаган.
- Д) орқа қатор, қуйи-кенг, лабланмаган унли

20. *ε(ε)* ушбу транскрипцион ҳарф қайси шеваларида учрайди?

- А) Бухоро, Навоий, Самарқанд шаҳар шеваларида қўлланади.
- Б) Хоразм, Иқон, Қарноқ, Наманган шеваларида учрайди.
- С) Барча ўзбек шеваларида мавжуд. Д) Шаҳар шеваларида

Шевашуносликда диалектал тасниф масаласи

Режа:

- 1.Проф. И.И.Зарубин таснифи.
- 2.Проф. К.К.Юдахин таснифи.
- 3.Проф. Е.Д.Поливанов таснифи.

Таянч сўз ва тушунчалар: Тасниф, илмий тасниф. Тавсиф. Фонетик хусусият. Морфологик хусусият. Метисация. Гибридизация. Максимал эронлашган шевалар. Эрон элементлари мавжуд шевалар. Эронлашмаган шевалар. Уйғурлашган шевалар. Шимолий ўзбек шаҳар шевалари. Шимолий ўзбек қишлоқ шевалари. Қипчоқ лаҳжаси. Ўғуз лаҳжаси. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси. *ɔ* – ловчи шевалар. *a* – ловчи шевалар. *й* – ловчи шевалар. *дж* – ловчи шевалар. Ўрта ўзбек диалекти. Шайбоний - ўзбек диалекти. Жанубий Хоразм диалекти. Алоҳида гуруҳ шевалари. Умлаутли шевалар. Фарғона гуруҳи.

Тошкент гуруҳи. Қарши гуруҳи Шимолий ўзбек шевалари гуруҳи. Наманган диалекти. Андижон-Шаҳрихон диалекти. Ўш-Ўзган диалекти. Марғилон-Қўқон диалекти. Тошкент диалекти. Жиззах диалекти. Қарши диалекти. Самарқанд-Бухоро диалекти. Иқон-Қорабулоқ диалекти. Туркистон-Чимкент диалекти.

Ўзбек шевалари ва уларнинг ўзига хос айрим хусусиятлари, фонетик, морфологик хусусиятларга кўра бир-бирлари билан яқинлашадиган ва айни вақтда бир-бирларидан фарқ қиладиган диалектал группалари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун ўзбек халқ шеваларининг классификациясини, яъни таснифини билишимиз керак. Шеваларимиз ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб рус туркологлари ва ўзбек тилшунослари томонидан классификация қилинган. Бугунги кунгача ўзбек халқ шевалари икки хил нуқтаи назардан тасниф қилинган: 1) мамлакатимиз ҳудудида шеваларимизнинг жойлашиши жиҳатдан таснифи; 2) мамлакатимизнинг маълум бир воҳаси ёки вилояти шевасининг таснифи. Профессор И.И.Зарубин, проф. К.К.Юдахин, проф. Е.Д.Поливанов, проф. Ғози Олим, проф. А.К.Боровков, проф. В.В.Решетовлар томонидан шеваларимизни тасниф қилиш бўйича олиб борилган илмий ишларни шеваларимизнинг мамлакатимиз ҳудудида жойлашиши жиҳатдан таснифига мисолдир. Проф. И.И.Зарубин ўзбек шеваларини тўртта шевалар гуруҳига бўлган:

1. Хива гуруҳи. 2. Фарғона гуруҳи. 3. Тошкент гуруҳи. 4. Самарқанд-Бухоро гуруҳи.

Проф. И.И.Зарубиннинг бу таснифида қипчоқ (-ж ловчи) ва шимолий ўзбек шевалари ҳисобга олинмаган. Проф. К.К.Юдахин ўз таснифида ўзбек шевалари таснифининг икки варианты тавсия қилинади: 1-вариантда ўзбек шеваларининг тожик тили билан муносабати ва сингормонизмни сақлаш даражасига қараб тўрт гуруҳга ажратган. Кейинчалик (2-вариантда) у шеваларнинг ўзига хос хусусиятлари билан яхши танишиб чиқади ва олдинги таснифига аниқлик киритиб, ўзбек шеваларини бешта гуруҳга бўлади: 1. Тошкент гуруҳи. 2. Фарғона гуруҳи. 3. Қипчоқ (-ж) гуруҳи. 4. Хива (Хива - ўғуз) гуруҳи. 5. Шимолий ўзбек шевалари гуруҳи. Проф. Е.Д.Поливанов таснифида ўзбек тили шева ва диалектлари орасидаги энг майда фарқларни ҳам кўрсатувчи классификацияни беради. У тилдаги икки ҳолатни кўзда тутди: 1. Метисация (қардош тиллар чатишуви) – туркий тилларнинг ўзаро муносабати.

2. Гибридизация (турли системадаги қардош бўлмаган тилларнинг чатишуви) – тожик тилининг ўзбек шеваларига таъсири. Олим ўзбек

шевэларида тожик тилининг таъсирини ҳисобга олиб, ўзбек шевэлари: эронлашмаган ва эронлашган шевалар, деб бўлади. Тошкент, Қўқон-Марғилон, Андижон-Шаҳрихон типидagi шеваларда эронлашиш элементи мавжудлигини қайд қилган. Бухоро, Самарқанд, Хўжанд, Ўратепа типидagi бир қанча шеваларни максимал даражада эронлашган, яъни тожик тили вокализмини ўзида тўла акс эттирган шевалар деб ҳисоблайди. Эронлашмаган шеваларга Фарғонанинг сингармонизмли қишлоқ шевэлари (Сарой, Андижон, Йўлгузар) ва ўзбек-қипчоқ (дж-ловчи) лаҳжасидagi шеваларни киритади. Е.Д.Поливанов таснифида шевалардаги қуйидаги икки ҳолатнинг таъсирини кўриш мумкин. Чунки олим бу ҳолатларни ўз таснифида махсус кўрсатган:

1. Метисация (қардош тилларнинг ўзаро таъсири).

2. Гибридизация (қардош бўлмаган тилларнинг ўзаро таъсири).

Максимал эронлашган шевалар: Самарқанд ва Бухоро шевэлари.

Эрон элементлари мавжуд: Тошкент, Марғилон, Андижон шевэлари.

Эронлашмаган шеваларга: Фарғонанинг сингармонизмли қипчоқ лаҳжасига кирувчи шевалар оиддир.

Юқоридагилар асосида проф. Е.Д.Поливанов ўзбек шевэлари учта диалектга бўлиб ўрганган:

1-диалект: Эронлашган шевалар: 7 та шевалар типига бўлинган:

1-тип. Самарқанд-Бухоро шевэлари.

2-тип. Тошкент шевэлари. Бунга Тошкент шаҳри ва вилоятидаги шевалар оиддир.

3-тип. Қўқон-Марғилон шевэлари.

4-тип. Андижон-Шаҳрихон шевэлари.

5-тип. Уйғурлашган шевалар (Наманган, Чортоқ).

6-тип. Шимолий ўзбек шаҳар шевэлари.

7-тип. Шимолий ўзбек қишлоқ шевэлари. Булардан кўриниб турибдики, олим ўз таснифида қарлуқ лаҳжасига оид шеваларни ҳисобга олган.

2-диалект. Унга ўғуз лаҳжасига оид шевалар оиддир: Ўғуз лаҳжаси 2 та шевалар типига ажратилган.

1-тип: Жанубий Хоразм (Хива, Урганч, Шовот, Ҳазорасп, Хонқа, Шўрахон).

2-тип: Шимолий ўғуз группа шевалари: (Иқон-Қорабулоқ, Форишдаги - Боғдод)

3-диалект. Бунга қипчоқ лаҳжаси киритилган: Қипчоқ лаҳжаси 5 та шевалар типига бўлинган: 1-тип: Ўрта Хоразм (Гурлан, Боғот, Шаввоз) ва шимолий Хоразм (Қипчоқ, Қўнғирот, Манғит).

2-тип: ɔ -ловчи (Қозоқ-найман, Фарғона-қарақалпоқ) шевалари.

3-тип: Қурама шевалари: Оҳангарон водийсида жойлашган. 4-тип: Шимолий ўзбек шевалари.

5-тип. Ўрта ўзбек шеваси. Унга қирқ шеваси, жанубий ўзбек шеваси, лақай шеваси, Афғонистондаги қипчоқ ўзбек шевалари киради.

Демак, Е.Д.Поливановнинг таснифи (XX асрнинг 20-30-йилларида) бошқа таснифларга нисбатан анча мукаммал кўринишга эгаллиги билан ажралиб туради Проф. Ғози Олим ўзи тўплаган жуда бой фактик материалга суянган ҳолда 1936 йили Е.Д.Поливанов таснифи (классификацияси)дан сўнг ўзбек шеваларини тасниф қилди. Е.Д.Поливанов маънога таъсир қилмайдиган фонетик ҳодисаларни, ташқи таъсирни ўз ишига асос қилиб олганини танқид қилиб, жуфт унлиларнинг маъно фарқлаш хусусиятига, лаҳжа, шева вакиллари орасида тушунилмайдиган лексик, морфологик, фонетик хусусиятларга кўра классификация қилишни илгари сурди. Ғози Олим ўзбек шеваларни уч лаҳжага ажратди:

1. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси, унга тўрт шева киради: Қирқ шеваси, Жалойир-лақай шеваси, Қипчоқ шеваси, Гурлан шеваси. Бу лаҳжага Оҳангарон водийси, Мирзачўл, Самарқанд, Зарафшон, Бухоро атрофларида, Қашқадарё, Сурхондарёда яшовчи ўзбеклар киради. Бу лаҳжа вакиллари Хоразмда, Андижонда, Наманганда, Кўконда, Қипчоқда, Чимбойда, Қўнғирот районларида ҳамда Тожикистонда ва Афғонистоннинг шимолида яшовчи ўзбеклар ҳам шу лаҳжага киради. Бу лаҳжанинг фонетик ва морфологик хусусиятлари қуйидагича:

й > дж: ер - джер; йўл - джўл

қ > г: ақ - агар; ақ - аг; қулақ - қулаг

п > б: топ > тɔби, қап - қаби

z, z > й: *тезди - тийди, егди - ийди; йизин - джийин*

Кўплик қўшимчаси: *-лар, -лар, -нар, -тар, -тэр, -дар, -дэр.*

Ҳозирги замон давом феъли: *-ятыр, -джатыр.*

Бу лаҳжага кирувчи тўртта шеванинг фонетик-морфологик хусусияти:

1. Қирқ шевасида қисқа "i" ўрнида *ий (i:)* учрайди: *и:т (ит)*

Жўналиш келишигидаги кишилиқ олмошлари: *маған, саған, уған.*

2. Жалойир - лақай шевасида сўзнинг иккинчи бўғинида ҳам "е" товуши келиши мумкин: *кечен, bergen.*

3. Қипчоқ шевасида лаб гармонияси учинчи бўғинида ҳам сақланади: *Уюуга.*

4. Гурлан шевасига ўзбек-қипчоқ лаҳжасининг ҳамма хусусиятларини сақлаган, аммо айрим сўзларда сўз бошида "дж"ни йўқотаётган ўзбек шевалари киради. Бу шевада бала сўзининг кўплиги *багалар (бачалар)* бўлади.

ИИ. Турк-барлос лаҳжасига Тошкент, Қўқон, Наманган, Андижон, Марғилон шаҳарлари ва уларнинг атрофида яшовчи ўзбеклар киритилади. Бошқа жойларда ҳам бу лаҳжада гапирувчилар учрайди. Бу лаҳжада жўналиш келишиги қўшимчаси қаттиқ ўзак унлилар ва жарангсиз ундош билан тугаса - *қа*, жарангли билан тугаса *-га*, юмшоқ ўзак жарангсиз ундош билан тугаса - *га* тарзида қўшилади. Тушум келишиги қўшимчаси: *-нъ, -ни.*

Проф. Ғози Олим бу лаҳжани тўрт шевага бўлади:

1. Сайрам - Чимкент шеваси.

2. Тошкент-Хос шевасида тушум келишиги - ти шаклида бўлади.

Истак феъли ясовчи -лук: келийлук. Ҳозирги замон давом феъли: *-вѣт ке(л)вѣтт, ъвѣтт, кемъйѣт.*

3. Андижон шевасида тушум келишиги *-н, -ни, -т, -ти, -д, -ди* тарзида бўлади. Ҳозирги замон давом феъли: *-йәп, ёйәп* билан ясалади: *келәйәпмән.*

4. Наманган шевасида ҳозирги замон давом феъли қўшимчаси *-ут келуттъман, келмуттъмән.*

ИИИ. Хива-Урганч лаҳжасига Хива, Хонқа, Кат; Тошовуз, Эски-Янги Урганч, Тўрткўлда яшовчи ўзбеклар киради. Жўналиш келишиқ қўшимчаси -

га,-га,-а,-ә каби ишлатилади. Келаси замон феъли ясовчи аффикси -джак, -джак. Истак феъли ясовчи: -л,-ли. (келәли, әләл).

Хива-Урганч лаҳжасини проф. Ғози Олим икки гуруҳга бўлади:

1. Хива шеваси. Бу шевада сингарманизмнинг сақланиши, чўзиқ унлиларга (а:и) эга бўлиши, қ ўрнида к ундошининг келиши муҳим аҳамиятга эгадир.

2. Қорлуқ шеваси (хусусиятлари берилмаган...)

Бу классификацияда ўзбек-қипчоқ лаҳжасидан бошқа шеваларнинг лингвистик хусусиятлари фарқлаб берилмаганлиги учун танқид қилинган.

Проф. А.К.Боровков таснифи. У тўплаган материаллари асосида ўзбек шевалари классификациясига қаратади:

1. О (ɔ)-ловчи шевалар.
2. А-ловчи шевалар.

О(ɔ)-ловчи группага шаҳар шевалари ва улар атрофидаги туманлардаги шеваларини киритади.

А-ловчи группа шеваларга эса сингармонизмни сақлаган шеваларни киритиб, уни иккига ажратади:

1. й-ловчи шевалар.
2. дж-ловчи шевалар.

Й-ловчи группага Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари ва Ж.Хоразм шевалари киради, дж-ловчи группага эса Шимолий Хоразм, Сурхондарё, Самарқанд областидаги қишлоқ шевалари киритилди. Кейинчалик проф. А.К.Боровков ўзбек шевалари таснифининг бошқа вариантини тақдим этган. Ўзбек диалект ва шевалари орасидаги тарихий-лингвистик хусусиятларини ҳисобга олиб тўртта диалектга бўлади:

1. Ўрта ўзбек диалекти.
2. Шайбоний-ўзбек ёки дж-ловчи диалект.
3. Жанубий-Хоразм диалекти.
4. Алоҳида группа шевалари.

1. Ўрта ўзбек диалекти икки группага ажратилган:

а) Ўрта ўзбек шеваси (Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона).

6 ёки 7 унли фонема бор, сўзнинг 1-2 - бўғиндан о фонемаси бор.

б) Шимолий ўзбек шеваси (Чимкент, Сайрам, Жамбул, Марки, Жанубий Қозғистон)

2. Шайбоний ўзбек ёки ж-ловчи диалекти. Бу диалектга Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё, Оҳангарон водийси, Фарғона. Унлилар 8 та, ўзлашаётган ɔ фонемаси билан 9 тадир.

джол < ёл (йўл)

джɔтɔн < йɔтɔн (ёмон)

3. Жанубий Хоразм диалекти (Хонқа, Ҳазорасп, Шовот, Янгиариқ, Газовот, Шўрахон). Унлилар 9 та. Ҳозирги замон давом феъли: *-йәтор. Гәлий әтор.*

Келаси замон феъли: *-джәқ, -джәк* кўшимчалари билан ясалади. Бораджак

4. Алоҳида группа шевалар (келиб чиқиши турлича бўлган айрим шевалари). Улар иккига бўлинади:

1. Қорабулоқ, Иқон, Манкент шевалари.

2. "Умлаутли" шевалар (Наманган вилоятида учрайди). Бундай шеваларда лабланиш ҳодисаси аниқ сезилиб туради: улъм, бэрутть, келутть.

Проф. В.В.Решетов таснифи. У ўзбек шеваларининг тарихий-лингвистик хусусиятларни ва айрим диалектларга кўшни тиллар (тожик, қозоқ, қорақалпоқ, туркман) муносабатини ҳисобга олган ҳолда ўзбек шеваларининг таснифини амалга оширган классификация схемасини тузди. Ўзбек халқи таркибида тарихий-лингвистик жиҳатдан бир-биридан ажраладиган, фарқланадиган уч диалект бирлиги бор:

1. Қипчоқ.

2. Ўғуз.

3. Қарлуқ-чигил-уйғур.

Демак, ўзбек тили уч туркий компонентнинг бирикиши натижасида вужудга келган:

1. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси ҳозирги қардош уйғур тилига яқин бўлиб, тожик тили билан яқин этно-лингвистик муносабатда бўлади.

2. Қипчоқ лаҳжаси қардош қозоқ ва қорақалпоқ тиллари билан яқин.

3. Ўғуз лаҳжаси қардош туркман тили билан яқин.

Проф.В.В.Решетов асосан турк тиллари таснифи учун ҳам асос бўлган икки лаҳжани (қипчоқ ва ўғуз лаҳжасини) олади ва учинчи лаҳжа қилиб, ўзбек халқининг шаклланиш тарихида муҳим рол ўйнаган қорлуқ, чигил ва уйғур қабилаларининг бирлигини кўрсатади: қорлуқ-чигил-уйғур диалекти. Уларни лаҳжа атамаси билан атайди:

1. Қипчоқ лаҳжаси.

2. Ўғуз лаҳжаси.

3. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси.

Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси

Бу лаҳжа шаҳар шеваларини, шаҳар типидagi қишлоқ шеваларини ўз ичига олади. Мазкур гуруҳ (Тошкент, Наманган, Андижон, Фарғона ва қатор аҳоли пунктлари) бир диалект комплекси ташкил қилади. Буни шу шеваларнинг қатор специфик хусусиятлари бирлиги кўрсатади:

1.Баъзи бир ундошларнинг алмашилиши: *ч/т* нинг алмашилиб келиши: Тошк.: *тишла ч(ъ)шле / ч(е)шле*; Тошк.: *туштъ // чуштъ, чуштъ*.

2. Ўзак ва аффиксларда сўз охиридаги *к-қ // г-г* ундошларининг сақланиши:

Уйғ.: *тәръ // тәръқ, сәръг, уруг, отък.*

Сўз охиридаги ундошнинг тушиши:

Тошк.: *қаттъ, тәру: таро // тәрә:, ортә:, қъил ɔ://қъил ɔ*

3. Турли ҳолатда ҳам *қ/х* ундошларининг алмашилиши:

уйғ: Тошк., Наманган.: *тоқта // тохта, тоқсан // тохсан, бақтук // бахтук.*

4. *л / н* ундошларининг алмашилиши:

койнек//койләк//коләк//конгләк.

Тошк.: *койнэк//койлак//койнэй.*

5. Тўлиқ прогрессив ассимиляция:

Тошкент: *тузз ь < тузн ь // тузнънз*

зши ь < зшн ь // зшннз

темърръ < темърнъ // темърнънз

Наманг.: *қушишъ < қушнъ // қушнънз*

6. Уйғур тилининг фонетик хусусиятларидан бири: "умлаут" бўлиб, биринчи бўғинда келган қуйи кўтарилиш *а / э* унлиларининг иккинчи бўғинда келган юқори кўтарилиш *ь* унлиси таъсирида *е* га ўтишидир: *ат > эт*. Бу ходиса Наманган шевасида учраса-да, Тошкент, Марғилон шеваларида учрамайди.

7. Наманган шеваси ва уйғур тилидаги товушларнинг тушиши ва тор унлиларнинг қисқалиги каби хусусиятлар Тошкент шевасида ҳам мавжуд.

Тошк.: Наманг.: *адәмла келдълә, бьзә > бзә, сьлә > слә.*

8. Тошкент, Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон шеваларининг ҳаммасида турловчи қўшимчалардан *-нъ* аффикси ҳам қаратқиш, ҳам тушум келишиги маъноларини ифода этади: *эттъ, сеттъ; эттъ б зш ь. (нинг>ни)*.

9. Бу шевалар группаси ҳозирги замон давом феълени ифодаловчи икки морфологик белгига ега:

1) *-ват* ва унинг фонетик вариантлари: *-ват, -ут*; Тошкент ва унга яқин қишлоқлар шеваси (Паркент) *-вѣт...* Тошк.: *-вѣт, Уйчи - вѣт*; Наманган *-ут*.

2) *-еп* формуласи Фарғона водийсидаги шаҳар ва шу каби шаҳарларга яқин қишлоқ шеваларига хос.

қълійәпмән > қълійәппән; бѣрйәпмән > бѣрйәппән.

Фарғона парадигмасига (шевадаги ҳозирги замон давом феълени кўриниши) Самарқанд ва унга яқин шаҳар ва қишлоқлар шеваси ҳам киради. Қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи диалект ва шеваларни специфик хусусиятларини сақлаш-сақламаслик нуқтаи назардан бир неча группага ва диалектга бўлиши мумкин. Бу лаҳжа ўз ичида тўрт гуруҳга бўлинади: 1.Фарғона гуруҳ шевалари. 2.Тошкент гуруҳ шевалари. 3.Қарши гуруҳ шевалари. 4.Шимолий ўзбек шевалари гуруҳи.

I. Фарғона гуруҳ шевалари.

1. Наманган диалекти. Бунга Наманган шаҳар ва Наманган вилояти шеваси киради.

2. Андижон-Шаҳрихон диалекти. Бунга Андижон шаҳри, Шаҳрихон, Андижон вилоятидаги шевалар киради.

3. Ўш-Ўзган диалекти. Бунга Ўш, Ўзган, Жалолобод шевалари киради.

4. Марғилон-Қўқон диалекти. Бунга Марғилон, Фарғона шаҳарлари, Водил, Қўқон шевалари киради.

ИИ. Тошкент гуруҳ шевалари. Ушбу гуруҳ икки диалектга бўлинган:

1. Тошкент диалекти. Бунга Тошкент шаҳар ва вилояти шевалари киради. Ж-ловчи қипчоқлар кирмайди.

2. Жиззах диалекти. Бунга Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарёдаги Пўлати каби шевалар киради. Ж-ловчи шевалар кирмайди.

ИИИ. Қарши гуруҳ шевалари иккита диалектга ажратилган:

1. Қарши диалекти. Бунга Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ноҳия шевалари киради. Ж-ловчи шевалардан ташқари.

2. Самарқанд-Бухоро диалекти. Бунга Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Фарғона водийсидаги Чуст, Қашқадарё водийсидаги Косон шевалари унга киради. Бу шевалар тожик элементларининг турли даражада борлиги билан характерланади.

ИВ. Шимолий ўзбек шевалари гуруҳи. У иккита диалектга бўлинган:

1. Иқон-Қорабулоқ диалекти. Бунга Иқон, Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт каби шевалар киради. Унга ўғиз ва қипчоқ шевалари элементлари борлиги билан характерлидир.

2. Туркистон-Чимкент диалекти. Бунга Туркистон, Чимкент, Сайрам шевалари киради. Ўғуз элементларнинг камайиши, қипчоқ, қозок элементларининг кўпайиши бу диалектдаги шеваларга оиддир.

Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси

Бу лаҳжага хос хусусиятлар проф. Е.Д.Поливанов, проф. Ғози Олим таснифларида атрофлича берилган.

г > й: *тегди* > *тийдъ*

г ъ > й: *йигин* > *джъйън*

й > дж: *ёл* > *джол*, *йәмән* > *джәмән*.

Шахс олмошларининг жўналиш келишигидаги шакли: *маған*, *саған*, *ўған*.

Ҳозирги замон давом феъли -*джәтир* билан ясалади.

Қаратқич, тушум келишиги қўшимчаларида *т/д/н* товушлари алмашинади: *-нынг, -нинг, -дынг, -динг, -тынг, -тинг, -ны, -ни, -ды, -ди, -ты, -ти*.

Бу лаҳжа ўзининг лексик хусусиятлари билан фарқ қилади.

Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси

Бу лаҳжанинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагича:

а) қипчоқ шеваларидаги каби жуфт унлилар мавжуд;

б) қисқа ва узун унлилар фарқланади:

а : т, а:д

(хайвон) (исм)

в) сўз бошида т ва к товушларининг жаранглашиниши мумкин: *дил < тил, гел < кел*

г) к, г товушларининг юмшалиши.

д) қаратқич келишиги аффиксининг *-ынг, -инг* формасида ишлатилади.

е) *бол* феълидаги *б* нинг тушиши *бол > ол...* (Хоразмда яшовчи аҳолининг аксарият кўпчилиги ўғуз лаҳжасига киради).

Ўзбек шевалари ва уларнинг хусусиятлари (*й, ж, о*) олдинги таснифларда мукамал тарзда берилган.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МАЪЛУМ БИР ВОҲАСИ ЁКИ

ВИЛОЯТИ ШЕВАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Бундай тарзда шеваларимизни тасниф қилиш ҳам олдин амалга оширилган илмий тадқиқотларда учрайди. Масалан, Ф.Абдуллаев, А.Алиев, Саидмусо Раҳимов ўзбек шеваларини гуруҳлаб ўрганишган. Ф.Абдуллаев Хоразм шеваларини қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларига бўлган. А.Алиев Наманган

гуруҳ ўзбек шеваларини гуруҳлаб тадқиқ этган. Саидмусо Раҳимов эса Сурхондарё ўзбек шеваларини иккита гуруҳга бўлган:

1. *Ж-ловчи* шевалар (қипчоқ лаҳжасига хос шевалар).

2. *Й-ловчи* шевалар (қорлуқ лаҳжасига хос шевалар). Уларда В.В.Решетов томонидан талқин этилган қипчоқ ва қорлуқ лаҳжаларига оид хусусиятлар учрайди.

Мавзуга оид саволлар

1. Ўзбек шевалари қачондан бошлаб ўрганилган?
2. Проф. И.И.Зарубин таснифида ўзбек шевалари неча гуруҳга бўлинган, нега?
3. Проф. К.К.Юдахин ўзбек шеваларини неча гуруҳга бўлиб тадқиқ этган?
4. Проф. Е.Д.Поливанов таснифининг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
5. Проф. Е.Д.Поливанов ўзбек шеваларининг қанча диалектга бўлган?
6. Проф. Ғози Олим ўзбек шеваларини неча лаҳжага бўлиб тадқиқ қилган?
7. Проф. А.К.Боровков ўзбек шеваларини қандай хусусиятлари асосида ўрганган?
8. Проф. А.К.Боровковнинг кейинги таснифи қандай диалектларга бўлинган?
9. Проф. В.В.Решетов таснифининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиринг.
10. Проф. В.В.Решетов ўзбек шеваларини неча лаҳжага бўлган?
11. Ҳар бир таснифга хос хусусиятларни қиёслаб, энг мукамал таснифни аниқланг.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Қодиров Қ Қ. Ўзбек шеваларини ўрганиш ва тасниф қилиш масаласи. Фарғона., 1949.
2. Алиев А. Наманган гуруҳ ўзбек шевалари. ЎТА. 5. Т., 1969.
3. Боровков А.К. Вопросы классификации узбекских говоров. // Известия АН УзССР. 5. Т., 1953.
4. Решетов В.В. Ўзбек диалектларининг монографик ўрганиш. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1. Т., 1960.
5. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. Т., 1962; Т., Ўқитувчи, 1978.
6. Решетов В.В. Ўзбек шеваларининг классификацияси // ЎТА. 1-сон. Т., 1966.

7. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. Т., Ўқитувчи, 1996. 76-78-бетлар.

8. Шоимова Н. Қашқадарё ўзбек қипчоқ шевалари лексикаси. Қарши, Насаф, 2000. 140б.

4) Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr

2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mg

3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>

4. <http://www.uni-leipzig.de/~fscgcr/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>

5. www.dersimiz.com

6. www.altinmiras.com

Шевалар фонетикаси

Таянч сўз ва тушунчалар

Фонетик, лексик, сўз ясалиши, морфологик ва синтактик фарқлар. Лаҳжаларда унлилар. Унлиларнинг чўзиқ, қисқалиги. Сингармонизм. Танглай ва лаб уйғунлиги. Шеванинг фонетик хусусиятлари. Фонетик ултра (эмфиатик) чўзиқлик.

Ўзбек шеваларининг мураккаб таркибга эгаллиги аввало уларнинг фонетик жиҳатдан ранг-баранглиги туфайлидир. Ўзбек шевалари унли ва ундошлар миқдори ва сифати, фонетик қонуниятлар, фонетик жараёнларнинг ўзига хослиги жиҳатидан ўзаро фарқланади ва улар бир-бири билан ўхшашликларга ҳам эга бўлади. Ўзбек шеваларидаги унли ва ундош товушларнинг миқдори ва сифати мунозарали масалалардан биридир, чунки диалектологик ишларда унли фонемалар ҳақида фикр юритилганда, уларнинг сони 18 тагача етади, деган маълумотлар берилади. Аслида шевалар фонетикаси ўрганилар экан, улардаги фонемалар эмас, балки конкрет нутқ товушлари эътиборга олиниши лозимлигини қайд қилиши ўринли бўлади. Қарлуқ - чигил -уйгур лаҳжасига кирган диалект ва шеваларда олтинадан ўнтагача унли товуш бор. Сингармонизмни йўқотган шеваларда 6 та, сингармонизмли шеваларда еса 9-11 та унли қўлланади. Тошкент шеваларида и, е, а, у, о, о ъ Самарқанд шевасида и, е, о ъ, а, о, унлилари қўлланган бўлса,

Қўқон, Марғилон, Чуст, Қарши, Сарисийе каби шеваларда а,е унлиси билан биргалликда а унлиси ҳам учрайди. Шимолий ўзбек шеваларида (Туркистон, Чимкент, Сайрам) II та (а, е, а, и, и, у, о, ъ, о, е,) унли мавжуд. Қипчоқ ва ўғуз лаҳжасидаги шеваларда ҳам I та унли товуш қайд қилинади.

Ўзбек шеваларидаги соф туркий сўзларда б(б), п(п), в(в), м(м), т(т), д(д), с(с), ч(сн), дж(ж), ш(ш), н(н), ж(жи), р(п), к(х), г(г), қ(к), ҳ(х) ундошлари доим истеъмолда бор. Ўзлашган сўзларда у ундоши с(ц) билан, ж (сиргалувчи бўлса ҳам) ундоши дж каби талаффуз қилинади. М ундоши ундов ва таклидий сўзларда айнан талаффуз этилади, ўзлашган сўзларда эса п, баъзан б ундошига мойил талаффуз қилинади. Ҳ ундоши аксарият шеваларда х ундоши физиологик табиатига мослашади, лекин шимолий ўзбек шеваларида, қипчоқ шеваларида бу ундош талаффузда бор. Шунингдек, арабча ва форсча сўзлардаги шу тилларга хос бўлган ундошлар шеваларда ўзбек тили артикуляцион-акустик хусусиятларига мослашган.

Фонетик қонуниятлар. Сингармонизм. Сингармонизм лотинча унлиларнинг уйғунлашуви демакдир. Таниқли тилишунос И.А.Богородицкийнинг фикрига кўра, сингармонизм унлилар уйғунлиги, лекин қисман ундошларга ҳам тааллуқлидир. Сингармонизм қонуни икки сифат кўринишига эга: 1. Лингвал ёки палатал (танглай) сингармонизми. Бу қонуниятга кўра, сўзнинг дастлабки бўғинида олд қатор унлилар қатнашган бўлса, кейинги бўғинларда ҳам оид қатор унлилар иштирок этади, сўзнинг дастлабки бўғинида орқа қатор унлилар иштирок эта, кейинги бўғинларда ҳам орқа қатор унлилар қатнашади. Бу қонуният фақат шаҳар ва шаҳар типидagi шеваларда амал қилмайди, яъни сўзнинг дастлабки бўғинида а, й, о, у(и) унлиларидан бири қатнашса, кейинги бўғинларда ҳам шу унлилар келади ва сўзда қ, г, х чуқур тил орқа ундошлари иштирок қилиши мумкин. Шунингдек, сўзнинг дастлабки бўғинида о, е, о ъ, е, у унлиларидан бири қатнашса, кейинги бўғинларда ҳам шу унлилар келади, бунда к, г ундошлари келиши ҳам мумкин. 2. Лабиал сингармонизм. Бу қонуният аксарият туркий тилларда амал қилади, айниқса, қирғиз тилининг "темир қонуни" ҳисобланади. Бу қонуниятга кўра, сўзнинг дастлабки бўғинида олд қатор лабланган унли иштирок этса, кейинги бўғинларда ҳам олд қатор лабланган унли қатнашади, ёки сўзнинг дастлабки бўғинида лабланган орқа қатор унли иштирок эта, кейинги бўғинларда ҳам орқа қатор лабланган унли қатнашади. Ўзбек шеваларида лаб оҳанги қонуни сўзнинг дастлабки икки бўғинида қайд қилиниши характерлидир, учинчи бўғинларда сийрак учрайди: суйуйунчи, корунди. Наманган шевасида болупту,

корупту ва бошқалар. Шеваларда айрим юкламалар, қўшимчалар сингармонизмга бўйсунмаслиги мумкин. Масалан : қипчоқ шеваларида барагай (бора қол), келагай (кела қол) –гай аффиксининг варианты бўлмаганлиги учун у сингармонизмга бўйсунмайди ва ҳ.к. Сингармонизм қонуниятини айни замонда унлилар ассимиляцияси деб ҳам юритилади. Умлаут. Бу қонуният фанда унлиларнинг регрессив ассимиляцияси деб ҳам юритилади. Бу қонуниятга кўра, аффиксдаги олд қатор унли асосдаги (у аксарият ҳолларда бир бўгинли бўлади) орқа қатор унлини ўз характериغا мослаштириб олади: сон - сана, ёш - яша. Бу қонуният Наманган, Ўш шеваларида, қисман ўзбек адабий тилида қайд қилинади. Ассимиляция. Одатда ассимиляция унли ва ундошлар тизимида баравар қайд қилинади, лекин кўпроқ ундошлар билан боғлиқ фонетик қонуниятдир. Ассимиляция дастлаб прогрессив ва регрессив ассимиляцияга, сўнг тўлиқ ва тўлиқсиз ассимиляцияга бўлинади. Прогрессив ассимиляцияда олдинги товуш кейинги товушни ўзига сингдирса, регрессив ассимиляцияда кейинги товуш олдинги товушни ўзига ўхшатади. Тўлиқ ассимиляцияда ўзаро бир бирига сингиб кетадиган товушлар тушунилади. Мисоллар: олли. (Қарши, Шаҳрисабз ш., ад. орф. олди,), сувви (Тош. Ад. орф. сувни), бўдди (бўлди - Шаҳрисабз). Тўлиқсиз ассимиляцияда товушлар айнан бир-бирига сингмайди, балки жарангли-жарангсизлик ва бошқа ҳолатларга кўра қисман ўхшаб кетиши мумкин: ошган - ошкан, ишга || ишка(Тош.), бизди(бизни//бизнинг-Тошк вил. ва бошқ.), озимнен ўзимдан -Хоразм Тўлиқ регрессив ассимиляция: горгемме(н)-қўрқаман (Хоразм). еллес(atlas-Самарқанд) Диссимиляция. Сўз таркибидага ундошларнинг бошқа товуш таъсирисиз товуш вариантыга эга бўлиши диссимиляциядир: зарар - зарал, девор - девол, анжил - анжир, Санчқи. Бунда икки сўзнинг талффузи жараянида олдинга сўз ниҳоясидаги ундош кейинги (бошланувчи сўз) товушга мослашади: маг(ан бер , ёки дастлабки сўзнинг охирги товуши (кейинги сўз унли билан бошланса) жаранглашади: белак адам ИИ бошқа одам, ҳайрон бўлдим – ҳайром болтим . Спирантизация. Нутқ жараянида портловчи товушнинг сирғалувчи вариантыга эга бўлиши спирантизациядир: юборди джувардти (қипчоқ), сабр қилди// савир қилди (Хоразм) • Спонтан ўзгаришлар (жаранглашиши). У бирор товуш таъсирида юз бермайди, балки шеванинг тарихий ривожланиши билан боғлиқдир: суяк (ад. тил) - суяг (Наманган), қарға (ад. тил) – гарг(а (қипчоқ), Метатеза: қипчоқ шеваларида: файрот//фарёд, қониши//қўшни, қурмусқа (қумурсқа). Редуксия: к(и)ш(и), кет(и)вир, Шар(и)п. Елизия: бо:сан(и),бе:сон(и). Унлиларнинг орттирилиши: қипчоқ шев. илай (лой), илапи (лоф). Ундошларнинг орттирилиши: ҳайван (айвон), нейча (неча). Унлиларнинг бирламчи, иккиламчи ва эмфатик чўзиқликлари. Бирламчи чўзиқлик. Туркий

тилларнинг дастлабки даврларида сўзларнинг биринчи бўғинида унлилар чўзиқ талаффуз этилган. Бундай чўзиқлик бошқа товуш таъсирида юз берган эмас, балки қадимги туркий тилнинг табиати билан боғлиқдир. Унлиламинг бундай чўзиқлиги ҳозирги Хоразм, Фориш ва шимолий ўзбек шеваларида сақланиб қолган: ту:ш, а:д, ба:ш, ду:з. ду :н ва бошқалар. Аслида бу каби унлилар чўзиқлиги урғунинг дастлабки бўғинига тушиши хусусияти билан боғланган. Бундай чўзиқлик бирламчи чўзиқлик дейилади. Иккиламчи чозиклик. Ёндош келган ундош товушнинг нутқда талаффуз қилинмаслиги натижасида унли товуш чўзилиши мумкин: о:рто: (Тошк.ўртоқ) бо:(бўл), а: (ол - шим.ўз. шев.), Наманган шеваларида; те:мас(тегмас), ла:ла:(лайлак). Бундай чўзиқлик иккиламчи чўзиқлик дейилади. Учламчи чўзоқлик. Эмфатик чўзиқлик ҳозиргикеласи замон феълларида учрайди, яъни бу феъл шаклида қатнашадиган равишдош кўрсаткичи - а ва бошқа шаклларда иштирок этган о унлиси одатдагидан кўра чўзиқ (иккиланган чўзиқлик) талаффуз қилинади ёки унинг бўлишсиз шаклида "й" ундоши тушиб қолиши ҳам мумкин ва бўлишсизлик аффиксидаги а унлиси ҳам иккиланган чўзиқликка эга бўлади: билма::йма:: (билмайман), бома::ди (бўлмайди), ме: етме::ме (мен айтмайман), се: билме::се: (сен билмайсан). Дифтонглар. Сингармонизмни шеваларда(қипчоқ, ўғуз лаҳжалари) дифтонг ҳодисаси учрайди. Адабиётларда унинг икки тури тўғрисида маълумот берилади, яъни сўз бошида ва сўз ичида(ўртасида, охирида) қўлланиши айтилади. Ўзбек шеваларида дифтонгнинг қўлланишида шундай жараён юз беради: талаффузда товуш экскурсиясида бошқа товуш (ҳозирги ўзбек тилида и, й, в унлилари, транскрипцияда б, ҳ,.б) унсурлари қўшилади ва тўхтам ҳамда рекурсияда асосий товуш (унли товушлардан бири) талаффузи сақланади. Қипчоқ шеваларида бу фонетик ҳодиса кўпроқ, ўғуз шеваларида камроқ бўлса-да, қўлланишида бор; еккнчи ешки, : еки, ойнап. Дифтонгнинг иккинчи турига кўра, артикуляцияда экскурсия ва тўхтамда асосий товуш талаффуз этилади-да, рекурсияда й(транскрипцияда ҳ) товуши орттирилади: тйуш (туш),сйът(сут). Ўзбек шеваларида қуйидаги дифтонглар қайд қилинади: "е : "еки (икки), "ена(ена), "елув (еллик) ё :ёрта (ўрта), ёйла (ўйла) ё : вўрдак{ўрдак), вўт(ўтмоқ). во : вон (ўн),вуй (уй). у : кйуз (куз), кйут (кутмоқ) : туут (титмоқ), қиуз (қиз). Контраст (жуфт) унлилар: сингармонизмни сақлаган ўзбек шеваларида унлилар олд қатор ва орқа қатор мавқеларга (позицияларга) эга бўлади. Улар қуйидагилар: у - у, и - и, о - о, ў-ў
ь а /о - а. Бундан
фақат е(е) унлисигина мустасно. Товуш мослиги. Ўзбек шеваларидаги сўзларни бошқа шева ва адабий тил билан қиёслаганда, шундай фонетик ҳолатлар кўзга ташиландики, бир сўз айни маъносини сақлаган ҳолда улардаги айрим унли ёки ундош товушлар фарқ қилади, лекин у маънонинг мослигига

путур етказмайди: топ-и ъ (Тошкент) - доппи ъ (ад.тил), кел (ад.тил) - гел (Хоразм), тоғри> (Тошкент) - до:ри (Хоразм), йўл (Тошк.) - джўл (қипчоқ), шу (ад. тил)- шо (қипчоқ), чой (ад. тил) - счай (қипчоқ) бодана (Туркистон) - бедана (ад. тил) Бу каби сўзлардаги т/д, к/г ундошлари мослиги намоён бўлади. Бу, айниқса, араб тилидан ўзлашган сўзларда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Араб тилидаги айн ҳарфи билан ифода этиладиган товуш г ундошига мос келади: сағат, шегер (соат, шеър. Тошк.).

Мавзуга оид саволлар.

1. Қарлуқ лаҳжасида нечта унли фонема бор?
2. Қипчоқ лаҳжасидаги унлилар қандай сифатларга эга?
3. Ўғуз лаҳжасидаги унлиларнинг хусусиятларини кўрсатиб беринг.
4. Ўзбек шеваларидаги унлилар қандай хусусиятларга эга?
5. Сингармонизм нима, унинг қандай турлари бор?
6. Умлаут қандай хусусиятга эга?
7. Унли ва ундошлар билан боғлиқ яна қандай қонуниятларни биласиз?
8. Унлилар чўзиқлигининг қандай сифат турлари бор?
9. Дифтонг ва дифтонгоид нима?
10. Контраст унлилар деганда нимани тушунасиз?

Глассорий

Вокализм [васализм]- унлилар тизими.
 Консонантизм [консонантизм] - ундошлар тизими..
 Фонетик қонуният [phonetic laws]- ўзбек шеваларида амал қиладиган товуш талаффузи ва у билан боғлиқ ҳолда юз берадиган фонетик ҳодисалар.
 Сингармонизм [сингармонизм]- унлилар уйғунлиги.
 Лингвал сингармонизм [lingual сингармонизм] - олд қатор ва орқа қатор унлилар уйғунлиги
 Лабиал сингармонизм [labial сингармонизм]- лабланган унлилар уйғунлиги.
 Ассимиляция {assimilation} - унли ва ундошларнинг ўхшаб кетиши ёки бир-бирларига сингиши.
 Диссимиляция [диссимилатион]-ундош товушлардаги ноўхшашилик
 Унлилар чўзиқлиги [length of vowels]- унлиларнинг бошқа товуш таъсирида ва унинг таъсирисиз чўзилиши.

Дифтонг ва дифтонгоид [дипҳтҳонг анд дипҳтонгоид]- бир товушда иккинчи бир товуш экскурсиясининг бўлиши. Контраст унли [Contrast vowel]- олд қатор ва орқа қатор хусусиятларига кўра зидланган унлилар. Товуш мослиги [correspondence of sound]- сўз маъносига нутур етказмайдиган товуш ўзгачаликлари

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
2. Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
3. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
4. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Т.: "Наврўз", 2016.
5. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.
6. Эназаров Т., Каримжонов В. ва бошқалар. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fсгер/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>
5. www.dersimiz.com
6. www.altinmiras.com
7. www.thinsan.com

Тест

1. Й-ловчи шеваларда келишиклар қанча?

- A. Бош, қаратқич, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.
- B. Бош, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.
- C. Бош, қаратқич, тушум, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.
- D. Бош, қаратқич, восита, жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари.

2. Россияда лингвистик географиянинг ривож кимнинг номи билан боғлиқ?

- A. И.И.Срезневский номи билан.
- B. Н. Кононов номи билан.
- C. В.В.Решетов номи билан.
- D. А.А.Коклянова номи билан.

3.Ўзбек шевалари адабий тилдан қайси хусусиятлари билан фарқ қилади?

- A. Лексик, турланиш, тусланиш, ясалиш (сўз ясалиши ва форма ясалиши).
- B. Товуш ва овоз жиҳатдан.
- C. Турланиш ва этимология жиҳатдан.
- D. Семантик, турланиш ҳамда этимон жиҳатдан.

4.Сўзнинг фонетик тузилиши нима ?

- A. Сўзнинг фонетик тузилиши бўғиндан иборат бўлиши.
- B. Сўзнинг фонетик тузилиши товушдан иборат бўлмаслиги.
- C. Сўзнинг фонетик тузилиши унлидан иборатлиги.
- D. Сўзнинг фонетик тузилиши оҳангдан иборат бўлади.

5.Тил олди ундошларини кўрсатинг.

- A. т, д, с, з, ч(ж), ш, дж, н, л, р.
- B. т, д, в, с, з, ч, ш, дж, н, л,р.
- C. т, д, я, с, з, ч, ш, дж, н, л, р.
- D. т, д, ф, с, з, ч, ш, дж, н, л, р.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>

4. <http://www.uni-leipzig.de/~fscgp/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>

5. www.dersimiz.com

6. www.altinmiras.com

Сингармонизм ҳодисаси лаҳжа ва шеваларимизда палатал(ёки танглай) ва лабиал сингармонизми ҳолатида бўлади:

1. Танглай уйғунлиги (унлиларнинг қаттиқ ва юмшоқлигига кўра)...

барығ - бориш, *кимкә* - кимга, *илгари* - илгари, *далага* - далага.

2. Лаб уйғунлиги - биринчи бўғиндаги унлига кейинги бўғиндаги унлининг ёки ўзакдаги унлига қўшимчадаги унлининг лабланиши жиҳатдан мослашуви:

ъпъм (иним) - *укам*, *узум* – *узум*

козом - *кўзим*, *тузум* – *тузуми*

Аммо бу ҳодиса адабий тилимизда учрамайди;

1.1.б) ундошлар:

{Ўзбек шеваларида қуйидаги ундош фонемалар бор:

1. Лаб ундошлари: *п, б, (ф), в, м.*

2. Тил олди ундошлари: а) *т, д, с, з, ч (ж), ш, дж*; б) тил олди сонорлари: *н, л, р.*

Улар жарангли-жарангсизлигига кўра қуйидаги жуфтлк.: *[т-д], [с-з], [ш-ж], [г-дж].*

3. Тил ўрта: *й.* 4. Тил орқа: *қ (к/х), г (г/ғ), нг (нг/нғ), х, қ, ғ (ғ)*

5. Бўғиз ундоши: *ҳ (ҳ)*

Шеваларда учровчи ва учрамайдиган ундошлар:

1. Тошкент типидagi у-ловчи шеваларда учрамайдиган, бироқ ж-ловчи ва сингармонизмли у-ловчи шеваларда мавжуд бўлган "h" фонемаси.

2. Жанубий Хоразм шеваларидаги "к", "г" ундошлари ҳам қўлланилиши жиҳатидан бирмунча ўзига хос хусусиятларига эга. Тил орқа бурун "нг" товуши ҳам шевалараро бир хил эмас: нг // нг (// ғ).

3. X товушининг тавсифи, унинг мавжуд бўлиш, бўлмаслиги билан ж-ловчи шевалар бир-биридан фарқ қилади.

4. Ж-ловчи шевалардаги "дж" аффрикати ўрнига "ж" фонемасини қўллайдиган шевалар ж-ловчи шеваларнинг алоҳида гуруҳини ташкил қилади.

5. "Й" фонемаси й-ловчи шеваларга нисбатан ж-ловчи шеваларда кам қўлланади, чунки бу шеваларда қадимги туркий "й" товуши сўз бошида "дж" ёки "ж" товуши билан алмашади.

6. й-ловчи шевалар таъсирида "й" товушининг "дж" товушига ўтиши й > дж тамомила тугаган.

7. Ўзбек адабий тили барча шевалардан "ф", "ж", "с" фонемаларга эгаллиги билан фарқ қилади.

ф фонема. Самарқанд-Бухоро шеваларидан бошқа барча шева вакиллари талаффузида "н" фонемасига айланади.

Шеваларимизда нутқий жараёнда "ф" товуши барча ўринларда "п" товуши билан алмашинади: *фоиз - поиз, пэйда (фойда)*

8. Русча "ж" товуши "дж" тарзида талаффуз қилинади.

9. Ваъзи шеваларда "р" ўрнида "б" қўлланади: жл. *тепә > тебә; кепәк > кевәк-кебәк. п > б, п > в* ҳодисаси ж-ловчи шеваларни й-ловчи шевалардан фарқлайди.

10. б > п: жл *әйтп, кетип.*

11. б > в хусусияти учрайди: *озбәй > озвәк; албәттә > әлвәттә.*

Тошкент типига шеваларда учрайдиган ҳозирги замон феъл ясовчи - *вот* аффиксидаги "в" товуши ҳам "б" > "в" ҳолатидан деб қараш керак:

Й-ловчи шевада: *барыб ят > бәрб йәт > бәрвәт.*

12. Баъзи сўзларда "м" фонемаси "б" ундоши билан алмашинади қўлланади: *бәйнә - майна; болжәл > мўлжал*

13. Сўз охирида д // т алмашинаши учрайди: *дард > дарт, мард > март.*

14.Сўз бошида *б* // *м* ундошларининг алмашилиши ҳодисаси ҳам бор:
билән // *минән* > *мнән* > *мән*.

15.Ж-ловчи шеваларда *м* > *нг* ҳолати мавжуд: *нимани* > *нингәни*.

т > *ч туш* > *чуш*, *тиш* > *т ьш* > *ч ьш*.

д фонемаси портловчи "*т*" фонемаси жарангли жуфти: *д* > *т баланд* > *баләнт* > *балән*; *хурсанд* > *хурсәнт* > *хурсән* (рег. ассимиляция).

Унли ва ундошларнинг орттирилиши ҳамда тушиб қолиши

1. Унли орттирилиши: "*и*" унлиси ортади:

а) сўз бошида: жл. *ылай* < *лай*; *ылай қыламыз* (лой қиламиз),

б) сўз охирида: жл. *лапы* < *лап*; *лапы урмағ ин* (лоф урмагин)

2. Ундош товушларнинг орттирилиши ҳам учрайди:

а) сўз бошида: "*ҳ*" ундоши орттирилади: жл. *һәйв эн* < *әйвән*, *хәсәл* < *әсәл*;

дж. жл. *дјсолдам* < *олдәм*, *дјжибәк* < *ипәк*; *дјжузум* < *узум*; *дјжузугум* < *узугим*

ч жл. *чертек* < *ертәк*;

б) сўз ўртасида "*в*" ундоши орттирилади:

овзи < *ози*, *суврат* < *surat*, *навмарт* < *номарт*; *дувчар* < *дучар*

у: *нейчек* < *неча*; *кийтини* < *кетини*; *ийгә* < *эга*.

в) сўз охирида "*й*" ундоши орттирилади: жл. *сәрпәй* < *сарпә*; *мәникей* < *мәники*.

н жл. *кетмәкчын* < *кетмәкчи*; *балә-чәқән* < *бала-чақа*.

қ жл. *мазақ қылып* < *маза қылыр*

у: *буйәмәс* < *бу эмәс*; *шуйәмәс* < *шу эмәс*; *уй емәс* < *у эмәс*.

3.Товуш тушилиши ҳодисаси сўздаги унли ва ундош товушлар учун тегишли бўлиб, тилшуносликда у элизия ҳодисаси деб номланган:

3.1. Сўз ўзак негизида элизия ҳодисаси:

жл. *хардар* < *харъдар* // *тош. хәрдор. патан. ходдор*// ад.орф. харидор.

ҳәмшиа < *ҳемишиа* // ад.орф. хамиша; *эк* < *эки* // ад.орф. икки.

3.2. Сўз ўзак-негизларига қўшимчалар қўшилганда: *бәлләр* < *бәләләр*,
эр: *дә* < *эридә* // ад.орф. эриди.

3.3. Баъзи икки бўғинли сўзлар охирига унли товуш билан бошланувчи қўшимча қўшилса, ёпиқ бўғиндаги унли тушиб қолади:

йл. *қәғън* > *қәғънъ* > *қәғъннъ*, *бурун бурнъ* > *буннъ* > // *бойун* > *бойнъ*.

жл. *авуз* > *әвзы*;

йл. *оғыл* > *оғль*.

3.4. Икки сўз биргаликда талаффуз қилинганда икки хил фонетик ҳодиса юз беради:

а) агар иккинчи сўз унли билан бошланса, биринчи сўз охиридаги унли тушурилади: жл. *әлтәйпечә* < *елты әйгәча*; *дјсолқочиндә* < *дјсолқы ичиндә*.

б) агар иккинчи компонент ундош товуш билан бошланса, биринчи сўз охиридаги унли талаффуз қилинмайди:

жл. *әкқолыпы* < *әки қолыпы*; *әкказунгвъ* < *әки козунгвъ*; *нардјая* < *нары-дјақа*.

3.5. Ўзак-негиз ёки қўшимчалар бошидаги ундош товушлар тушиб қолади: *айдаймыз* < *ҳайдаймыз*; *ишә* < *ишишә бизәр* < *бизләр*.

3.6. Сўз ўртасидаги ундош товушлар тушинилади: *шә:ә р* < *шаҳар*;

су:уқ < *сувуқ* < *совуқ*; *тәрәди* < *тәрәддуд*

3.7. Ўзак-негиз ёки қўшимчалар охиридаги ундош товушлар тушади:

гунә < *гунәһ* ; *гъуә* < *гъуәҳ*; *гувә* < *гувоҳ*; *су* < *су:* < *сув*; *дос* < *дост*.

3.8. Икки ўзак-негиз туташган жойда ёки қўшимчалар қўшилганда ўзак-негиз бошидаги, охиридаги ундош товуш тушириб қолдирилади: *Барған дјоғ али* < *барған дјоғҳали*; *мағанам* < *маған ҳам*; *келә еди* < *келәр еди*.

3.9. Диссимиляция - сўздаги ўхшаш товушларнинг бошқа ноўхшаш товушга айланиши. Сонор (*л, р, н*) товушлари бўлган сўзлар диссимиляцияга учрайди: *зәрәр* - *зәрәл*; *дәвәр* - *дәвәл* - *дәвәл*; *әндјир* - *әндјил*; *ромәл* - *ёмәл*

3.10. Ассимиляция - сўз(лар)даги ундошларнинг ўзаро ўхшаш бўлишини. Шеваларда унинг иккита тури бор: 3.10.1) прогрессив ассимиляция - бунда олдинги товуш кейинги товуши ўзига ўхшатиб олиниши жараёни: ад.орф.

бизни – бьззъ, ад. орф. қорни – қэррь, ад.орф. шахарни - шә: эррь, ад.орф. толни - т элль.

3.10.2) регрессиви ассимиляция – бунда кейинги товуш олдинги ундош товушни ўзига ўхшатиб олади: ад.орф. *берди > беддъ, ад.орф. турди > туддъ, ад.орф. ўрним - орнъм > оннът, ад.орф. замонларни - замэнларнъ > замэлларнъ.*

4.Кўпчилик ўзбек шеваларида қуйидаги жарангли ва жарангсиз ундош товушларнинг талаффузи билан ёзилиши бир-бирига мос келмайди:

4.1.*л, т, к, қ* жарангсиз ундош товушлар жаранглилашиш ҳодисасига эга: эплади – эвләди, товуш – дэвуш, билаки – биләги, терак – терәй кабилар.

4.2.*б, в, д, з* жарангли ундош товушлар жарангсизлашиши кузатилади: обод – эбәт, ўттиз - ўттис, китоб – китәп, автор – әфтәр, автомат – әфтәтәт сингарилар.

4.3.Куйидаги ундошлар ўзаро ўрин алмашади:

қ-х: тўқсон - тўқсән, тўхташ - тўқташ; т-д: қант - қанд, пўлат - пўлад;

ҳ-м: бўғин - бўғим, мабодо – набәдә;

б-м: бўйин - мўйин, бундай – мундай;

б-в: сабзи – савзи, хабар – хавар; ч-ш: учта – ушта, почта – пшита;

с-ч: сочиқ – чэчиқ // чачық, супурги – шипирги ва бошқалар.

г) sheva ва лаҳжаларда учрайдиган фонетик ҳодисалар адабий тилда учрамайди:

-Фонетик ультра чўзиқлик жумла оҳангдорлиги билан боғлиқ: *мәм бўлмаә:: мән* (билмайман), *сән бўлмаә:: сән* (сен билмайсан), *у бўлмаә:дъ* (у билмайди).

Фонетик-морфологик жиҳатдан шевалар кўра икки гуруҳга ажратилди:

1. **Ә** - ловчи шевалар.

2. **А** - ловчи шевалар.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Алиев А.Ю. Ўзбек диалектологиясидан материаллар. Т., Фан, 1974. 215 б.

2. Алиева А. Ўзбек диалектологиясидан методик кўрсатма.Т.,1980. 50 б.
3. Алиев А. Ю., Назаров К. Н. Ўзб. тил. sheva. бўйича мат. тўп. учун мет. қўлланма. Т., 1976.
4. Абдуллаева Д. Ўзбек тили Ошоба шевасининг фонетик хусусиятлари. АКД. Т., 1999.25 бет.
5. Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг ўғуз лахжаси. Т., Фан, 1978.
6. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. Т., Ўқитувчи, 1996.
7. Решетов В. V., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси.Т., 1978.
8. Решетов В. V. Ўзбек шеваларининг классификацияси // ЎТА. Т., 1966.
9. Жўраев Б. Ўзбек адабий тили ва диалектлари.Т.,1963.
10. Ишаев А. Манғит шеваси фонетикасидан материаллар //Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. ИВ. Т., 1962.
11. Шоабдурахмонов Ш. Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Т., 1962.
12. Шоабдурахмонов Ш. Ш. Ўзбек тилининг диалектологик атласи. ЎТА, 3.Т., 1969.
13. Назаров К., Гуломов Ё. Ўзбек диалектологияси. Т., Университет, 1993 б.
14. Эгамов В. Ўзбек тилининг Ғаллаорол шевалари. Самарқанд, 1970.
15. Эназаров Т. ва бошқалар. Ўзбек диалектологияси. Т., Университет, 2012 .
16. Гуломов Ҳ. Ўзбек тилининг Жиззах шеваси // ЎДМ. 1. Т., 1957.
17. ҚудратовТ. Шевалар қандай аралашадилар? // Ўзбек тилшунослиги масалалари.Т., Қарши, 1976. 39-45-б.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mrg
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fscgcr/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>
5. www.dersimiz.com
6. www.altinmiras.com
7. www.thinsan.com

Ўзбек шевалари лексикаси ва лексикографияси

Режа:

1. Шевалараро сўзларнинг фарқланиши.
2. Сўзларнинг шаклий бир хиллиги ва бошқа-бошқа маъноларни англатиши.
3. Шеваларда қўлланувчи сўзларнинг семантик гуруҳлари.
4. Шева сўзларида лексик қатлам.
5. Шеваларда синоним, антоним, омоним ва неологизмларнинг қўлланиши.
6. Ўзбек шеваларини ўрганишда луғатлар.
7. Ўзбек шевалари лексикографияси.

Таянч сўз ва тушунчалар:


Лексика. Тарихий грамматика. Шевалар лексикаси. Лексик қатлам. Шева сўзларининг фонетик ва морфологик типи. Туркий лексик қатлам. Шева сўзларининг лексик ва лексик-морфологик типи. Ўзлашган лексик қатлам. Синоним. Антоним. Омоним. Неологизм. Шева сўзларининг семантик типи. Сўзларнинг семантик гуруҳлари.


Ўзбек халқ шевалари луғати ва унинг кўп томли янги вариантлари, шунингдек, уларни яратиш муаммолари мураккабдир. Ўзбек шевалари фонетик, грамматик хусусиятлари билан бирга лексик хусусиятларга ҳам эга. Бу хусусиятлар шеваларни адабий тилдан ҳамда уларнинг ўзини ўзаро фарқлашга ёрдам беради. Ҳар бир тилда, шунингдек шеваларда ҳам ҳаётий зарур тушунчалар сўзлар воситаси билан ифодаланади. Тилимиз лексик таркибининг асосий қисмини ташкил этувчи сўзлар ўзбек шевалари ва ўзбек адабий тили лексик таркибининг асосий қисмини ташкил этади. Шевалар халқ тарихини ёритишда ва тарихий грамматика ҳамда тарихий лексикографияни яратиш учун ҳам бой материаллар беради. Бунга мисол тариқасида фақат шевалардагина учрайдиган қуйидаги сўзларни келтиришимиз мумкин: *ғўргудуқ* (қаровсиз, ташландиқ қудуқ), *қасмақ* (сутнинг қозонга ёпишиб қолгани), *қинжир* (овқатни кам ейдиган), *тушәмә* (бешбармоқ, лазча, шилпилдиқ, Қаш.қип.) ва бошқалар. Ўзбек халқ шевалари таркибида *арна*, *яп* (Хоразм), *эд эш // эдэғ*, *йэвуқ // узоқ-ёвуқ* каби адабий тилдан шаклан ўзгарган ёки адабий тил тараққиётида аллақачон чиқиб кетган айрим сўзлар мавжуд. Бундай сўзларни ўрганиш тил тарихи, адабий тил тарихини ўрганишда муҳим

илмий қимматга эгаллигини таъкидлаш лозим. Ўзбек адабий тилида бўлмаган сўзлар ўзбек халқ шеваларида учрайди. Масалан, *гавара* (ошқозон), *гэжман* (эпчил, ҳаракатчан қиз), *ҳиқдай* (семиз), *чорсиллаган* (ишчан), *жэйир* (довюррак), *чайир* (қотмадан келган одам), *тоғи* (яна), *тэйтув* (махмадона), *ҳаддили* (иродали), *кэсир* (зарар, зиён), Қаш.қип.), *адресман* (исирик), *гирдиканэ* (кўрпача), *сэрпхи* (товуқ), *тикеч* (чекич), *сотэ* (ҳасса), *эриш* (шоти), *йэрқнэт* (кўршапалак), *йэвэн* (қишлоқ) ва бошқалар. Бундай сўзларни ёш авлод вакиллари эшитмаган, тушунмайди. Шунинг учун улар архаик сўзлар ҳисобланади. Бундай сўзлар шеваларнинг лексикаси таркибидан чиқа бошлаган. Шеваларни бир-биридан лексик жиҳатдан фарқлайдиган хусусиятлар барча сўз туркумлари доирасида учрайди. Буни учала лаҳжа мисолида кўрсак:

Қарлуқ лаҳжаси	Қипчоқ лаҳжаси	Ўғиз лаҳжаси
<i>Чақалэқ</i>	<i>бовэқ</i>	<i>бовэқ</i>
<i>тухум</i>	<i>мойак</i>	<i>йимиртэ</i>
<i>мучьчэ</i>	<i>муччи</i>	<i>қумри</i>
<i>чопчэу</i>	<i>ертэй - мәтэл</i>	<i>ертэу</i>
<i>чум эль</i>	<i>чумали</i>	<i>қарэнджэ</i>
<i>огур</i>	<i>кели</i>	<i>Сэқо ь</i>
<i>нэрвэп</i>	<i>нарван</i>	<i>Зэнги</i>
<i>Бшкэт</i>	<i>вайши</i>	-
<i>эйь</i>	<i>енэ</i> <i>энэ</i>	
<i>эрқ эп</i>	<i>Арқан</i>	<i>йип</i>

Ўзбек шеваларида диалектал сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик-морфологик, семантик ва лексик типлари бор: *чэч* (соч), *зэрэй* (зирақ), *қулэқ* (қулоқ), *эшиш* (ошни); *нэрвэп* (Фар.), *шатъ*, *зэнгни*; *кель*, *сэ:қи*; *рэвач*, *чукрь*; *нэнпар*, *чекьч* ва бошқалар. Шеваларимизда шундай сўзлар ҳам учрайдики, бундай сўзлар шакл жиҳатидан бир-бири билан ўхшаш бўлишларига қарамай, шевалараро бошқа-бошқа маъноларда ишлатилади. Мисол:

шэть  *араванинг қисми (Тошкент)*



Ўзбек шеваларининг лексик таркибида анъанавий лексика асосий ўринни эгаллайди. Шеваларнинг анъанавий лексикаси ҳозирги кунда асосан кексалар нутқи(тили)да қўлланадиган сўзлар мажмуи бўлиб, улар соф лексик диалектал сўзлар ҳисобланади. Шеваларда қўлланувчи диалектал сўзларнинг семантик (маъновий) гуруҳлари кўп бўлиб, улардан намуналар сифатида қуйидагиларни келтирамиз:

1. Овқат номлари: *бўрсик* (моғорлаб қолган нон), *нишэнлэ*, *сингча* (қизариб, сингиб пишган нон), *жутум* (ейиш мумкин бўлган нарса), *пиёва*, *эш*, *лахчатоппа*, *гилвинди*, *чалоп* сингарилар.

2. Деҳқончиликка хос сўзлар: *санга* (кўп босилган ер), *жәбиз* (қотиб қолган ер), *ўрпанг* (экилмаган ер), *оқ аръқ*, *шаҳ аръқ*, *тэла*, *қэвэқ*, *ашкәди*, *бугдэй // бийдэй*, *джохэръ*, *қзлча*, *кәсек*, *чопиқ*, *бэдърнг*, *сулма*, *әриқчи*, *әриқоқсоқол*, *мәҳрим*, *чигирчи*, *чакбоши*, *сувмирчи*, *овандозчи*, *сувжуғур*, *уватчи*, *лоппәк*.

3. Чорвачиликка оид сўзлар: *эт//ат*, *сэгър*, *ънек*, *қой*, *ечкь*, *хотук*, *тәйхәр*, *қулун*, *туе*, *айгър*, *бийә*, *улоқ*, *бәйтәл*, *бузоқ*, *бъзә*: // *бъзэг*, *пэввэс*, *мәлхәна*, *улов*, *лўк* (эркак туя) ва бошқалар.

4. Уй-рўзғор буюмларининг номлари: *ләгән*, *сәндуг*, *пәқър*, *тешә*, *хурма*, *галвър*, *чэвлъ*, *тушэк*, *бәлъи*, *элача*, *чәпқъ*, *панишаха* ва бошқалар.

5. Овчиликка хос сўзлар: *тор*, *тузэк*, *қәпқән*, *ўра* (ов ўраси), *темир қәпқән*, *кеез*, *қармоқэ*, *эв ора*, *санчқы* сингарилар.

6. Балиқчиликка хос сўзлар: *сазан, зогара, қармЭқ, санчқы, лаққа, зЭгара балық, лаққа балиқ, чавақ, чортан балық* кабилар.

7. Бинокорликка хос атамалар: *босага, чалдувар, дурэдгар, сЭпқЭн, дЭқвЭз, шип, тЭчЭ, синч, устун, саррЭв, хэръ, пЭйдевр, пЭйтеша, қасава, равақ, Эморъ, ой, мбир, ёлак, тЭкчЭ* сингарилар.

8. Ономастик сўзлар: *МатасЭдық, Тошмат, Эшмат, Қайнақувди* ва бошқалар.

9. Кийим номлари: *койнЭй // койнЭк., лЭзим, орама камзул, орама чЭрЭп, чЭпон, чакмон, қалпЭг ь, желак, махси-кЭвуш, пЭйнЭ // пЭйнЭг ь* кабилар.

10. Боғбонликка оид сўзлар: *ишкЭм, ер тЭк, бЭдЭм, қаламча* (ёш ниҳол), *бЭг ьЭт* (боғли жой), *бЭгдЭг* (боғ ь егаси, боғли жой) сингарилар.

11. Қариндош-уруг ь номлари: *эуэ, енэ, кэттэ енэ, амэки, чевара, девара, мЭтЭ, иним, бола, тЭгэ, тЭгэвэчэ, чеча, қайни, қайинсингил, қайнЭнэ, қайин ука* кабилар.

12. Хунармандчиликка оид сўзлар: *синч, бЭлЭр, сЭққа, пЭйтеша, амбир, қўл тешэ, кўтармэ* (оғир нарсани кўтариб берувчи асбоб), *ЭтЭч, тЭқэ, тЭқэчи, дас-кэлэ, мЭвит, мЭлэ, лапаг* (кувача), *шайтЭн* (тўғрилиқни кўрсатувчи асбоб), *қубба, чэчъқ, кЭштэ* (материалларга гуллар тикилиб, уйнинг деворларига осиб қўйилади).

13. Атоқли отлар (*kishi* исми, шарифи, топоним, зооним, фитоним, этноним ва нарса, сарлавҳа, асарларнинг атаб қўйилган номлари)га оид сўзлар: *ЭлиЭд* - Элшод, *Мэмэрэим* - Мамараим, *МэмэсЭдиқ* - Мамасодиқ, *Мэлгузэр* - Молгузар (аслида Моргузар), *Қайнақувдъ* - Қайнақувди (гузар), *Қайрабсолль* - ҚайрабсЭлди (қишлоқ) ва бошқалар.

Шеваларимиздаги сўзлар шаклан туб ва ясама сўзлар гуруҳларига бўлинади: *Эйи, тағнай, енэ, йэнэ, косек, корек, хоппэк, осымли, санчқы, тошэк, оқ аръқ, тараша, эшкэди* сингарилар. Келгусида ёш шевашунослар олдида ўзбек шеваларининг кўп томлик "Ўзбек халқ шевалари луғати"нинг тузиш каби маъсулиятли вазифа турибди.. Албатта, унинг таркибида синоним, омоним, антоним, этнографик, лексик-фонетик диалектал, лексик-фразеологик, лексик-деривацион, морфологик-диалектал сўзлар луғатлари бўлиши табиий ҳолдир. Бундай диалектал луғатлар ("Рус диалектологияси" фани учун) рус олимлари томонидан тузилиб, нашр қилинган. Ўзбек шевалари лексик таркибида тарихий жиҳатдан иккита лексик қатлам бор: 1) умумтуркий лексик қатлам сўзлари; 2) ўзлашган лексик қатлам сўзлари.

Албатта, шеваларда асосий сўзлар туркий лексик қатламга оиддир: *эта, эпа, епа, вэвэ, бэр, кел, кет, тэн, чэн, йэн, қэл*. Ўзбек шеваларида бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар анча миқдорни ташкил этади: Бундай сўзлар адабий тилга қабул қилинган бўлиб, албатта бундай сўзлар шеваларда маълум фонетик ўзгаришларга учрайди. Аниқроғи, шева вакили ўзлашган сўзларга ўз шевасига оид бўлган баъзи бир хусусиятларни юклайди. Мисол: *ақъл (ақл), амел (амал), опәт (офат), вәсыйәт, қудрәт, дунйә, шәръм (sharm), шьпә (шифио), эгоҳ (огоҳ), балән (баланд), дәс (даст), бей (burch), кавъшдәз, дәрәх, дутерчъ, дәрәхсъз, хуш-хәвәр, бәдәвләт, эшпаз, ьшқъвәз, әмәлпәрәс, чәйпуръш, серхәсъл* ва бошқалар. Бир қанча ўзлашган интернационал сўзлар шеваларимизда баъзи бир ўзгаришлар билан ишлатилади: *рәзд, мәшинә, завәд, трактәр, газет, тәкси, кәсмәс, палтә, стәл, шакф, бәтинка, рәман, теәтр, кәлхәз, фәбръкә* кабилар. Шеваларда синоним, антоним, омоним ва неологизмларнинг қўлланиши. Ўзбек шеваларида шаклан ўхшаш бўлиб, маънолари фарқланувчи омоним сўзлар ҳам кўп миқдорда қўлланади:

I *қурақ-лахтак*; II *қурақ - майда*; III *қурақ - қамишининг қуригани*. (Жиз.);

I *тәпә - баландлик*, II *тапа - бош*;

I *чақа - чақа пул*, II *чақа - тухумдан чиққан қуш*, III *чақа - ақлий қобилияти заиф одам*;

I *улақ - эчки*, II *улақ - улама соч*;

I *қыйық - дуррача*, II *қыйиқ - ўжар одам*;

I *ботқа - семиз*, II *ботқа - овқатнинг бир тури*;

I *дъм - ҳеч*, II *дъм – ҳаво дим*, III *дъм - жим*, IV *дъм - сиқилиш*;

I *әт - гўшт*, II *әт - айт*;

I *ул - ўгил*, II *ул - ўша*;

I *жәв - ёв*, II *жав - эшикни ёп*, III *жав - нон ёпмоқ*;

I *сுவдақ - сувдек тоза*, II *сувдақ - чиройли*;

I *туғ - тўгон*, II *туғ- байроқ*;

I *сухсур – парранда*, II *сухсур – чиройли*;

I *хўмбўя -хамиртуруш*, II *хўмбўя - семиз*;

I *жубан - йўгон, қалин(жўгон арқан - йўгон арқон)*, II *жубан - юган*:

I чўт – теша, II чўт – чама, тахмин;

I чўзмә - юпқа овқат, II чўзма - узун.

Шева вакиллари нутқида синонимлар ҳам кўп қўлланади:

әшғал-дәшғал - тентак;

шәйтән - шум;

бәттәл, терс, акс - қайсар; пакана – ерғалтак;

буви, эйи, бийи - она; чәрсси - қыйыйқ, қыйыйқча - белбоғ

дийкат, писмилтиқ - айёр; балғиндар – тахман, ме:рәр ;

чъройли, кохлу, сулу:, гозал, бежъгът;

куч, қудрат – куч; қуёш, офтоб, кун - қуёш

заҳар, заққум – заҳар; аниқ, равшан – аниқ;

кувәр, бәлға, тәвар – теша; падарвакил - қызата – вакилә ат

Шу жумладан, ўзбек шеваларида антоним(қарама-қарши маъноли сўз)лар ҳам кўп ишлатилади: *чин сўзли – алламчи; оқәв (аччиқ) - тәттә (ширин); тез - жай (тез-секин); сәдда – қўпол; йәхиш - шилдығ (ёмон), кун чъқъиш (шарқ) - кун бәтъиш (ғарб), пәст – юқори; аччиқ – ширин; бәбәк (чақалок) - соқым (катта); чоқор (чуқур) - тьк (баланд); тумән (паст) - бьйьк (баланд).* Шеваларда янги сўзлар, яъни неологизмлар ҳам қўлланади: *компютер, тес(тест), қуёш батераси, корпус, компас* ва бошқалар. Ўзбек шеваларида тилшуносликда алоҳида бир сўз сифатида тан олинаётган фразеологизмлар ҳам фаол ишлатилади. Аммо уларнинг диалектал луғати шу кунгача тузилмаган. Уларнинг: а) адабий тилдаги фразеологизмлар билан ўхшаш; б) адабий тилдаги фразеологизмлар билан ўхшаш бўлмаган турлари бор. Мисоллар:

Озиминан ози гириптәр - Ўзиминан ўзи гириптор (ўзи билан ўзи овора).

Ит пьшәк болмәқ - Ит пишак бўлмоқ (ўзаро уришмоқ).

Гуручи сув котәрмәйдәгән - Гурунчи сув кўтармайди (танқидга чидамайди).

Текън нәрсәгә тәмдән тәшләйдь - Текин нарсага томдан ташлайди.

Чәп тәтәнинг мьлән туддънгмь - Чап томонинг билан туддингми?

Туйа гошти емэқ // девол мънган - Туя гўшти емоқ // девол минган.

Девэл ушлатип кетти - Девол ушлатип кетти (алдаб кетти).

Эуэги тэртмади - Оёғи тортмади(боргиси келмади).

Рэдэчънъ қызънъ пэдә кегәндә пәхмъ кирәймъш - Подачини қизини пода кегәндә пахми кираймиш.

Тъль бър қаръч - Тили бир қарич (катта гапирадиган).

Озъга тәппъ кесәлмәгән, бърэвгә уврә кесәймъш - Ўзига тўппи кесолмаган, бировга увра кесаймиш (қўлидан ҳеч иш келмайдиган).

арқаси tutti - Арқаси tutti (жаҳли чикди).

Ичигә шәль еккән - Ичига шоли еккан.

Оътләб кеттә - Ўтлаб кетти (бошқа мавзуга отиб кетди).

Жәгънъ егән - Жағини еган(кўп гапирадиган).

Қошигънъ айтиб қәлмәқ - Қўшиғини айтиб қолмоқ (чарчаб қолмоқ).

Бирэвдә тәҳорәтигә нәтәз оқъйдә - Бировди таҳоратига номоз ўқийди(Қаш.). *Текън босә, мъх ют* - Текин бўса, мих ют.

ахмоққа Кува бър тәш - Ахмоққа Кува бир тош (Кўқон ш.)

Ләльгә сәллә - Лалига солли (ноз қилди).

Шәйтәнгә дәрс берәди - Шайтонга дарс беради (хийлакор одам).

Козъ кокәрдә - Кўзи кўкарди (тоқати тоқ бўлди). Демак, шеваларнинг фразеологик луғатини тузиш учун уларни гуруҳлаб йиғиш ва изоҳлаб бориш шарт.

Ўзбек шеваларини ўганишда луғатлар. Дарҳақиқат, ўзбек шевалари ўз ҳамда ўзлашган қатламлардан иборат бўлган ва адабий тилдаги сўзлардан диалектал маънолари билан жиддий фарқланадиган, бениҳоя катта ҳажмдаги сўзликка эга. Уларнинг ҳаммасини бир луғатда бериб бўлмаслиги табиий ҳолдир. Булардан англашилиб турибдики, 1971-йилда нашр этилган "Ўзбек халқ шевалари луғати" га кирмай қолган, аммо шеваларимизда мавжуд бўлган қуйидаги сўзларнинг гуруҳлари ҳам бор:

1.Этнографик-диалектал сўзлар. "Ўзбек адабий тилида ҳам, шеваларимизда ҳам халқимизнинг асрлар давомида шаклланган жуда қадимги

турмуш тарзи, урф-одатлари, моддий ва маънавий маданияти билан алоқадор кўпгина сўз, терминлар мавжуд. Лекин бу хил сўзлар - адабий тилдаги этнографизмлар ҳам, адабий тил ва шевалар учун муштарак бўлган адабий-диалектал этнографизмлар ҳам, фақат шева, диалектларга хос этнографик сўзлар ҳам бир-бирларидан фарқланган ҳолда тадқиқ этилмаган. Хуллас, диалектал луғатга фақат шевалардагина қўлланадиган этнографизмлар киритилади ва улар қанчалик кўп бўлса, диалектал луғатнинг қиммати шунчалик ортади. Бундай сўзлар адабий тилда кам, шеваларда анчагина. Демак, этнографик-диалектал сўзларнинг диалектал луғатларини тузиш лозим.

2.Лексик-семантик диалектал сўзлар. "Шева, диалектлардаги сўзлар адабий тилдаги, шунингдек, бошқа бирор шева, диалектдаги худди ўша хил сўзлардан маъносига кўра фарқланадиган бўлса, улар лексик-семантик диалектлар сўзлар гуруҳини ташкил этади. Масалан, адабий тил ва шеваларда мавжуд бўлган ака сўзи айрим шеваларда "ота" ва ҳатто "почча" маъноларида қўлланади. Ёки адабий тилдаги ва шевалардаги "дәрс" (урок) сўзи Хоразм ва Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида "маҳаллий ўғит, гўнг"маъноларида учрайди. Кўпчилик ҳолларда бу хилдаги сўзларнинг ҳар иккаласи ҳам шева вакиллари томонидан қўлланади ва уларнинг маънолари нутқ жараёнида тушинарли бўлади.

Қиёсланг, *пәшә* (Сайрам, Чимкент, Фориш, Андижон) ~ *пәшиә* (Хоразм-кипч., Қорақалпоқ-ўзб., Бухоро, Фарғона) ~ *пешше* (Хоразм-ўғуз) ~ *пә:шә* (Иқон) - *чивин* (комар), *чъььп* (Хоразм-кипч., Қорақалпоқ - ўзб.) ~ *чънъп* (Хоразм-ўғуз) ~ *чыбын* // *чывып* (Бухоро) ~ *чи:вин* (Қорамурт) ~ *чу:н* (Шаҳрисабз) - *пәшиә* (муха). Ш.Раҳматуллаев "диалектизм-маъно" деб атаган бу хил сўзлар лексик-семантик диалектал сўзлар сифатида диалектал луғатга киритилади.

3.Лексик-фонетик диалектал сўзлар, яъни шевада жиддий фонетик ўзгаришларга учраган сўзлар. Ф.А.Абдуллаев "...фонетик ўзгалик маънодаги ўзгалик билан боғлиқ бўлса, бундай сўзлар луғатга киритилиши керак", - дейди. Айрим диалектологларимиз эса диалектал луғатда "фонетик ўзгаришли, аммо маъно ўзгалигига эга бўлмаган сўзлар мустақил сўз сифатида берилмайди", - дейишади. Бу фикрга қўшилиш қийин, чунки шеваларимизда мавжуд бўлган хилма-хил фонетик ҳодисалар сабабли адабий тилдаги баъзи сўзлар шу қадар ўзгариб кетадики, ҳатто уларнинг қандай сўз эканлигини изоҳсиз аниқлаб бўлмайди:

а) Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа шеваларда *ждав* сўзи бор. Бу сўз й- >дж - ҳамда -ғ > -в товушлари ўзгариши туфайли содир бўлган адабий тилдаги *ёғ* сўзининг айнан ўзидир;

б) Ошобо шевасида *бургулте, олта* каби сўзлар мавжуд. Аслида улар -*мл-лт-* метатезаси ва сўзлар охиридаги -*р* ундошининг тушиши натижасида содир бўлган, маънода фарқланмайдиган *бургутлар, ўтлар* (травы) сўзларидир. Хўш, *джав, олта* сингари фонетик ўзгаришга учраган сўзларни диалектал луғатга киртимаслик керакми? Бу хил сўзлар диалектал луғатларда берилмаса, қайси хилдаги луғатларда берилади? Умуман шеваларимиздаги *керйе-қария, койег-куёв* каби фонетик қиёфаси ўзгарган сўзлар ҳамда *лапыда - рапида, зэлал - зарар* сингари диалектизмлар диалектал луғатдан ўрин олмоғи лозим".

4. Лексик-деривацион диалектал сўзлар. "Адабий тилда ёки фақат шеваларда мавжуд бўлган хилма-хил сўз ясовчи аффикслар шевалардаги сўзларга ёки адабий тил ва шевалар учун муштарак сўзларга қўшилиши натижасида шева, диалектларда адабий тилда учрамайдиган диалектал сўзлар вужудга келадикки, уларни "лексик-деривацион диалектал сўзлар" деб атаган маъқул".

5. Морфологик-диалектал сўзлар. "Адабий тил ва шевалардаги сўз ўзакларига форма ясовчи аффиксларни қўшиш орқали вужудга келган морфологик-диалектал сўзлар турли хил бўлиб, улар, одатда, форма ясовчи аффиксларнинг биргаликда қўлланиши, турли хил фонетик ўзгаришларга учраши ёки фақат шеваларга хос форма ясовчи аффиксларнинг қўшилиши натижасида шеваларда (адабий тилда учрамайдиган) *эрангълә* - опанглар; *этәлувь // әтәлуйъ* - оталари; *ҳәммәльйсь* - ҳаммалари сингари анчагина морфологик диалектал сўзлар пайдо бўлган".

6. Фразеологик-диалектал иборалар. "Ўзбек шева, диалектларида мавжуд бўлган, адабий тилда учрамайдиган ёки учраса ҳам маънода фарқланадиган фразеологик иборалар, бирикмалар бир бутун, яхлит ҳолдагина бирор маънони, одатда, қўшимча қўчма маънони англатадикки, уларни диалектал луғатда қай тарзда бермоқ керак. Қозок, бошқирд, қорақалпоқ тили шеваларига ўзи реестр сўз сифатида берилган. Татар, ёкут шеваларига оид луғатларда эса улар бир бутун ҳолда берилмай, одатда, ундаги биринчи сўз тариқасида берилгандан кейин фразеологик иборанинг ўзи қайд этилган. Хуллас, луғатлар тузиш қийин, лекин савобли иш. Лексикология соҳасида қилинган ишлар баъзан унутилиши мумкин, бироқ лексикография бўйича бажарилган ишлар - тузилган яхши луғатлар ҳеч қачон унутилмайди. Шунга

кўра, диалектал луғат тузувчилари олдида турган энг муҳим вазифа шеваларимиздаги мавжуд диалектал сўзларни халқимиз сўз бойлигини ўзига хос хазинаси бўлган диалектал луғатларда қайд этиб, келгуси авлодлар учун сақлаб қолишдан иборат.

7. Китобий услубга хос бўлган сўз ҳамда терминлар.

8. Шева вакиллари маъносига тушунмайдиган диний ақидаларга оид (ўзлашган) сўзлар ва иборалар.

9. Варваризм, парнографик (маънодаги) сўзлар.

10. Адабий тилда мавжуд бўлган профессионализмлар ва терминологик лексика.

11. Фонетик (ўзгаришга учраган) диалектизмлар.

Шунингдек, шеваларимизнинг ҳозирги ҳолатида шевалараро лексик фарқларни, бир тушунчани ифодаловчи шевалараро сўзларнинг адабий тилга муносабатини чуқур илмий асосда аниқ белгилаб олиш мумкин эмаслиги табиий ҳолдир. Бундай қилиш учун эса шеваларимизнинг кўп томли луғатини шакллантириш ва нашр этиш шартдир. Юқоридагиларни режали тарзда амалга ошириш шеваларимизнинг бугунги лексик, фонетик, морфологик, семантик, фразеологик бойлигини бир бутун ҳолда сақлаб қолиш демакдир. Булар эса ўзбек шеваларининг лексик хусусиятларини жиддий ўрганишни ва кўп томли "Ўзбек халқ шевалари луғати"ни тайёрлаб, ўзбек халқи шеваларига хос сўзликларни гуруҳларга бўлган ҳолда тўплаб, нашр этиш лозим.

Диалектал лексикографияга оид материаллар:

Шу ўринда диалектал луғатларнинг қуйидаги турларини тўпланадиган диалектал матн ва материаллар асосида шакллантириш мумкин:

1. Соф диалектал луғат (бу кўп томли луғат бўлади)

2. Морфологик диалектал луғат.

3. Морфологик диалектал ўқув луғати.

4. Лексик-деривацион диалектализмлар луғати.

5. Лексик-деривацион диалектализмларнинг ўқув луғати.

6. Лексик-фонетик диалектал луғат.

7. Лексик-фонетик диалектал ўқув луғати.

- 8.Диалектал фразеологик луғат.
- 9.Диалектал фразеологизмларнинг ўқув луғати.
- 10.Лексик-семантик диалектал луғат.
- 11.Лексик-семантик диалектал ўқув луғати.
- 12.Этнографик диалектал луғат.
- 13.Этнографик диалектал ўқув луғати.
- 14.Тескари диалектал луғат.
- 15.Тескари диалектал ўқув луғати.
- 16.Диалектал синонимлар луғати.
- 17.Диалектал синонимларнинг ўқув луғати.
- 18.Диалектал омонимлар луғати.
- 19.Диалектал омонимларнинг ўқув луғати.
- 20.Диалектал антонимлар луғати.
- 21.Диалектал антонимларнинг ўқув луғати.
- 22.Диалектал паронимлар луғати.
- 23.Диалектал паронимларнинг ўқув луғати.
- 24.Диалектал лақаблар луғати.
- 25.Диалектал лақабларнинг ўқув луғати.
- 26.Бадий асарлардаги диалектизмларнинг ўқув луғати.
- 27.Бадий асарлардаги диалектизмлар луғати.
- 28.Тарихий бадий асарлардаги диалектизмларнинг ўқув луғати.
- 29.Тарихий бадий асарлардаги диалектизмлар луғати.
- 30.Тарихий асарлардаги диалектизмларнинг ўқув луғати.
- 31.Тарихий асарлардаги диалектизмлар луғати.
- 32.Драматик асарлардаги диалектизмлар луғати.

33. Шеърӣ асарлардаги диалектизмлар луғати.
 34. Прозаик асарлардаги диалектизмлар луғати.
 35. Фолклор асарлардаги диалектизмлар луғати.
 36. Махсус диалектизмларнинг (топонимик) ўқув луғат.
 37. Махсус диалектал (топонимик) луғат.
 38. Махсус диалектал (антропонимик) луғат.
 39. Махсус диалектизмларнинг (антропонимик) ўқув луғати.
 40. Диалектал мақолларнинг ўқув луғати.
 41. Диалектал мақоллар луғати.
 42. Диалектал қарғишлар луғати.
 43. Диалектал тез айтишувларнинг ўқув луғати.
 44. Диалектал тез айтишувлар луғати.
 45. Зоонимларнинг ўқув диалектал луғати.
 46. Зоонимларнинг диалектал луғати.
 47. Ортотоним(қуш ном)ларнинг ўқув диалектал луғати.
 48. Ортотоним(қуш ном)ларнинг диалектал луғати.
 49. Фитонимларнинг диалектал ўқув луғати.
 50. Фитонимларнинг диалектал луғати.
 51. Диалектал қўшимчаларнинг ўқув луғати.
 52. Диалектал қўшимчаларнинг луғати.
 53. Диалектизмларнинг етимологик луғати.
 54. Диалектизмларнинг етимологик ўқув луғати.
3. Кўп томли ўзбек шеваларининг диалектологик атласларини яратиш:
 - 3.1. Ўзбек шеваларининг ўқув диалектологик атласлари.
 - 3.2. Ўзбек шеваларининг диалектологик атласлари.

3.3. Ўзбек шеваларининг мукамал диалектологик атласлари.

Демак, шеваларимиз лексикаси ва лексикографиясида ҳал қилиниши лозим бўлган бир қанча масалалар бор, уларни талқин, таҳлил қилиш воситасида юқоридаги масалаларнинг ҳал қилинишига имконият туғиларди. Бу нарса албатта ёш шевашуносларимиз амалий таржиба ўртирган ҳолда, шу тажрибаларига таяниб шарафли меҳнат қилишларига тўғри келади.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
2. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
3. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.
4. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Т.: "Наврўз", 2016.
5. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.
6. Эназаров Т., Каримжонова В. ва бошқалар. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fsgerp/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>
5. www.dersimiz.com
6. www.altinmiras.com

Ўзбек шевалари морфологияси

Режа:

1. Ўзбек шеваларида грамматик сон ва эгалик категорияси.
2. Ўзбек шеваларида келишик категорияси.
3. Сўз туркумларидаги айрим ўзига хосликлар.

Таянч тушунчалаг: шеваларининг морфологик ва синтактик хусусиятлари, шеваларда грамматик сон категорияси, шеваларда эгалик категорияси, шеваларда келишик категорияси, шеваларда сўз ясалиши.

Ўзбек шеваларининг морфологик ва синтактик хусусиятлари ҳақида тўла маълумот бериш қийин, лекин бу масалаларнинг энг умумлашадиган, тадқиқот объектини ўрганишга асос бўладиган ўринларини қайд қилиш мумкин. Ўзбек адабий тилидаги сўз туркумлари, гап бўлаклари шеваларда алоҳида хусусиятга эга эмас, балки унинг ички шакл ва категориялари, ёзиб олинган матнларнинг синтаксиси ҳақида фикр юритиш мумкин.

Грамматик сон категорияси. Соф кўплик маъносини ифодалашда шеваларда *-лар ~ лар, -лар ~ лар, -нэр ~ нар, -нар ~ нар, -нэ ~ на, -эр ~ ар, -э ~ а, -лэ ~ ла, -ла ~ ла, -дэр ~ дар, -дар ~ дар, -тэр ~ тар, -тар ~ тар* каби кўплик кўшимчалари қўлланади.

Ўзбек шевалари учун *-лар ~ лар* архивариант ҳисобланади ва у барча ўзбек шеваларида қўлланади.

-лэ ~ ла аффикси Тошкент шаҳар ва Хоразм шеваларида фаол қўлланади: уйлар ~ *ойлэ ~ ойла*, қўйинглар ~ *қойъйлэ ~ қойийла*, гуллар ~ *гүллэ ~ гулла*, кунлар ~ *күллэ ~ кулла*.

-нэ ~ на аффикси Наманган шевасида қайд қилинади: уйинглар ~ *уйъйнэ ~ уиййна*, қўйинглар ~ *қойъйнэ ~ қойийна*.

-ла ~ ла варианты эса Хоразм шеваларида учрайди: қизлар ~ *қы:зла ~ қї:зла*, улар ~ *ула ~ ула*.

-э/эр ~ а/ар аффикси шаҳар ва шаҳар типдаги шеваларида қўлланади: бизлар ~ *бъзэ ~ биза*, сизлар ~ *съзэ ~ сиза*.

-нэр ~ нар, -нар ~ нар, -дэр ~ нар, -дар ~ дар, -тэр ~ тар, -тар ~ тар аффикслари қипчоқ шеваларида қўлланади: узумлар ~ *үзүмнэр ~ узмнар*,

меҳмонлар ~ меҳманнар ~ меҳманнар, жигитлар ~ джъгъттәр / джъгълләр ~ жигиттар / жигилләр, ойнлар ~ ойндар ~ оюндар.

Ўзбек тилининг Қорабулоқ, Иқон шеваларида тарихий кўш кўплик шакли учрайди: булар ~ булалар ~ булалар, шулар ~ шулалар ~ шулалар (айнан: бу+лар+лар, шу+лар+лар)

-лар ~ лар аффикси ва унинг вариантлари Тошкент, Фарғона ва Хоразм шеваларида ҳурмат маъносини ҳам ифодалайди.

Айрим шеваларда кўпликнинг жамлик турини ифодаловчи махсус аффикслар ҳам бор, масалан, Тошкент диалекти шеваларида -луг ~ луг аффикси оз ~ оз ~ оз, уй ~ ой ~ ой каби сўзларга кўшилиб, кўплик жамлик маъноларини англатган: ўзлари ~ озлугъ ~ озлуги, уйлари ~ ойлугъ ~ ойлуги; -гъ ~ ги аффикси шахсни билдирувчи сўзларга кўшилиб, жамлик маъносини англатади: ойъмгълә ~ ойимгила (бу ўринда ойиси ва бошқа шахслар биргаликда тушунилади), адамгълә ~ адамгила (бу ўринда ҳам адаси ва бошқа шахслар биргаликда тушунилади). Тил тарихида кўпликнинг -т ~ т, -з ~ з, -қ/к ~ қ/к аффикслари билан ифодаланган шакллари қўлланган. Уларнинг қолдиқлари, яъни -қ ~ қ аффиксининг -ақ ~ ақ варианты Сурхондарёнининг Жарқўрғон, Термиз, Шеробод туманларида яшовчи кўнғиротлар шеваларининг айрим сўзларида сақланиб қолмоқда. Улар, асосан, олмош ва феъл шаклларида учрайди: Сизлар барп келдингизларми ~ сьз-ақ барп кедъңъз-ақмъ ~ сиз-ақ барп келдизиз-ақми? Ўзингизлар ~ ўзъңъз-ақ ~ ўзизиз-ақ. Бу аффикслар кўплик маъносини эслатиб турса-да, улар ушбу ўринларда мавжуд кўпликни таъкидлашга хизмат қилган.

Эгалик кўшимчалари. Бу категориянинг маънолари ҳам адабий тилдаги маъноларига мувофиқ келади, лекин шеваларда эгалик кўшимчалари кўп вариантли бўлади ва шу билан улар адабий тилдан фарқли хусусиятларга эга.

I шахс бирлиги: -м/ъм/м/ум/үм ~ м/им/ім/ум/м: балам ~ балам ~ балам, иним ~ ънъм ~ иним, алим (кўлим) ~ алъм ~ алим, жоним ~ джанм ~ жанім, кўлим ~ қолум ~ қолум, кўнглим ~ қиңлүм ~ кунглум;

II шахс кўплиги: -мъз / мз(с) / ъмъз / мз(с) ~ миз / миз(с) –имиз / імиз(с), -умуз / үмүз(с), -вуз / вйзә ~ умуз / мз(с), -вуз / вуза: баламиз/с ~ баламз/с ~ баламиз/с, инимиз ~ ънъмъз/с ~ иниъмиз/с, жонимиз ~ джанмз/с ~ жанімиз/с, қолимиз ~ қолмз/с ~ қолімиз/с, кўнглииз ~ қиңлүмүз/с ~ қиңглимиз/с, ишимиз ~ ъшъвуз(ә) ~ ишлавуз(а);

II шахс бирлиги: -*н/ън/н/уң/уң* ~ *з/из/їз/уз/з*: боланг ~ *балаң* ~ *балаз*, ининг ~ *ънъң* ~ *иниз*, алинг / *қўлинг* ~ *эльң* ~ *ализ*, жонинг ~ *джанң* ~ *жанїз*, *қўлинг* ~ *қолуң* ~ *қолуз*, *кўнглинг* ~ *қиңлүң* ~ *қиңглиз*;

II шахс кўплиги: -*нъз / нз(с)* ~ *зиз / зїз(с)*, -*ънъз / нз(с)* ~ *изиз / їзїз(с)*, -*уңуз / уңуз(с)* ~ *зз / узуз(с)*, -*и:з* ~ *и:з*, *и:йлә* ~ *и:йла*, -*(ъ)ңлә / ()ңла* ~ *(и)зла / (ї)зла*: *балангиз* ~ *балаңз/с* ~ *балазїз/с*, *инингиз* ~ *ънънъз/с* ~ *инизиз*, *жонингиз* ~ *джанңз/с* ~ *жаннїз/с*, *қолингиз* ~ *қолуңз/с* ~ *қолунїз/с*, *кўнглингиз* ~ *көңлүңуз* ~ *қиңглиз*, *ишинглар* ~ *ъшъңлә* ~ *исъызла*, *уйинглар* ~ *ойъйлә* ~ *ойингла*, *қўлинглар* ~ *қолңла* ~ *қолїнла*;

III шахс бирлик ва кўплигида -*ъ/* ~ *и/ї*, -*съ/с* ~ *си/сї*, баъзан -*су/сү* ~ *су/с* аффикси вариантлари қатнашади: *боласи* ~ *балас* ~ *баласї*, *иниси* ~ *ънъсъ* ~ *иниси*, *али* (*қўли*) ~ *ала а-ли*, *жон* ~ *джан* ~ *жанї*, *тулкиси* ~ *түлкүсү* ~ *тлкси*, *қойи* ~ *қойу* ~ *қою*.

Эгалик аффикслари вариантларининг бундай шакллари сингармонизмнинг палатал ва лабиал турлари қонуниятлари тўла сакланган ўринларда қайд қилинади, лекин шеваларда бирор қонуният билан боғлаш мумкин бўлмаган хусусиятлар ҳам учрайди. Масалан, Тошкент шевасида II шахс кўплигида -*вуз / вузә* ~ *вуз / вуза* аффикси қатнашади: *китобимиз* ~ *кътәрувуз* ~ *китопувуз*, III шахс кўплигида эса -*ъ:з / ыйъз / йлә* ~ *и:з / ийла / йла* аффикси қатнашади: *китобингиз* ~ *кътәпъ:з* ~ *китвпи:з*, *китобларинг* ~ *кътәпъйлә* ~ *китобийла*.

Келишик категорияси. Маълумки, туркий тилнинг дастлабки тараққиёт даврида 7 та келишик шакли бўлган, ҳозирги ўзбек адабий тилида 6 та келишик шакли қўлланади. Ўзбек шеваларида эса баъзан бу рақам тўрттагача камайиши мумкин. Фақат қипчоқ ҳамда шимолий ўзбек шеваларидагина 6 та келишик шакли истеъмолда бор. Ўғуз лаҳжасининг аксарият шеваларида, Тошкент, Фарғона шеваларида 5 та келишик қўлланади, яъни қаратқич ва тушум келишиклари бир кўрсаткич билан ифодаланади. Қарши, Бухоро, Сурхондарёнинг "й~ ж" ловчи шеваларида 4та келишик қайд қилинади, яъни қаратқич ва тушум келишиклари битта кўрсаткич билан, жўналиш ва ўрин-пайт келишиги ҳам битта кўрсаткич билан ифода қилинади. Ўзбек шеваларида келишик қўшимчаларининг қуйидаги вариантлари қайд қилинади:

Бош келишик: Кўрсаткичи йўқ.

Қаратқич келишиги. Бу келишик қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг аксарият шеваларида, ўғуз лаҳжасининг айрим шеваларида функционал эмас. Бу келишик қўлланиладиган шеваларда қуйидаги аффикслар қатнашади:

-нъң/нң ~ низ/ніз: эна ~ енанъң ~ енаниз, отанинг ~ атанъң ~ атаніз (қипчок)

-ъң/ң ~ из/із: кўпнинг тўйи ~ көпъң тойу ~ купиз тойї, отнинг боши ~ атң башу ~ атіз баши (қипчок);

-нүң/нйң ~ нз/нуз: унинг ~ онйң ~ онуз, уйнинг ~ үйнүң ~ уйниз (қипчок);

-уң/үң ~ з/уз: кўзнинг қорачиғи ~ көзүң қарачғи ~ қузз қарачігі, туннинг қоронғуси ~ түнүң қараңси ~ тунз қаранчісі, қўйнинг жуни ~ қойуң йүнь ~ қоюз жуни (шим.ўзб. шев.).

-дъң/дң ~ диз/діз: бизнинг ~ бьздъң ~ биздиз, уларнинг ~ олардң ~ олардіз (қипчок);

-дүң/дйң ~ дз/дуз: қўйнинг ~ қойдуң ~ қойдуз, кўзнинг ~ көздүң ~ қыздз (қипчок);

-тъң/тң ~ тиз/тіз: катакнинг ~ кэтэхтъң ~ катахтиз, отнинг ~ аттң ~ аттіз (қипчок).

Тушум келишигида қуйидаги аффикслар қатнашади:

-нъ/н ~ ни/ні аффикси барча шеваларда қўллана олади: олмани ~ элманъ ~ олмани (Тошк.), сувни ~ сувн ~ сувні (қипчок);

-ъ ~ и аффикси Қорақўл ва Олот шеваларида амалда бор: ишни қил ~ и:шь қил ~ и:ши қил, сўзни билмасанг гапирма ~ сөзь бьлмасәң гәпърмә ~ сүзи билмасан гапирма;

-ну/нү ~ н/ну аффикси Қорабулоқ, Манкент шеваларида учрайди: қўзини ~ қозуну ~ қозуну, тулкини ~ түлкүнү ~ тулкуни;

-дъ/д/тъ/т ~ ди/дї/ти/тї аффикси барча сингармонизмли шеваларда қўлланади: тоғни ~ тавду ~ тавдї, йигитларни ~ джъгьттәрдъ ~ жигиттарди, отни ~ атту ~ аттї, меҳнаткашни ~ мьйнәтткәштъ ~ миҳнаткашти. -дъ/тъ ~ ди/ти варианты Фарғона гуруҳ шеваларида ҳам қўлланади: уйни ~ уйдъ ~ уйди, ишни ~ ьштъ ~ ишти.

Аксарият шеваларда тушум келишиги аффиксидаги н ~ н ундоши кучли ассимиляцияга учрайди. Бу айниқса Тошкент шевасида яққол кўринади: қўлни ~ қолль ~ қолли, бошни ~ бьшиши ~ боши. Тушум келишигининг белгисиз қўлланиши барча шеваларга хосдир: Биз келдик келин кўргани ~ бьз келльи

келън коргәнъ ~ биз келлик келин кўргани. Чумчук сойсаям қассоб сойсин ~ чумчук сойсаям қассоп сойсин ~ чимчиқ сойсаям қасоп сойсин (Қарши).

Жўналиш келишигида қуйидаги аффикслар иштирок этади:

-гә/кә/қа/г ға ~ -га/ка/қа/га аффикси. Бу аффиксининг барча вариантлари сингармонизмли шеваларда қўлланади. Сингармонизмни йўқотган шеваларда -гә/кә ~ га/ка варианты қўлланади: уйга ~ үйгә ~ уйга, ишга ~ ышкә ~ ишка; -қа/г ға ~ qa/га варианты сингармонизмли шеваларда орқа қатор унлилар келган негизларга қўшилади: ўқишга ~ оқушқа ~ оқушқа, далага ~ далага ~ далага.

-а/ә ~ а/а аффикси ўғуз гуруҳ шеваларида ва шимолий ўзбек шеваларида қўлланади: қўлимга ~ қолма ~ қолма, гулларга ~ гүлләрә ~ гуллара.

-на/нә ~ на/на аффикси ўғуз шеваларида учрайди: алина (қўлига) ~ әльнә ~ alina, боласига ~ баласина ~ баласина,

-йа/йә ~ я/я аффикси Қарши шевасида учрайди: хурмага ~ хйрмайа ~ хурмая, ўзига ~ өзыйә ~ узия, У катта акасига хурмада қатиқ олиб борган чоғда йўлда ёмғир ёғган ~ О кәттә әкәсьйә хйпмәйә қәтх әб бәргән чәхрә йолгә йәғмур йәққән ~ О катта акасия хурмая қәтix вб бврган вахга жолга жағмур жаққан.

Жўналиш келишиги аффикслари 4 келишикли шеваларда ўрин-пайт келишиги маъносини ҳам ифодалайди. Бу юқоридаги *хйрмайа ~ хурмая, чәхрә ~ чоҳга, йолгә ~ уолга* мисолларида ҳам кўриниб турибди. Ўғуз лаҳжаси шеваларида ва шимолий ўзбек шеваларида жўналиш келишигидаги кишилик олмошлари менга ~ маңа ~ маза, сенга ~ саңа ~ саза, унга ~ уңа ~ уза шаклида, кипчоқ лаҳжаси шеваларида эса *маған ~ маран, саған ~ sagan, оған ~ оран* кўринишига эга.

Ўрин-пайт келишигида *-дә / да / тә / та ~ -да / да / та / та* аффикси қатнашади. *-дә / тә ~ да / та* аффикси барча шеваларда, *-да / та ~ да / та* аффикси эса сингармонизмли шеваларда келади: *ишда ~ ыштә ~ ишта, қўлида ~ қолуда ~ қўлуда, ичида ~ и:чъндә ~ и:чинда, шу орада ~ шу орталукта ~ шу орталіқта.*

Чиқиш келишигида 4 тоифа аффикслар иштирок этади:

-гән / ган / тән / тан ~ дан / дан / тан / тан аффиксининг қўшилиш имкониятлари кенг: *-дән / тән ~ дан / тан* аффикси барча шеваларда қўллана олади: *Бухородан ~ Бухәрәдән ~ Бухородән, сөндан ~ сәндән ~ сандан.*

Бошқалари эса сингармонизмли шеваларга хосдир: *япроғидан ~ йарпақдан ~ йарпақдан*, *махлуқдан ~ махлуқтан ~ махлуқтан* (кипчоқ);

-нән / нан ~ нан/нан аффикси Хоразм шеваларида м, н, нг(н/н) товушлари билан тугаган сўзларга қўшилади: *ўзингдан ~ өзъңнән ~ узизнан*, *бўйингдан ~ боййңнан ~ боюннан*.

-дън / ън / тън / тн ~ дин / дйн / тин / тйн аффикси шимолий ўзбек шеваларида бу келишикнинг асосий аффиксидир: *сутчидан ~ суйтчъдън ~ суйтчидин*, *ошхонадан ~ ашханадн ~ ашханадйн*, *топа олмасдан ~ тапамасдн ~ тапамастйн*, *Чимкентдан ~ Чъмгәттън ~ Чъмгәттън*.

-дун / дун / тун / тун ~ дун / дн / тун / тн аффикси кўпроқ Қорабулоқ, Манкент шеваларида ва бир қатор сингармонизмли шеваларда қўлланади: *уйдан ~ уйдун ~ уйдун*, *қўйдан ~ қойдун ~ қойдун*.

Ўғуз ва кипчоқ лаҳжаси шеваларида эгалик ва келишик аффикслари ўртасида интеркаляр н товушининг келиши ҳам кузатилади: *қўлларида ~ қолларнда ~ қолларинда*, *сўзидан ~ сөзънән ~ сузиннан*, *ўзида ~ өзъндә ~ узинда*.

Шеваларда модал шакллар. Ўзбек шеваларида от, сифат, феъл туркумларининг ички категорияларида шеваларнинг хусусиятларини кўрсатадиган сўз шакллари ҳам бор. Қуйида от туркумидаги шундай шакллар билан танишамиз:

-джән / жон аффикси Фарғона водийси шеваларида эркаклар исмига қўшилиб, ҳурмат маъносини ифодаласа, Хоразм шеваларида *-джан / жан, Айжан, Нуржан* шаклида қизлар (аёллар) исмларига қўшилади. *-хән / хон* аффикси Тошкент, Фарғона водийсида эркаклар исмларига қўшилганда, Нодирхон, Аюбхон, Аъзамхон каби, ҳурмат, насл-насабга алоқадорлик мазмунини ифода қилади. Хоразмда эса эркакларга ҳурмат ифодалаш учун *-бай / бай* аффиксидан фойдаланилади, *Ҳайитбай, Гулимбай, Райимбай* каби.

Шимолий ўзбек шеваларида ва айрим кипчоқ, ўғуз шеваларида ёши катталарни ҳурмат қилиб, уларнинг номини қисқартириб чақириш кенг тарқалган: *Қурбон ака ~ Қурәкә ~ Қурака*, *Собир ака ~ Сәкә ~ Сака*, *Тошпўлат ака ~ Тәшәкә ~ Ташака* каби. Бу қозоқ ва қорақалпоқ тилларининг таъсири бўлиши мумкин. Ёши кичикларни эркалаб ёки иззат қилиб, қисқартирилган сўз охирига ш, м, н каби ундошларни қўшиб талаффуз қилиш анъанаси бор: *Отажон ~ Аташ ~ Аташ*, *Дадахон ~ Дадан ~ Дадан*, *Эшмуҳаммад ~ Эшъм ~ Эшим* каби.

Шеваларда *-ч/ш ~ ч/ш* аффикси аёлларни, қизларни эркалаш учун қўлланади: бикажон ~ *бъкэч* ~ *бикач*, онажон ~ *анач* ~ *анач* (Хоразм), Онажон (исм) ~ *Анаш* ~ *Анаш* (шим. ўзб. ш.). Эркалаш-кичрайтириш ифодаловчи *-ча* аффикси аксарият шеваларда, хусусан, шимолий ўзбек шеваларида қўлланмайди, балки адабий тилнинг таъсирида шеваларда пайдо бўлмоқда.

Сифат. Сифатлардаги адабий тилга хос аксарият сўзлар, аффикслар шеваларда ҳам баъзи фонетик ўзгаришлар билан қўлланади, жумладан, сарик ~ *сару* ~ *сарі* (қипчоқ, ўғуз), иссиқ ~ *и:ссъ* ~ *и:ссі*, қора ~ *қара* ~ *қара* (қипчоқ, ўғуз), қаттиқ ~ *қэтту:* ~ *қатту:* (Тошкент). Сифат даражаларидаги жуда ~ *джэ* ~ *джа*(аксарият шеваларда), энг ~ *и:ң* ~ *и:нг* (Қарши), белгининг камлигини ифодаловчи *-роқ* аффикси *-рөқ* ~ *роқ*, *-рақ* ~ *рақ*, *-рэк* ~ *рак* вариантларига эга. Шу билан бирга шеваларнинг ўз аффикслари ҳам бор. Қипчоқ лаҳжасининг аксарият шеваларида ва шимолий ўзбек шеваларида сифатлардаги белгининг камлиги *-лэй(в)* / *лай(в)* ~ *ла(в)* / *лай(в)* аффикси билан ифода қилинади: оқроқ ~ *ақлай(в)* ~ *ақлай(в)*, көклэй(в) ~ *кўкла(в)*.

Белгининг ортиқлигини ифодалашда Хоразм шеваларида *зил* ~ *зіл* сўздан фойдаланилади: қоп-қора ~ *зил қапа* ~ *зіл қара*, сап-сарик ~ *зил сари* ~ *зіл сарі*.

Сон. Содда ва мураккаб сонларнинг қўлланишида фарқ йўқ. Айрим сонларнинг талаффузидагина фарқлар қайд қилинади: икки ~ *экъ* ~ *аки* (Марғулон), ети ~ *йэдъ* ~ *еди*, элик ~ *элли* ~ *алли* (Хоразм), ети ~ *джетъ* ~ *жети* (қипчоқ) ва бошқ. Соннинг маъно турларини ҳосил қилишда ўзига хосликлар кўзга ташланади. Шимолий ўзбек шеваларида дона сон ҳосил қилинмайди, яъни соннинг қўшимчасиз ҳолати дона сонни ҳам билдиради, бу шаклда ўғуз лаҳжаси шеваларида *дэнэ* ~ *дана* созидан фойдаланилади: иккита ~ *ьккъ* *дэнэ* ~ *икки* *дона*, учта ~ *үч* *дэнэ* ~ *уч* *дэнэ*. Жамлик сон Хоразм шеваларида иккаласи ~ *иккъсь* ~ *иккиси*, учаласи ~ *үчъсь* ~ *учиси* каби шакллар орқали ифода қилинади.

Олмош. Кишилиқ олмошлари айнан ёки қисман фонетик ўзгариш билан шеваларда қўлланади, яъни ўғуз ва шаҳар шеваларида мен ~ *мэн* ~ *ман*, сен ~ *сэн* ~ *сан* вариантыда келиши характерли. Қипчоқ лаҳжаси шеваларида III шахсда *у* ~ *о* ~ *о* / *ул* ~ *ул* / *ол* ~ *ол* вариантларида учрайди. Кўрсатиш олмошининг шу ~ *шо* ~ *шо* (қипчоқ), оша ~ *ош* ~ *оши* (Туркистон), мана шу ~ *мэшъ* ~ *маши* (Тошкент), ана шу ~ *эшъ* ~ *аши* (Фарғона) каби шакллари мавжуд. Адабий тилдаги у, бу, шу олмошлари шимолий ўзбек шеваларида *ул* ~ *ул*, *бул* ~ *бул*, *шул* ~ *шул* шаклларида қўлланади. Равишларнинг аксарияти адабий тил вариантларига яқин, баъзилари кучли фонетик ўзгаришлар билан қўлланади: у ёқда ~ *агга* ~ *арда*, бу ёқда ~ *багда* ~ *барда* (Фарғона водийси

шевэларида), кўп ~ кѳб ~ кўб (кипчоқ). Ёрдамчи сўзлар, ундов ва таклидий сўзлар ҳам адабий тилдан айрим фонетик ўзгаришлар билан қўлланади. Ва боғловчиси ҳеч бир шевада қўлланмайди. Ҳам сўзи (ҳ ундоши элизияга учраган ҳолда) шеваларда боғловчи вазифасидан кўра юклама вазфасида кўпроқ қўлланади. Шу билан бирга шеваларда ҳу ана ~ ҳэйла ~ ҳайла (Самарқанд), фақат ~ тек ~ тек (Туркистон), ҳа ~ ава ~ ава (ўғуз), бирт-чирт ~ бурт-чурт ~ бїрт-чїрт (таклидий сўз, Туркистон), ҳав(ахир) ~ ҳав ~ ҳав (ўғуз) – бир муддат дамимни олайн, ахир ~ бър заман дәмъмнъ алайн, ҳав ~ бир затан дамимни алайїн, ҳав, адабий тилдаги -ю, -ку юкламаларига эквивалент бўладиган -ғу ~ғу ~ ру таъкид юкламаси қўлланади: борди-ку ~ барди-ғу ~ барди-ғу, келди-ку ~ кэдъ-ғу ~ кади-ғу (Туркистон). каби мисоллар қайд қилинади. -ғу ~ғу ~ гу юкламаси бир вариантли бўлиб, сингармонизмга бўйсунмайди.

ГЛОССАРИЙ

Шеваларининг морфологик ва синтактик хусусиятлари [morphological and syntactic peculiarities of dialects] – ўзбек шеваларидаги сўз туркумлари ва сўз таркиби ҳамда унинг синтактик тизими.

Шеваларда грамматик сон категорияси [тхе category of grammar plurality ин диелесц] – шевалардаги бирлик, жуфтлик ва кўпликни бирлаштирувчи тушунча.

Шеваларда эгалик категорияси [тхе category of possessive ин dialects] – шевалардаги эгалик шаклларини бирлаштирувчи тушунча.

Шеваларда келишик категорияси [case category ин dialects] – келишик шаклларини бирлаштирувчи тушунча.

Шеваларда сўз ясалиши [тхе word formation ин диелесц] – шевалардаги янги сўз ҳосил қилиш тизими.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
2. Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
3. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.

4. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Т.: "Наврўз", 2016.
5. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.
6. Эназаров Т., Каримжонова В. ва бошқалар. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fsgerp/материалиен/Техте/Лехикологияе.пдф>
5. www.dersimiz.com
6. www.altinmiras.com
7. www.thinsan.com

Шеваларда турланиш ва тусланиш.

Режа:

1. Ўзбек шеваларида феъл шакллари ва турланиш.
2. Ўзбек шеваларида тусланиш.

Таянч сўз ва тушунчалар : шевалар морфологияси, шеваларда феъл шакллари, шеваларда тусланиш, тусланишнинг шахс-сонда берилиши.

Феъл (тусланиши). Ўзбек шеваларида ҳам тусловчи аффиксларнинг (шахс-сон аффиксларининг) уч типи қўлланади ва улар қуйидаги шаклларга эга бўлади:

I тип тусловчилар

Бу типдаги тусловчилар тўлиқ тусловчилар деб ҳам юритилади ва унинг:

- I шахс бирлигида *-мә(н)/ма(н) ~ ма(н)/ма(н)* аффикси қатнашади: келаман ~ келәмән ~ келаман, ўқийман ~ оқўймән ~ оқийман (Тошкент). Айрим ўғуз ва шимолий ўзбек шеваларида бу аффиксдаги н ундоши қўлланмайди: бораман ~ барама - барама, келаман ~ галәмә ~ галама.

- I шахс кўплигида *-мъз(ә)/мз/с/нъз/нз/с ~ миз(а)/миз/с/пиз/пиз/с/, -вуз/вузә ~ вуз/вуза* аффикслари қатнашади. Сингармонизмли шеваларда аффиксдаги з/з ундоши жарангсизлашади. *-мъз ~ миз* варианты, деярли, барча шеваларда қўлланади: кетяпмиз ~ кетвэмъз ~ кетвоммиз, боряпмиз ~ бэрвэмъзә ~ бврвоммиза (Тошкент), *-вуз/вузә ~ вуз/вузә* варианты Тошкент, Қарши каби шеваларида қўлланади: ишлаймиз ~ ьшлўйвуз(ә) ~ ишлайвуз(а), қиламиз ~ қъләвуз ~ қилавуз, *-нъз/нз/с/ ~ пиз/пиз/с* варианты (аслида у ассимилятив вариант) сингармонизмли шеваларда учрайди: келяпмиз ~ келўәппъз/с ~ келяппиз/с, қарабмиз ~ қараппз/с ~ қараппиз/с.

-мъз ~ миз аффикси Тошкент шевасида *-дъ ~ ди, -сә ~ са* аффиксли сўз шаклларига қўшила олган: олдик ~ элдъмъз ~ олдимиз, айтсак ~ әйтсәмъз ~ айтсамиз, бердик ~ бердъмъз ~ бердимиз, юрсак ~ йурсәмъз ~ юрсамиз..

- II шахс бирлигида *-сә(н)/са(н) ~ са(н)/са(н)* аффикси қатнашади: келасан ~ келәсэн ~ келәсэн, ўқийсан ~ оқўйсән ~ оқийсан (Тошкент). Бу шаклда ҳам айрим ўғуз ва шимолий ўзбек шеваларида н ундоши қўлланмайди: борасан ~ бараса ~ бараса, келасан ~ галәсә ~ галаса.

- II шахс кўплигида *-съз/съз/с + лә(р)/ла(р) ~ сиз/сиз/с + ла(р)/ла(р), -с ~ с, -сълә ~ сила* аффикси иштирок этади. Бу шахсда ҳам сингармонизмли шеваларда аффиксдаги з ундоши жарангсизлашади.

-съз ~ сиз варианты, деярли, барча шеваларда қўлланади: боряпсиз ~ бэрвәссъз ~ бврвоссиз (Тошкент), кетўәпсиз ~ кетўәпсъз ~ кетяпсиз (Марғилон).

-съз / сиз / с + лә(р) / ла(р) ~ сиз / сиз / с + ла(р) / ла(р) варианты сингармонизмли шеваларда қўлланади: барибсиз ~ барпсиз/с ~ барўнсиз/с, ушлабсиз ~ ушлапсиз/с ~ ушлапсиз/с, кўрибсизлар ~ көрўпсъләр ~ кўрипсизлар, ўқибсизлар ~ оқпсз/слар ~ оқўнсиз/слар.

-с, -сълә ~ с, сила варианты эса Тошкент, Қарши каби шеваларида қўлланади: ишлайсиз ~ ьшлўйс ~ ишлийс, келәсъләр ~ келәсълә ~ келасила.

- III шахсида аффикс қатнашмайди, лекин *-а/ә ~ а/д*, *-й ~ й*, *-б ~ б* аффиксли равишдошлар иштирок этган феълларда ва бошқа айрим феълларда *-дъ / д / ть / т ~ ди / дї / ти / тї* аффикси ва унинг қўплигида баъзан *-ла(р) / ла(р)* аффикси қўлланиши мумкин. Сингармонизмни йўқотган шеваларда фақат *-дъ / ть ~ ди / ти* варианты қўлланади: *ишлади ~ ъшладъ ~ ишлади*, *келяпти ~ кевэттъ ~ кевоттї*, сингармонизмли шеваларда эса *-дъ / д / ть / т ~ ди / дї / ти / тї* вариантларининг барчаси қўлланади: *боради ~ бараду ~ барадї*, *ичади ~ и:чадъ ~ и:чадъ*, *кўрсатди ~ гөрсэттъ ~ гурсатти* (ўғуз), *киркди ~ киркту ~ қїрктї*. Тожикистоннинг жанубий ўзбек шеваларида *-ту ~ ту* варианты ҳам қайд қилинади: *сочяпти ~ чэчэттту ~ чочатту*.

II тип тусловчилар

Бу типдаги тусловчилар қисқарган тусловчилар деб ҳам юритилади ва улар *-дъ/д/ть/т ~ ди/дї/ти/тї* ва *-сә/са ~ са/са* аффикслари билан шаклланган феълларга қўшилади.

- I шахс бирлигида фақат *-м ~ т* аффикси қатнашади: *алдим ~ алдим ~ алдїм*, *айтсам ~ айтсам ~ айсам*, *бердим ~ бердъм ~ бердим*, *юрсам ~ йүрсам ~ юрсам* ва б. Шевалардаги *көрдүм ~ курдим*, *қўйдум ~ қойдум* тусланишида иккинчи бўғиндаги лабланган унлиларнинг қатнашиши тусловчи аффиксга тегишли эмас, балки ўтган замон аффикси таркибида келиб, лабиал сингармонизмга амал қилинишидир.

- II шахс қўплигида *-к/қ ~ к/қ*, *-у:й ~ у:й*, *-в/вуз/вузә ~ в/вуз/вуза* аффикслари қатнашади.

-к ~ к аффикси сингармонизмни йўқотган шеваларда қўлланади: *кўрдик ~ кордък ~ кордик*, *бордик ~ бөрдък ~ бөрдик*. Тошкент шевасида шарт майлидагина қайд қилинади: *борсак ~ бөрсөк ~ бөрсөк*, *олсак ~ элсөк ~ олсөк*. Шунингдек, Тошкент шевасида *-к ~ к* аффиксини ўтган замон феълида *-з ~ з* аффикси алмаштиради ва бунда қисман фонетик ўзгариш юз беради: *бордик ~ бөрдүз ~ бөрдүз*, *келдик ~ келдүз ~ келдүз*.

-в/вуз/вузә ~ в/вуз/вуза аффикси билан шаклланган феълларнинг қўлланиши Тошкент шевасида кенгроқ: *борсак ~ бөрсөвуз(ә) ~ бөрсөвуза*. Шунини таъкидлаш керакки, бу аффикс қўшилишида сўзда сифат ўзгаришлари юз беради, яъни *-сә ~ са* аффикси таркибидаги *ә/а* унлиси о унлисига ўтади.

-к/қ ~ к/қ оппозитив вариантлари сингармонизмли шеваларнинг асосий хусусияти ҳисобланади: *келдик ~ келдък ~ келдик*, *бордик ~ бардуқ ~ бардїқ*.

-у:й ~ и:й аффикси Тошкент ва Қарши каби шеваларда истеъмолда бор:
урдик ~ урди:й ~ урди:й, билдик ~ бълд:й ~ билди:й.

- III шахс бирлигида -ң ~ з аффикси қатнашади (бу аффиксни буйруқ-истак майлидаги -ң ~ з аффикси билан қориштирмаслик керак). Унинг қўлланиш қонуниятлари II шахсдаги -м ~ м аффикси билан айнандир: олдинг ~ алдң ~ алдиз, айтсанг ~ айтсаң ~ айцаз, бердинг ~ бердъң ~ бердиз, юрсанг ~ йүрсәң ~ юрсаз. Бу шахсда Хўжанд шевасида -ң ~ з, -й ~ й аффикси қўлланади: кетаётган эдинг ~ кетвэтгән едъй ~ кетватгән едий.

- II шахс кўплигида қуйидаги аффикслари қатнашади:

-ңыз/ңыз ~ зиз/зиз аффикси аксарият шеваларда қўлланади: бордингиз ~ бардңиз ~ бардизиз, кеттингиз ~ кеттъңыз ~ кеттизиз. Шундан -ңыз ~ зиз варианты сингармонизмни йўқотган шевалардагина қўлланади. Тошкент ва Қарши шеваларида бу аффикс қўлланмайди.

-ңыз/ңыз ~ зуз/зуз, -ңыз/ңыз ~ зуз/зуз аффикслари лабиал сингармонизм амал қиладиган шеваларда қўлланади: буюрдингиз ~ буйурдуңыз ~ буюрдузуз, куттингиз ~ куттуңыз ~ куттузуз.

-йъз ~ йи:з, аффикси Тошкент ва Қарши шеваларида, -злэ ~ зла аффикси Қарши шевасида истеъмолда бор: бажардингиз ~ бәдждәрдъйъз ~ бажардийиз, бордингиз ~ бәрдъзлэ ~ бврдизла.

-йлэ ~ йла аффикси ҳам Тошкент ва Қарши шеваларига кўпроқ характерли: олдинглар ~ элдъйлэ ~ олдийла, ишладинглар ~ шиләдъйлэ ~ шиладийла

-ңлэ/ңла ~ зла/зла ўғуз лаҳжаси шеваларида қўлланади: келдинглар галдъңилэ ~ галдизла, бординглар ~ бардиңла ~ бардизла.

- III шахс кўрсаткичга эга емас.

III тип тусловчилар

Бу типдаги тусловчилар буйруқ-истак майлида қўлланади ва унинг:

- I шахс бирлигида қуйидаги аффикслар қатнашади ва истак маъносини ифодалайди:

-(ә)й/(а)й ~ (а)й/(а)й аффикси барча сингармонизмли шеваларда бор: борай ~ барай ~ барай, кетай ~ кетәй ~ кетай, қўллай ~ қоллай ~ қоллай. Кўринадики, унли билан тугаган сўзларга аффиксинг -й ~ й варианты қўшилади. Бу шакл шимолий ўзбек қарлуқ шеваларида қайд қилинмайди.

-*ъй* ~ *ий* аффикси сингармонизмни йўқотган шеваларда қўлланади: *ишлай* ~ *ъшлъй* ~ *ишлай*, *кетай* ~ *кетъй* ~ *кетий*, *сўрай* ~ *соръй* ~ *сорий*. Бунда унли билан тугаган сўзлардаги *ә* унлиси *ъ* унлисига ўзгаради. Бу аффиксининг шимолий ўзбек қарлуқ шеваларида сингармонистик варианты бор: *борай* ~ *барий* ~ *барйй*, *ўйлай* ~ *ойлай* ~ *ойлай*, *кўрай* ~ *көръй* ~ *кўрай*.

-*ъйън/йн* ~ *ийин/ййин* аффикси Хоразм ва шимолий ўзбек шеваларида учрайди: *олиб борайин* ~ *аппарйин* ~ *аппарййин*, *олиб келайин* ~ *эkkalъйън* ~ *аккалийин*. Унинг қисқарган шакли ҳам бор: *аппары:н* ~ *аппарі:н*, *эkkalи:н* ~ *аккали:н*.

- I шахс кўплигида қуйидаги аффикслар қатнашади ва улар ҳам истак маъносини ифодалайди:

-*әйнй* ~ *айну*, *-ъйлий* ~ *ийлу*, *-әйнук* ~ *айнук* аффикслари сингармонизмни йўқотган шеваларда қўлланади: *ишлайлик* ~ *ъшләйну* ~ *ишлайну* (Наманган), *әлъйлий* ~ *олийлу* (Тошкент), *бәрәйнук* ~ *борайнук* (Наманган, Хўжанд)

-*әйлък/айлқ* ~ *айлик/айлқ* аффикси аксарият сингармонизмли шеваларда талаффузда мавжуд: *тушайлик* ~ *чүшәйлък* ~ *чушайлик*, *қарайлик* ~ *қарайлик* ~ *қарайлқ*. Бу аффиксининг *-әйлък* ~ *айлик* варианты сингармонизмни йўқатган шеваларгагина хос: *қўллайлик* ~ *қоллайлък* ~ *қоллайлик*.

-*әйък/айқ* ~ *айлик/айқ* аффикси қипчоқ лаҳжаси шевалари учун характерлидир: *айтайлик* ~ *әйтәйък* ~ *айтайик*, *борайлик* ~ *бараййқ*.

-*и:йк/ы:йқ* ~ *і:ук/і:уқ* аффикси шимолий ўзбек шеваларида учрайди: *кўрайлик* ~ *көри:йик* ~ *кури:йк*, *қолайлик* ~ *қалы:ийқ* ~ *қалі:йқ*.

-*әлъ/ал* ~ *али/алі* аффикси Хоразм шеваларида қўлланади: *борайлик* ~ *барал* ~ *баралі*, *кетайлик* ~ *гътәлъ* ~ *гитали*.

- II шахс бирлигида аффикс қатнашмайди. Бу шахсда иштирок этадиган *-гън / кън / гн / қн* ~ *гін / кін / рін / қін* аффикслари буйруқни кучайтириш ёки кучсизлантириш учун қўлланади.

- II шахс кўплигида *-(ъ)ң / ()ң / (ъ)ңлар / ()ңлар/(ъ)ңълар / ()ңлар/* ~ *(i)з / (i)з / (i)злар / (i)злар / (i)зизлар / (i)зизлар* аффикслари аксарият шеваларда қўлланади: *борингизлар* ~ *барңз(с)лар* ~ *барізіз(с)лар*, *келинглар* ~ *келъңлар* ~ *келизлар*, *қаранглар* ~ *қараңлар* ~ *қаразлар* (қипчоқ). *-(ъ)ң/()ң* ~ *(i)з/(i)з* варианты адабий тилдаги сингари бирликнинг ҳурмат шакли сифатида қўлланади.

-*йла* ~ *йла* аффикси Тошкент, Қарши каби шеваларда қайд қилинади: келинглр ~ *кельйла* ~ *келийла*, олиб боринглр ~ *эбэрйла* ~ *оборийла*.

-(*ъ*)*ңла*/*()**ңла* ~ (*и*)*зңла*/*(і)**знгла* аффикслари Хоразм, Қоракўл ва Олот шеваларига хосдир: англанглр (тушунинглр) ~ *аңлаңла* ~ *азлазла*, кўринглр ~ *гөръңла* ~ *гўризла*.

- III шахсда -*сьн* / *сн* ~ *син* / *сін*, -*сун* ~ *сун*, -*сь* / *с* ~ *си* / *сї*. -*сй* / *сү* ~ *су* / *с* аффикслари иштирок этади.

- *сьн* ~ *син* аффикси барча шеваларда қўлланади. - *сьн* / *сн* ~ *син* / *сін* вариантлари сингармонизмли шеваларда фаол қўлланади: эшитсин ~ *ьшьтсьн* ~ *ишицин* (Тошкент), қайтсин ~ *кайтсн* ~ *қайтсін* (қипчок).

-*сйн* ~ *сун* варианты Наманган шевасида қайд қилинади: корсин ~ *корсун* ~ *корсун*, билсин ~ *билсун* ~ *билсун*.

-*сь/с/сй/сй* ~ *си/сї/су/с* вариантлари Иқон, Қорабулоқ шеваларида учрайди: борсин ~ *барсу* ~ *барсї*, ишласин ~ *и:шлэсь* ~ *и:шласи*, кўрсин ~ *көрсү* ~ *курсү*, кўйсин ~ *қойсу* ~ *қойсу*.

-*гэр/тэг/лэг* ~ *даг/таг/лаг* аффикси Тожикистондаги қарлуқ шеваларида учрайди: ишласин ~ *ьшлэдэг* ~ *ишладаг*, пиширсин ~ *бишэртэг* ~ *би:шартаг*, олсин ~ *эллэг* ~ *оллаг*. Бу аффикс бошқа шеваларда қайд қилинмади, лекин Алишер Навоий ва Ҳусайнийлар ўз асарларида бу майлнинг III шахсида -*дик* аффиксини ишлатган. Алишер Навоийда:

Телба кўнглунгни, Навоий, забт айлай олмадинг.

Эмди чек андин илик ҳар сори борса бордик байтидаги борса бордик ибораси борса борсин деб тушунилган.

Феълнинг функционал формалари

Сифатдош шакллари:

- *р/ар/эр* ~ *р/ар/ар* аффикси. Бу аффиксининг бўлишсиз шаклида -*с* кўшимчаси қатнашади: Кўрар - кўрмасдан гәпира берма ~ *Көрэр* - *көрмәстән гәпәрә:әпмә* ~ *Курар* *көрмастан гапира:арма*. (Андижон) Шеваларда сифатдошнинг -*ур/үр* ~ *ур/р* варианты қайд қилинмайди. Фақат адабий тил қолипидаги матнларда қўлланиши мумкин: Қалдирғоч қора болур, Қаноти ола

болур ~ Қалдирғаш қара болур, канату ала болур ~ Қалдїрраш қара болур, Қанатї ала болїр (Шим. ўз. шев.).

-мъш/миш/мүш/муш ~ миш/мїш/муш/муш аффикси. Сингармонизмни йўқотган шеваларда фақат -мъш/муш ~ миш/муш варианты қўлланади: боргәнмиш ~ бѳргәммуш ~ бѳргаммуш (Тошкент), айтганмиш ~ айтгәнъмуш ~ айтганмуш (Фарғона).

-гән / кән / ган / қан ~ ган / кан / ран / қан аффикси. Сингармонизмни йўқотган шеваларда фақат -гән / кән ~ ган / кан варианты қўлланади: қўйган ~ қойгән ~ қойган, топган ~ тѳпкән ~ топкан (Тошкент).

Бу аффикс сўнгидаги "н" ундоши айрим шеваларда регрессив ассимиляцияга учраши мумкин: келганларга қаранглар ~ кегәлләргә қарайләр ~ кегалларга қарайлар (Андижон).

-ән/ан ~ ан/ан аффикси. Ўғуз лаҳжасига оид шеваларда учрайди: бораётган ~ баратган ~ баратїган, келган ~ гәлән ~ галан.

-догон ~ догон аффикси. Бу аффикс шимолий ўзбек шеваларида учрайди ва у бир вариантлидир: борадиган ~ барадогон ~ барадогон, келадиган ~ кәләдогон ~ каладогон.

-джақ/джәк ~ жақ/жәк аффикси: олади ~ аладжақ ~ алажақ, кетади ~ гътажәк ~ гътжәк (Хоразм).

-ас/әсъ ~ асї/аси аффикси: боргим келди ~ барасим гәлдъ ~ барасїм галди, ичгим келди ~ и:чәсъм гәлдъ ~ и:часим галди (Хоразм).

-әчъ ~ ачи аффикси: бораётган эдим ~ бѳрәчи:дъм ~ борачи:дим (Қуйи Қашқадарё).

-гучъ ~ гучи аффикси Хўжанд шевасида қайд қилинади ва бу аффиксдаги ъ/и унлиси лаб гармониясига учрайди: борадиган эдим / эдинг / эди ~ бѳргучудум / бѳргучудуң / бѳргучудъ ~ боргучудум / бѳргучудуз, бѳргучуди. Фақат III шахсдагина бу унли лабланмайди.

Равишдош шакллари:

-ә/а/й ~ а/а/й аффикси. Бу аффикс варианты барча сингармонизмли шеваларда қўлланишда бор. Сингармонизмни йўқотган шеваларда фақат -ә/й ~ а/й варианты қўлланади: кетә бердъ ~ кетә вурдъ ~ кетг вурди (Марғилон), ойнай-ойнай ~ ойнай-ойнай ~ ойнай-ойнай, бора-бора ~ бара-бара ~ бара-бара (қипчоқ). Хоразм шеваларида унинг бўлишсиз шаклида яна -ън/н ~ ин/їн

аффикси қўлланади ва бу аффикс таркибидаги а/э/а унлилари ъ/ ~ і/ї унлиларига ўзгаради: кўрмай кетди ~ *гөрмъйън гъттъ* ~ *гўрмийин гитті*, олмай кетти ~ *алмайин гъттъ* ~ *алміййн гитті*.

-*n/ъn/n* ~ *n/ин/ін* аффикси. Бу аффиксининг жарангсиз ундош билан тугаган вариантлари барча шевалар учун хосдир: ишлаб ~ *ьшлэп* ~ *ишлап*, олиб ~ *алип* ~ *алип* (Андижон), лекин қипчоқ шеваларида бир қатор позицияларда жаранглашган вариант ҳам қўлланади: бориб эди ~ *барб эдъ* ~ *баріб эди*, келиб эди ~ *кельб эдъ* ~ *келиб эди*.

-*үб/уб/үн/ун* ~ *б/уб/п/уп* аффикси. Шеваларда бу аффикс вариантлари қўлланмайди, лекин адабийлашган айрим шеърӣй (фолклор) матнларда қайд қилиниши мумкин.

-*гәнъ / кәнъ* ~ *гани / кани* аффикси. Бу аффикс фақат сингармонизмни йўқотган шеваларда қайд қилинади: боргани ~ *бэргәнъ* ~ *боргани*, эшитгани ~ *эшьткәнъ* ~ *эшиткани*.

-*гънчэ / кънчэ / гнча / қнча* ~ *гинча / кинча / рінча / қінча* аффикси: юргунча ~ *йүргънчэ* ~ *йиргинча*, баргунча ~ *баргнча* ~ *баррінча*. Мен бормагунча, сен келма, куйиб-ёниб юргунча ~ *Мэн бармагунча сэн гэлмэ, күйъп-йанп йүргънчэ* ~ *Ман бармарінча сан галма, куйип-жаніп йиргинча* (ўғуз). Адабий тилда бу шаклда биринчи бўғинда у(у) унлиси қўлланади.

Бу аффиксининг шимолий ўзбек шеваларида -*гъчи:* / *къчи:* / *гчы:* / *қчы:* ~ *гичи:* / *кичи:* / *рїчі:* / *қїчі:* вариантлари қайд қилинади: кўргунча ~ *көргъчи:* ~ *кургичи:*, айтгунча ~ *эйткъчи:* ~ *айткичи:*, боргунча ~ *баргучы:* ~ *баргїчі:*, отгунча ~ *атқучы:* ~ *атқїчі:*.

-*и:* ~ *і:* аффикси. Ўғуз лаҳжаси шеваларида қўлланади. Адабий тилдаги -*а* равишдош аффикси маъносига мос келади: юради ~ *йүри:дъ* ~ *юри:ди*. Лекин *йүри:дъ эдъ* ~ *юри:ди ади* шаклидаги феъл адабий тилдаги юрар эди шаклига эквивалент бўлади.

Адабий тилдаги -*гач / кач / қач* аффиксининг вариантлари шеваларда учрамайди.

Ҳаракат номи шакллари. Унда қуйидаги аффикслар қатнашади:

- *мэк / мақ* ~ *мак / мақ* аффикси ўғуз лаҳжаси учун характерлидир: ойнамоқ ~ *ойнамақ* ~ *ойнамақ*, кетмоқ ~ *гътмэк* ~ *гитмак*.

-ш / ъш / ш / уш / уш ~ уш / иш / иш / ш / уш қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг хусусиятидир: билиш ~ бълъш ~ билиш, йиғиш ~ йиғиш ~ йиғиш, ўриш ~ оруш ~ оруш, кўриш ~ көрүш ~ куриш. Сингармонизмни йўқатган шеваларда ш / ъш ~ ш / иш вариантларигина қўлланади.

-в / ув / үв ~ в / ув / в аффикслари қипчоқ лаҳжаси учун характерлидир: билув ~ бълүв ~ билв, эшитув ~ эшътүв ~ эшитв, қолув ~ қалув ~ қалув.

Шуни айтиш лозимки, ҳаракат номининг ҳар учала варианты адабий тилга жузъий таҳрир билан қабул қилинган ва адабий тилнинг таъсири натижасида бу аффикслар шеваларда аралаш қўлланмоқда.

Феъл замонларидаги айрим ўзига хос хусусиятлар

Маълумки, шаклланган феъллар равишдош ҳамда сифатдош аффикслари ва тусловчи аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Феълларда тусловчи аффикслардан олдин қўлланадиган замон кўрсаткичлари шеваларда турлича бўлади. Шу билан биргаликда, бу аффикслар қўшилганда, турли фонетик ўзгаришлар юз беради ва бу ҳолат шеванинг адабий тилдан баъзан кучли фарқланишига олиб келади.

Ўтган замон шакли тусланиши.

Ёпмоқ феъли: *джапқамман* ~ *жапқамман*, *джапқансан* ~ *жапқансан*, *джапқан* ~ *жапқан*; *джапқаммус* ~ *жапқаммис*, *джапқансус* ~ *жапқансис*, *джапқан* ~ *жапқан*.

Бўлишсиз шакли: *джаппагамман* ~ *жаппагамман*, *джаппагансан* ~ *жаппагансан*, *джаппаган* ~ *жаппаган*; *джаппагаммис* ~ *жаппараммис*, *джаппагансис* ~ *жаппарансис*, *джаппаган* ~ *жаппаган* (қипчоқ).

Бормоқ феъли: *бэргамман* ~ *бвргамман*, *бэргэнсэн* ~ *бвргансан*, *бэргэн* ~ *бврган*, *бэргэнвуз* ~ *бврганвуз*, *бэргэнсълэ* ~ *бвргансила*, *бэръишгэн* ~ *бвришиган* (Тошкент).

Фонетик-морфологик ўзига хосликлар, айниқса, мураккаб ўтган замон феълларида ёркинроқ кўринади:

Қипчоқ лаҳжаси шеваларида: *кельведъм* ~ *келиведим*, *кельведъң* ~ *келиведиз*, *кельведъ* ~ *келиведи*; *кельведък* // *кеведък* ~ *келиведик* // *кеведик*, *кельведъңъз* ~ *келиведизиз*, *кельведъ* // *келведъ* ~ *келиведи* // *келведи*; *барвэдъм* ~ *барівадим*, *барвэдъң* ~ *барівадиз*, *барвэдъ* ~ *барівгди*; *барвэдък* ~ *барівадик*,

барвэдъңыз ~ барївадизиз, барвэдъңлә ~ барївадизла, барвэдълә ~ барївадила (Хоразм);

Тошкент гуруҳ шеваларида: *бэрувдъм ~ бэрувдим, бэрувдъң ~ бэрувдиз, бэрувдъ ~ бэрувди; бэрувдъй ~ бэрувдий, бэрувдъ:з ~ бэрувди:з, бэрувдъйлә ~ бэрувдйла, бэръшувдъ ~ бэрирувди* (Тошкент). Қарши-Бухоро гуруҳ шеваларида -р/эр сифатдош аффикслари феъл шаклларида -й/й аффикси билан алмашади ва адабий тилдаги *борар эди* сўз шакли *бэрэйъдъм ~ бэрайидим, бэрэйъдъң ~ бэрайидиз, бэрэйъдъ ~ бэрайиди; бэрэйъдък ~ бэрайидик, бэрэйъдъңызлә ~ бэрайидизизла, бэрэйъдъ ~ бэрайиди* тарзида тусланишга эга бўлади. Ҳозирги замон феълларида туслувчи аффиксдан олдин қўлланадиган замон кўрсаткичлари шеваларда турлича бўлади. Тошкент шевасида -вот ~ ввт аффиксидаги кейинги т/т ундоши регрессив ассимиляцияга учрайди: *бэрвэмман ~ бэрвмман, бэрвэссән ~ бэрввссан, бэрвэттъ ~ бэрввтти, бэрвэммъз(э) ~ бэрвммиз(а), бэрвэссълә ~ бэрввссила, бэръшвэттъ ~ бэрирватти*. Бухоро шеваларида -эн ~ ен аффиксидаги п ундоши ҳам регрессив ассимиляцияга учрайди: *бэрэмман ~ бэрвммдн, бэрэпсэн ~ бэрвпсан, бэрэптъ ~ бэрвпти, бэрэммъз ~ бэрвммиз, бэрэпсъз ~ бэрвпсиз, бэрэптълә ~ бэрвптила*. Қипчоқ шеваларидаги -джатир ~ жатір, -ватир ~ ватір, Хоразм шеваларидаги -йатр ~ жатір аффиксларининг сингармонистик вариантлари йўқ: *барайатрман ~ баражатірман, келәджатрман ~ келәжатірман* (қипчоқ), *гәйатрман ~ гажатірман, барйатрман ~ баржатірман* (Хоразм) ва ҳк. Қорабулоқ шевасида бу шаклда -айт // әйт ~ айт / айт аффикси қўлланади: *боряпман ~ барайтма ~ барайтма, боряпсан ~ барайтса ~ барайтса, боряпти ~ барайт ~ баражтти, айтяпман ~ эйтаяпман ~ е:йдажтма, айтяпсан ~ е:дәйтсә ~ э:йдәжтса, айтяпти ~ э:дәйттъ ~ э:дажтти*. Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида -мәль / мал ~ мгли / малі аффикси заруриятлик феъллини ҳосил қилган: *бориш керак ~ бармал ~ бармалі, ичиш керак ~ и:чмәль ~ и:чмали*. Бу шаклдан яна бошқа шакллар ҳосил қилинади: *айтиш керак эди ~ айтмала ~ айтмаліді, ичиш керак эди ~ и:чмәльдъ ~ ичмалиди, бормаслик керак ~ бармалмас ~ бармалімас, ичмаслик керак ~ и:чмәльмәс ~ ичмалимас*.

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: НАВРЎЗ, 2016.
2. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 .
3. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.

4.Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 2004. – Б. 112.1.

5.Еназаров Т., Каримжонова В. А., Ерназарова М.С., Маҳмадиев Ш. С., Рихсиева К. Г ʼб. 6.Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.

Internet сайтлари

- 1.[www.turk дили.google com.tr](http://www.turk.dili.google.com.tr)
- 2.http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
- 4.ҳтп://www.uni-leipzig.de/~fсгеп/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф
- 5.www.dersimiz.com
- 6.www.altinmiras.com
- 7.www.thinsan.com

Шеваларда сўз ясашиши

Режа:

1. Сўз ясашиши тушунчаси.
- 2.Ўзбек шеваларида сўз ясашиши масаласи.
3. Сўз яшаш даврийлиги ва сўз яшаш усуллари.
4. Ўзбек шеваларида мустақил сўз туркумларида сўз ясашиши.

Таянч сўз ва тушунчалар: сўз яшаш, сўз яшаш муаммоси, сўз яшаш усуллари, сўз яшашнинг даврийлиги, шевалар морфологиясида сўз яшаш масаласи, шеваларда сўз ясашишини ажралиб туриши, шеваларда сўз ясашишининг индивидуал қўшимчалари.

Сўзлар қўшимчалар орқали ёки сўзларнинг ўзаро қўшилиши орқали ясалади. Сўз ясашишининг даврийлиги деганда диахрон ва синхроник ҳолатда сўз ясашиши масаласи тушунилади. Сўз диахрон ясашиши юзасидан проф. А.Гуломов катта ишларни амалга оширган. Синхрон сўз ясашиши юзасидан эса академик А.Ҳожиевнинг ишлари диққатга сазовордир. Сўз ясашишида ҳам ўзига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Ўзбек адабий тилидаги сўз ясовчи аффикслар шеваларда ранг-баранг фонетик вариантларда учрайди. Шеваларда сўз ясашиши юзасидан К.Шарипова тадқиқот ишларини олиб борган. У

шеваларда –чи қўшимчаси ёрдамида сўз ясаши имкониятлари тўғрисида кизиқарли фактларни аниқлай олган. Шу билан бирга шеваларнинг бевосита ўзига хос ясовчи аффикслари ҳам мавжуд. Қуйида улардан баъзи бирларидан намуналар келтирамиз:

-*әк* ~ *гк* аффикси феълдан сифат ясайди: сузағон сигир ~ *сүзәк сигир* ~ *сузак сiгiр*, тепағон от ~ *дәпәк ат* ~ *дапак ат* (Хоразм).

-*әкь* ~ *аки* аффикси отдан равиш ясайди, унинг сингармонитик варианты йўқ: ташқаридан ~ *сиртәкь* ~ *сiртәкь*: ташқаридан эшитдим ~ *сртәкь эшиттiм* ~ *сiртәкь эшиттим*, ёддан ~ *йадәкь* ~ *жадаки*: ёддан ўқиди ~ *йадәкь оқиди* ~ *жадаки оқидi* (Шимол. ўзб. ш.).

-*ал* / *әл* ~ *ал* / *ал* аффикси сифатдан феъл ясайди: сарғай ~ *сарал* ~ *сарал*, озай ~ *азал* ~ *азал*, кўпай ~ *кәпәл* ~ *кўпал* (Хоразм).

-*(а)доң* ~ *(а)доз* аффикси отдан равиш ясайди, унинг сингармонистик варианты йўқ: оқшомгача (тунгача) ~ *ахшамодоң* ~ *ахъамадон*, кечгача ~ *гечодоң* ~ *гечадон* (Хоразм).

-*ләк* / *лақ* ~ *лак/лақ* аффикси сифатдан равиш ясайди: чапалак ошиқ ~ *чәпләк а:шiқ* ~ *чаплак а:чiқ*, ўналақ ошиқ ~ *оңлақ а:шiқ* ~ *онлақ а:шiқ* (Хоразм).

-*чъл* / *чл* ~ *чил* / *чил* аффикси отдан сифат ясайди: маҳмадона ~ *сөзчъл* ~ *сiзчил*, уйқичи ~ *уйхчил* ~ *уйхiчил* (Шим.ўзб. ш.)

-*сә* / *са* ~ *са* / *са* аффикси Туркистон, Қорақалпоғғистон ўзбек шеваларида отдан от ясайди: *йеңсә* ~ *женса* (нон ёпишда қўлга кийилади), *йапса* ~ *жапса* (бир йўла ёпиладиган нонлар тўдаси), *мойинса* ~ *мойiнса* (аравага қўшиш учун отнинг бўйнига солинадиган асбоб, бўйинтуруқ)

-*сәк* / *сақ* ~ *сак* / *сақ* аффикси ясама отдан сифат ясайди: ётағон *йатмсақ* ~ *жатiмсақ*, юрағон ~ *йүрүмсәк* ~ *жиримсак*. *Қари йатмсақ*, *йаиш йүрүмсәк кәләдъ* ~ *Қарi жатiмсақ*, *йаиш жермсгк кггди*. Адабий тилда бу аффикс *қурумсоқ* сўзида қайд қилинади.

-*чъләп* / *члап* ~ *чилгп* / *чиләп* аффикси отдан равиш ясайди: эркакларча ~ *әркәкчъләп* ~ *әркгкчилгп*, хотинларча ~ *хатнчалап* ~ *хатiнчиләп* (Хоразм).

-*шә* / *ша* ~ *шг* / *ша* аффикси: тенглаштир ~ *теңшә* ~ *тенша*, қақша ~ *қәхша* ~ *қәхша*, қурша ~ *қурша* ~ *қурша*, қуруқлаштир ~ *қурухша* ~ *қурухша*, қулок сол ~ *тиңша* ~ *тiнша* (Андижон).

Бир қатор камунум аффикслар ҳам қайд қилинади:

-мәк ~ мҗк аффикси сифатдан от ясайди: кўкат ~ кокмәк ~ кокмҗк (Андижон, Фарғона).

-шуг ~ шуг аффикси отдан сифат ясайди: ёпишқоқ ~ йельмишуг ~ желимишуг (Тошкент).

Хоразм шеваларида баъзи ўринларда чиқиш келишиги аффикси сўз ясаш функциясини бажарган: боладек бўлди ~ *баладун* болду ~ *баладін* болді, боламдек бўлди ~ *баламнун* болду ~ *баламнін* болді, отдек юрибди ~ *аттун* йуръпть ~ *аттің* жрипти.

Шеваларда шундай мисоллар учрайдики, ясашишдаги ҳар иккала қисм адабий тилда мавжуд, лекин адабий тилдаги бир сўз ясовчи аффикс ўрнида иккинчи бир сўз ясовчи танланади: *дамизиқи* (Хоразм) – адабий тилда *томизғи*, *қамишлиқ* (шим. ўзб. шев.) – адабий тилда *қамишзор*.

Саволлар:

1. Ўзбек шеваларидаги морфологик ўзига хос хусусиятлар қайси туркум ва категорияларда намоён бўлади?
2. Кўплик аффиксининг адабий тилдан фарқ қиладиган ўринларини айтиб бера оласизми?
3. Эгалик аффиксларидаги адабий тилдан фарқ қиладиган ўринларни айтиб бера оласизми?
4. Турловчи аффиксларнинг қўлланиш хусусиятларини айтиб бера оласизми?
5. Қайси шевалар беш келишикли, қайсилари тўрт келишикли?
6. Шевалардаги тусловчи аффиксларнинг типларини айтиб бера оласизми?
7. Сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи шаклларининг ҳосил қилинишини изоҳлаб беринг.
8. Ўз шевангизга хос сўз ясовчи аффиксларни айтиб бера оласизми?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Наврўз, 2016.
2. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996 .

3. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.
4. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 2004. – Б. 112.
5. Эназаров Т., Каримжонова В. А., Эрназарова М.С., Махмадиев Ш. С., Рихсиева К. Ф. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.
6. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент. Фан, 1997.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mrg
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fscgcr/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>
5. www.dersimiz.com
6. www.altinmiras.com
7. www.thinsan.com

Тест

2. Шевалардаги ҳозирги замон давом феъли ҳосил қилувчи аффикслар қаторини топинг.
А) - дък, - дқ; С) - асан, - аджақ; Б) - ал, - эсь; Д) - эп, - вэт
3. Ҳозирги замон давом феълининг –джатир билан ясаши қайси лаҳжага хос?
А) Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси; С) ўғуз лаҳжаси; Б) Қипчоқ лаҳжаси; Д) Тўғри жавоб йўқ.
4. Қайси замон шаклларида -ади, -ар услубий бетараф шакллар ҳисобланади?

А) ҳозирги замон; С) келаси замон; Б) ўткан замон; Д) ҳозирги ўткан замон.

5. Келаси замон формасининг –джақ//–джэк аффикси билан қўлланилиши қайси лаҳжага хос?

А) Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси; С) ўғуз лаҳжаси; Б) Қипчоқ лаҳжаси; Д) Тўғри жавоб йўқ.

6. Ўткан замоннинг бўлишсизлик шакли берилган қаторни топинг.

А) *джаппагамман//джаппагансан//джаппаган*

Б) *джаппагаммс//джаппагансс//джаппаган*

С) *келайатър// келайәтър// келайәтър*

Д) А ва Б жавоблар тўғри

7. Келаси замон сифатдошининг -тған билан ясалиши қайси лаҳжага хос?

А) Шимолий ўзбек; С) ўғуз лаҳжаси; Б) найман лаҳжаси; Д) қипчоқ лаҳжаси

8. Қайси қатордаги қўшимчалар ўтган замон феълени ифодалайди?

А) –р//ур//йр//ар//эр; С) –йәткән//доғон; Б) –гән//кән//ған//қан//ан//ән; Д) аджақ//әджэк.

9. Айзада йенә ойнап, амасн ймаг. Юқоридаги гапда қайси замон ифодаланган?

А) ҳозирги замон; С) келаси замон; Б) ўтган замон; Д) тўғри жавоб йўқ

10. Азап мнен турдқта, ахтам Самарқа:ттап кәгәп жорам мнәп чай ьчп боп машинг ға отрдқ. Берилган гапда нечта феъл иштирок етган?

А) 5 Б) 2 С) 3 Д) 4

11. Тошкент шеvasида ҳозирги замон феълени ифодаловчи аффиксни топинг.

А) -айт / әйт; С) –вәт; Б) -ятр; Д) -ватр

12. Феъл замонларини ҳосил қилувчи воситалар қайси қаторда тўғри берилган?

А) сифатдош;_С) тусловчи аффикслар; Б) равишдош; Д) А, С жавоблар тўғри

13. Феълнинг ҳаракат номи шакли қайси замонни ифодалайди?

А) ҳозирги замон; С) ўтган замон; Б) келаси замон; Д) ҳеч қандай замонни ифодаламайди

14. Ҳозирги замонни ифодаловчи аффиксни кўрсатинг.

А) -ар//аг; С) -йзткәп;_Б) -ан//ән; Д) -гән//кәп

15. Хоразм шеvasида ҳозирги замонни ифодаловчи аффиксни топинг.

А) -зр; С) -ятр;_Б) -джатр; Д) -айт / эйт.

16. Қайси гапда ўтган замонни ифодалаган феъл берилган?

А) зйапатта шәтрәнч ойнайдла

Б) У вәхт галла мнен куннузгә йуруш қыйын;

С) Қой, йуравур, шн бомәсн; Д) Барча жавоб тўғри.

17. Бъзә енн шу уруғләдән ургп қзган-дә. Гапда қайси замондаги феъл иштирок етган?

А) ҳозирги замон; С) келаси замон; Б) ўтган замон ; Д) тўғри жавоб йўқ

18. Хоразм диалектига хос ўтган замон феъл тусланишини аниқланг.

А) к е л в е д ъ С) б а р й э д ъ м ; Б) в з р й в д ъ м: Д) б з р ш й в д ъ

19. Фонетик ўзгаришлар кўпроқ қайси замон феълларида рўй беради?

А) келаси замон; С) ўтган замон ; Б) ҳозирги замон; Д) барча жавоблар тўғри.

20. Тошкент диалектига хос ҳозирги замон феъл тусланишини топинг.

А) б з р з т т м ; С) б з р й т т ъ т ә н; Б) б з р л м м ә н; Д) б з в з м м ә

Режа:

1. Сўзлашув нутқининг мукамал ўрганилмаганлиги.
2. Диалектал нутққа хос хусусиятлар.
3. Ўзбек шевалари синтаксисининг ўрганилиши.
4. Шеваларда эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳолнинг проф. Ф.Абдуллаев томонидан тадқиқ қилиниши.
5. Ю.Жуманазаров томонидан Хоразм шеваларидаги содда, қўшма гапларнинг тадқиқи.
6. Шеваларда қўшма гапларнинг қўлланилиши.

Таянч сўз ва тушунчалар: Фикр олишув. Илмий услуб. Бадиий услуб. Ўзаро сўзлашув услуби. Маҳаллий ҳудудлар. Диалектал нутқ. Предикативлик (кесимлилик) қўшимчаси. Кесимнинг ифодаланиши. Эганинг ифодаланиши. Аниқловчининг ифодаланиши. Тўлдирувчи ҳамда ҳолнинг ифодаланиши. Сўз тартиби. Адабий тил. Лингвистик-структурал соҳа. Синтактик синонимия. Диалектал гап.

Тил одамлар орасида фикр олишув воситаси бўлса, нутқ эса шу фикр олишув воситасининг рўёбга чиқиш ва тил материалларидан фойдаланиш жараёнидир. Фикр олишув эса нутқнинг илмий, бадиий ва ўзаро сўзлашув услублари орқали воқе бўлади. Ўзаро сўзлашув нутқининг адабий услуби ва маҳаллий ҳудудларга хос формалари мавжуд. Ўзбек тилшунослигида маҳаллий ҳудудлардаги аҳоли нутқининг фонетик, морфологик ва лексик томонлари озми-кўпми текширилган. Аммо сўзлашув нутқининг маҳаллий шароитга хос бўлган формалари билан адабий оғзаки формасининг ўзаро алоқаси, улар орасидаги фарқлар атрофлича ўрганилмаган. Бу масала рус тилшунослигида академик В.В.Виноградов томонидан ўрганилган: нутқнинг оғзаки формаси ўзига хос услубга эга бўлишини қайд қилганида рус тилининг ўзаро сўзлашув формасини еътиборга олган (В.В.Виноградив. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. М.: "Наука". 1963, 18-19-б.) Бу нарса ўзбек тилига ҳам бевосита алоқадордир. Диалектал нутқда маҳаллий одамларга хос пауза, интонация, турли ифода воситалари ҳамда ундан маҳаллий одамларнинг тушунишига оид бўлган доирага тақлид қилиш ҳам намоён бўлади. Унда савол берилади, жавоб олинади, ортиқча реплика бўлмайди, ўрнига қараб реплика, пауза, давра ҳам шароитга мослашиб қисқа бўлади.

Унда ўзига хоса эмоционаллик, гап бўлакларининг урғу ва пауза билан ажралиб туриш ҳолатлари, бўғин ва тактларни алоҳида ифода қилишдан ташқари, бирикма, фраза, содда гап ва қўшма гапларни ажратиб айтиш ҳоллари ҳам мавжуд. Чунки тил фаолияти тил материали ва тизими билан диалектал боғлиқдир. Диалектал нутқда махсус тайёргарлик бўлмайди, нутқ бунда диалогга асослангани учун сўзловчи маълум эркинликка асосланиб гапиради. Нутқ тўлиқсиз гап формасида тарихий равишда намоён бўлади, унда ифодалалилик, экспрессивлик, интонацион тугаллик мавжуд бўлади. Диалектал нутқнинг намуналарини ўрганиш орқали ўзбек шевалари ва диалектақларининг синтактик хусусиятларини ёритиб бериш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда шева ва диалектларнинг синтактик ҳолатларини ўрганиш ҳам жуда катта илмий амалий аҳамиятга эга. Мавжуд монографик тавсиф ва тадқиқотларда синтаксис қисмининг бўлмаслиги, биринчидан, ушбу соҳа традиция ҳолатида ўрганилмаганлиги билан, иккинчидан, синтактик таҳлилнинг ниҳоят даражада қийинлиги изоҳланади. Шева ва диалектларнинг синтактик хусусиятлари ҳар хил жанрдаги жонли нутқларни узоқ муддатли кузатиш натижасида тўпланган фактик материаллар асосида ёритиб берилиши керак. Ўзбек шеваларининг синтактик хусусиятларини, албатта, ажратиб олинган маълум бир ҳудуд доирасида М.Мирзаев, Ф.Абдуллаев, Ю.Жуманазаров, А.Алиев, Б.Ўринбоев, М.Туропова, Х.Жўраевлар ўзларининг илмий тадқиқотларида ўрганишга ҳаракат қилишган. Гап бўлақлари шевалараро ҳар хил кўринишга эга бўлади. Бухоро гуруҳ шеваларда гапнинг кесими сифатдош билан ифодаланса, эга билан шахс-сонда мослашмайди, бунда сифатдош предикативлик (кесимлилик) қўшимчасига эга бўлмайди: Ман келган, ишлаган; Сан келган, ишлаган. ҳолати ёритилса, Ф.Абдуллаев томонидан кесимнинг 8 хил ҳолатда ифодаланиши кўрсатилади (кесимнинг 8 хил ҳолатда ифодаланиши кўрсатилади):

1. Феъл кесим бўлади: *Иа:ра айтўн, ое грсн.* (Кўшиқ)
2. Йўқ, бар сўзлари кесим бўлиб келади: *Манда ба:, санда йўқ.*
3. Сифат кесим бўлади: *Бақырақ ден болгани яхиъ, бақыгыб дурганъ хуннанам йәхиъ.*
4. Олмош кесим бўлади: *Гелятьрган ярнъ уз, я:дъндәкан бәрген соз.*
5. Сон кесим бўлади: *Иккъ омбеш - бър оттз* (мақол).
6. Инфинитив кесим бўлади: *Махсатим оқымақ.*
7. Иш оти кесим: *Бир герйән билиш, икки гергән - данъи.*

8. Равиш кесим бўлади: *Дейхан дейханнан беш гун соң.*

Эга 7 хил ҳолатда ифодаланади:

1. От: *Мейман гирар ешиктан, де:лат гирар дешъктан.*
2. Сифат: *Йәхшъ тәпъв соллар, йәман кәпън соллар.*
3. Сон: *иккъ йәхшъ, ь иккъдән уч йәхшъ.*
4. Олмош: *Сән солләдин, мән чушиндим.*
5. Сифатдош: *оқыган озәр, оқымәгән тозәр.*
6. Инфинитив: *Қош қошмәк - бәрмақ - келмәк.*
7. Иш оти (ҳаракат оти): *эр хатъннъ уръшъ - декенен куръшъ.*

Аниқловчи 5 хил кўринишда ифодаланади:

1. От: *Ша:йъ гейнек елплайди юргендә.*
2. Сифат: *А:к кук кәйда яйлур та:гъ олмаса, Қъзъл гул қайда ачълур ба:қ олмаса.*
3. Сон: *Ба:зара барсаң, ўз, ёло ьң, ўз волгай, уч-доққыз алмага қойның, ўз долгай.*
4. Олмош: *Ху учактен бу учеке бақаман, Қумръ қуштъйн қанатъмнъ қақаман.*
5. Сифатдош: *Чәмәдә сәйрәгн булбул, чәман гулн хәзән етмә.*

Тўлдирувчи

1. От: *Агзына қарап соллә, геззң н я:гъ басъпт. оә.*
2. Сифат: *Уллънъ хормет эт, кичичини иззәт.*
3. Сон: *Копни гордим, бирни со:дм, я:ръ ба:рън билмадим (Кўшиқ).*
4. Олмаш: *Сәңә чушт мен йәтмн, нәзәр, Қачан олгай икк етм ба:зар (Қарноқ).*
5. Сифатдош: *Коптн ажралганн бор ер.*
6. Иш оти: *Солләшн йәхш гәрәд ву (Урганч).*
7. Инфинитив: *Салат бермекнә:м бълъш гәрәк.*

Ҳол

1. Равиш ҳоли: *Ойламъйн соллэйэн, азръмъйн олэд.*

2. Пайт ҳоли: *Бъй кун кеч ексэң, бьй хептэ кеш орасэ (Иқон).*

3. Ўрин ҳоли: *Бетта гош арзэн, е:ттэ икк сомга бергим? (Манкент).*

4. Инкор гапларнинг кесими вазифасида қўлланадиган эмас, йўқ, сўзлари баъзан ўзаро алмашади, қориштириб ишлатилади: Бундай фарқламай ишлатиш "икки тилли" шеванинг хусусиятидир: - *Бу кун жумамъ? - Йўқ, бу кун жума йўқ, шамбэ. Жора кеча келган эмас.*

Бу шевада мумкин эмас ўрнига "мумкён йўқ" ҳолати қўлланади.

5. Ўрин-пайт келишиги ёрдами билан шаклланиши лозим бўлган бошқарув алоқаси жўналиш келишигида шаклланади: *Бъз(лар) қъиллэққа тураммъз.*

6. Бухоро шевасида ("икки тили шевада") тожик тилидан ўзлашган изофа аниқланмиш-аниқловчи сўз бирикмаси кенг ишлатилади: *гулранэ,-гулраёнэ, гултэжъ хурыс - гултэжихорэз.*

7. Гап бўлақларига хос муайян тартибнинг ўзгариши - инверсия адабий тилдагига нисбатан шеваларда кўп учрайди. Сўз тартиби шеваларимизда эркин. Бухоро гуруҳ шеваларида: 1. *У эвқэт кўп ейдъ - У кўп эвқэт ейдъ.* 2. *У тез вэзифанъ бэжардъ - вэзифанъ у тез бажардъ - ... тез у бажардъ.*

Гапда сўз тартиби синтаксиснинг муҳим проблемаларидан бири ҳисобланади. Диалектал нутқда сўз тартиби гапда аҳамият берилган бўлақларнинг, баъзан эса сўзловчи томонидан эсга келган бўлақларнинг биринчи айтилиши билан фарқ қилади. Дикқан марказида бўлган сўз биринчи айтилаверади. Дўқ қилиш, кўрқитиш, қатъий буйруқ қилинган пайтларда олмош эгаларининг "тушиб қолиши", кесимнинг олдин айтилиши оддий тартиб билан мос келмайди. Масалан: тур ўрнингдан, йўқол бу ердан каби. Диалектал нутқнинг интонацияга бойлиги, унда ҳар хил нутқий товланишлар мавжудлиги гап бўлақларининг жойланишига ҳам таъсир қилади. Гапда сўз тартиби қуйидаги вазифаларни бажаради: гап бўлақларининг ўзаро алоқаси таъминланади, бўлақларнинг жойланиши, фикрнинг маълум мақсадга қаратилиши учун хизмат қилади, гап бўлақларининг экспрессив-стилистик хусусиятини кўрсатади, сўзловчининг мақсади, тингловчининг ситуациядан келиб чиқадиган фикри ойдинлашади. Гапда бўлақларнинг жойланиши психолингвистик аҳамиятга ҳам эга. Мақол ва маталларда гап бўлақларидаги тартиб

маънони кучайтириш мақсади билан боғлиқ. Буларда қофияланиш, оҳангдорлик сезилиб туради: *Бойъмә йәрәшә тамәгъым, опкаләмә қонагъыт* (Мақол). Гап бўлақларининг тартиби адабий тил учун ҳам, диалектлар учун ҳам муҳим лингвистик-структурал соҳадир. Содда гап бўлақларининг одатдаги тартиби:

эга - кесим -; эга-тўлдирувчи-ҳол-кесим; аниқловчи-эга-тўлдирувчи-ҳол-кесим.

Сўзлар тартибининг ўзгариши натижасида гапдаги сўзларнинг грамматик муносабати ўзгарса, бунда тартиб грамматик вазифани бажарган бўлади: *етсѣн йәхшиѣ мурәткә - Яхши етсин муродга...*

Проф. А.Алиев Наманган гуруҳ шеваларида гап бўлақларининг тартибини бу тарзда бирма-бир берган:

- 1.Эга-кесим: *ўсма кетәр, қѣш қѣләр.*
- 2.Эга-тўлдирувчи-кесим: *й ѣтѣн йѣменлъгәнѣ қъләдѣ.*
- 3.Эга-тўлдирувчи-тўлдирувчи: *Қәссѣн ѣшнәсѣгә суьйә сѣтәр.*
- 4.Эга-тўл.-пайт ҳол-кесим-: *қъз жувѣнггә қошългәндә хур волур.*
5. Эга-равиш ҳоли-кесим: *йәхши тѣпѣн гәпърәр.*
6. Қаратқич-қаралмиш (ани.-Эга)-кесим: *жәййѣ тевәсѣ - несѣ бомейдѣ.*
7. Тўл.-тўл.-аниқ.-кесим: *еча:нѣ дәдәнггә бѣпәддѣс косәтмә.*
8. Аниқ.-кесим: *бѣ - чѣттәхѣнә.*
9. Аниқ.-эга-ўр.ҳоли-кесим: *улен ѣ хе:лъсѣ бейдән урѣқ.*
10. Аниқ.-эга-кесим-тўл.-рав.ҳоли: *грѣм кенә: кѣймәймән йѣқәс ѣ йѣртѣқ.*
11. Пайт ҳоли-пайт ҳоли-эга-ўрин ҳ.-қўшма кесим: *әттәсѣгә ѣшѣчәрдә бѣсмәчълә шо:рдән қѣчѣн отъит.*
12. Эга-аниқ-тўл.-равиш ҳ.-кесим: *борѣ еттѣ гәпѣгә ләққә чошуптѣ.*
13. Ўрин ҳ.-сифатловчи - аниқ.-қарат. аниқ-эга-кесим: *ешувин нан ѣққән су:нѣ кәдрѣ ѣ:*
14. Тўл.-равиш ҳ.-кесим: *су:н ѣ кормәй ету: ечмә.*
15. Эга-тўл.-кесим-мақсад ҳоли: *Мъззамамут ѣлгә чѣхт хеймәнзулләшкән*

16. Аниқ.-ўрин ҳоли-ега-кесим: *орун ь тэггә элма чушмейд ь.*

17. Аниқ.-тўл.-эга-тўл.-кесим: *брьлпъ тарәтәмәм сән нтэззъ оқъмә.*

Гап бўлаклари билан грамматик боғланмаган сўзлар ва конструкцияларга хос диалектал кириш сўзлар ва иборалар ишлатилади: Бухоро гуруҳ шеваларида: *эвваләм, мэгәрәмки, чеқъдән, мәңә қараң; ҳамә кели отурдъ эвваләм; уләр келелмәдъләр чеқъдән.* Тил одамлар орасида фикр олишув воситаси бўлса, нутқ эса шу фикр олишув воситасининг рўёбга чиқиш ва тил материалларидан фойдаланиш жараёнидир. Турк-калтатой шевасида гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган сўзларга ундалма ва кириш сўзлардир: *бләм, сенга нъмә болль?* Шеваларда қўшма ва мураккаб гапларга нисбатан содда гаплар кўп учрайди. Ю.Жуманазаровнинг таъкидлашича, у 1962-1967 йиллар ичида Хоразмдаги 112 одамдан 2800 гап ёзиб олган бўлиб, шундан 2100 таси содда гап, яъни 75 фоизи содда гап: *Айтқаним - шу; Дегеним - деган, Бала - бала.* Диалект ва шеваларда қўшма гап компонентлари ўзбек адабий тилидан кескин фарқ қилмайди. Икки компонентдан иборат қўшма гаплар уч ва тўрт компонентлардан ташкил топган қўшма гапларга нисбатан кўп тарқалган: *Фава булит бўлди, дагин гунем савип гетти. Дамақи ўртага алип емәкә айланишиптилар* (овқатни тайёр қилиб ея) *еккән хирман етәр, екмәгән әрман етәр.* Қўшма гапларнинг уч содда гап компонентидан иборат бўлиши ҳам анча кенг тарқалган: *Айттим, ҳазир гәләди, бир замин отиринг.*

Қўшма гаплар тўрт содда гап компонентидан иборат бўлиши ҳам мумкин: *ахшам булут болди, пахтани яғнаведик, йиғмади, яхши волди.* Қўшма гаплар бешта компонентдан иборат бўлиши мумкин: *Уйә гирип : анави қана? -деди, ҳазир гәләди, дедим.* Гап ичида ҳар хил формада ишлатилиб, бир-бирига яқин маънони англатувчи ва гапда бир хил вазифани бажарувчи паралел синтактик конструкциялар синтактик синонимияни ташкил қилади: *қатинг огрийди? не:ринг агрийди?*

Кеннэйим келвэтитлә - гелимбийим гәйәтиллә--йәнгәм келэптилә.

Қайқъләрәм йәжжән чықдъ // Горгән эзәпләрәм унут болди... жуда коп::: 1. Мен биртудан пәхтә тердим. 2. Мен дим коп пәхтә тердим. 3. Мен ер қарақан пәхтә тердим. 4. Мен ер джәҳән пахта тердим. 5. Мен ер хири пәхтә тердәм. 6. Мен иқин-диқин пәхтә тердәм (Хоразм в..)

Интонация орқали сўзловчининг ҳис-туйғуси, ички кечинмалари, нутқ предметиға турлича муносабати аниқлайди. Оғзаки нутқимизда гапнинг грамматик-фикрий бир бутунлигини интонация билдиради. Сўз, сўз бирикмасининг гап ёки гап эмаслигини интонация орқали биламиз. Диалектда

интонация предикация вазифасини ҳам бажаради. Буйруқ гапларда интонация дарак гаплардагига қараганда нутқ тембри ва сифатининг кучайиши билан характерланади: қисқа ва ихчам жумлаларда овоз кучи алоҳида бўлади: *бор, кет, ўқи, тур* каби. Сўроқ гапларда интонация овознинг гап охиригача сўраладиган сўзгача кучайиб, кўтарилиб бориши билан характерланади: *Сиз пахтани нега оз тердингиз? мектептен гелип пахтага бараса - э?* Мисоллардан кўриниб турибдики, диалектал гапларнинг ўзига хос оҳанглари, айтилиш хусусиятлари бор. Интонация ҳақида берилган гаплар Хоразм шевасидан олинган мисоллар бўлиб, улар мисолида шевалардаги интонацион ҳолатларни кўришга ҳаракат қилдик. Сабаби интонация шевалар ва диалектлар доирасида яхши ўрганилмаган мураккаб ҳодисадир. Адабий тилда бўлгани каби жонли тилда (шева) ҳам ҳар бир гапнинг ўзига хос интонацияси бўлади. Диалект ва шеваларнинг синтактик қурилишини ҳар томонлама тавсиф қилиш ҳозирги адабий тил, ёзма ёдгорликлар тили ва етакчи шаҳар шевалари тили билан қиёсий ўрганишга асосланади. Диалектал синтаксис нисбатан олганда тор доирадаги кишилар учунгина хизмат қилади. Диалектал синтаксис диалогик жараёнларга асослангани учун унда қисқалик, ихчамликка эришиш каби хусусиятлар бор бўлади. Тилимиздаги шевалар ва диалект (лаҳжа)ларнинг синтактик хусусиятларини билиш учун қиёсий ҳамда тарихий-қиёсий пландаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш жуда зарурдир.

Мавзуга оид саволлар:

1. Диалектал нутқнинг қандай хусусиятлари бор?
2. Ўзбек шевалари синтаксисини кимлар ўрганган?
3. Шеваларга оид гапларга хос гап бўлақларини ким тадқиқ этган?
4. Наманган гуруҳ шеваларида гап бўлақларининг жойлашишини ким ўрганган?
5. Шеваларда содда гапнинг қандай турлари учрайди?
6. Шеваларда қўшма гапларнинг қандай турлари мавжуд?
7. Шевага оид гаплар адабий тилдан оид гаплардан қандай хусусиятлари билан фарқланади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Абдуллаев Ф.А. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси. Т., Фан, 1978.
2. Жуманазаров Ю. Ўзбек тили жанубий Хоразм (ўғуз) диалектининг синтактик тузулиши. Т., Фан, 1976.
3. Туропова М. Ўзбек шевалари синтаксиси. Т., Фан, 1984.
4. Жуманазаров Ю. Ўзбек тилининг жанубий Хоразм (ўғуз) диалектининг синтактик тузулиши. Т., Фан. 1976. 134 бет.
5. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги.Т.,Ўқитувчи,1996.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fscgp/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>
5. www.dersimiz.com
6. www.altinmiras.com
7. www.thinsan.com

Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси муҳим хусусиятлари

Режа:

1. Лаҳжанинг қисқача тарихи ва тарқалиши.
2. Лаҳжанинг фонетик хусусиятлари.
3. Лаҳжанинг морфологик хусусиятлари.
4. Лаҳжа лексикасидан намуналар.

Таянч тушунчалар: Чигил, халаж, яғмо, уйғур, қарлуқ [чигил, кхалаг, жагма, ужгур, карлуқ] – қадимги туркий қабилалар, лаҳжанинг тарихи, лаҳжанинг фонетик хусусиятлари, лаҳжа лексикаси материаллари, лаҳжанинг муҳим хусусиятлари.

Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси шаҳар шеваларини ва уларга ёндош бўлган шаҳар типдаги қишлоқ шеваларини ўз ичига олади.

Мазкур диалект бирлигининг шаклланиши ХИ асрдаги Қорахонийлар ҳаракати билан боғланган. Тарихий жиҳатдан қарлуқ-чигил-уйғур бирлигига Наманган, Тошкент, Андижон ва Ўзбекистоннинг бошқа жойларидаги йирик пунктлар аҳолисининг шевалари тааллуқлидир. Бу лаҳжанинг шевалари Ўзбекистон территориясидан ташқарида ҳам кўп тарқалган. Масалан Қозоғистон территориясидаги Чимкент, Қорамурт, Сайрам, Қорабулоқ, Иқон, Манкент; Тожикистоннинг Хўжанд, Истаравшан, Конибодом, Ж.Расулов, Нов, Гончи, Ашт, Панжакент туманлари, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Ўзган шаҳарлари шулар жумласидандир. Бу лаҳжага оид шева вакиллари Афғонистонда ҳам учратамиз. Маълумки, 1630-йилларда ўзбек уруғлардан катағанларнинг бир қисми Шошдан (Тошкент воҳасидан) Афғонистонга кўчиб кетганлар. Ўзбек шеваларини классификация қилган тадқиқотчилар бу лаҳжа шеваларини турли группаларга киритганлар. Ҳолбуки, мазкур шева ўртасидаги генетик ва тил жиҳатдан яқинлик фақат тарихий пландагина эмас, балки ҳозирги пайтдаги ҳолатида ҳам –фонетикада ҳам, лексикада ҳам, баъзи грамматик шаклларда ҳам яққол кўзга ташланади. Уйғур тилига хос бир қатор типик хусусиятларнинг, қисман "умлаут"нинг мавжудлигига қараб характерланадиган шева территорияси ўтмишда, албатта, кенгроқ ва кўпроқ бўлган. Наманган шеваларига асос бўлган туркий тил бирлигини эътиборга олмасдан туриб, Андижон, Ўш каби шева генезисини аниқлаш мумкин эмас. Шунингдек, Тошкент шеvasининг юқорида кўрсатилган шевага генетик жиҳатдан алоқадорлигини ҳисобга олмай туриб, Тошкент шеvasидаги баъзи фонетик хусусиятларнинг ва морфологик формаларнинг келиб чиқишини тушунтириш мумкин эмас. Модомики шундай экан, ягона территорияда ва ягона бир тил коллективи составида бир-бирига боғланмаган ҳолда вужудга келган тил ҳодисалари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Тошкент ва Жиззах шеваларининг яқинлигини тасодифий бир ҳол деб бўлмайди, шунингдек Қарши, Тошкент ва Наманган шевалари ўртасидаги ўхшаш фонетик ҳодисаларнинг мавжудлигини фақат тил тараққиётининг умумийлиги билангина изоҳлаш мумкин. Иқон-Қорабулоқ, айниқса, Чимкент-Сайрам типидagi шева ҳам шу умумийўлдан четда қолган эмас. Чунки бу шева эски ўзбек ёзув тили билан, шунингдек Тошкент ва Наманган типидagi шева билан мустаҳкам алоқадордир. Фақат мазкур шеваларнинг айримларигина ўғуз тили элементларини маълум даражада сақлаганлиги билан Тошкент, Наманган типидagi шевалардан фарқланади, холос. Самарқанд-Бухоро-Хўжанд группа шеваларининг туркий заминини ҳам қарлуқ-чигил-уйғур тил бирлиги ташкил этади, лекин бу шеваларнинг таркибий қисмида тожик тили қатламининг минимал устунлиги ва икки тиллилик сақланган. Шу сабабли мазкур шева билингизм процессини,

принципиал бир-биридан фарқланадиган тил системаларининг ўзаро таъсир процессини ўрганиш нуқтаи назаридан жуда қизиқарлидир. Мазкур лаҳжага оид шевалар (Тошкент, Жиззах, Қарши, Андижон, Наманган, Хўжанд, Конибодом, Ж.Расулов, Нов, Ўратепа, Ўш, Қорабулоқ, Чимкент ва бошқалар) тарихий жиҳатдан битта диалект комплексини ташкил этади. Умумпланда бу лаҳжани тубандаги группаларга бўлиш мумкин:

I. Фарғона группаси.

1. Наманган диалекти. Бу диалектга Наманган шаҳар шеваси ва шаҳар типдаги Наманган атрофидаги шевалар (масалан, Уйчи ва бошқалар) таллуқлидир (Наманган атрофидаги қипчоқ шевалари, табиийки, бу диалектга кирмайди). Мазкур диалектга оид шевалар уйғур тилига максимал даражада яқинлиги билан характерланади.

2. Андижон-Шаҳрихон диалекти. Бу диалектга Андижон шаҳар шеваси, Шаҳрихон шеваси ва Андижон вилоятидаги бошқа бир қатор шевалар киради.

3. Ўш-Ўзган диалекти. Бунга Ўш, Ўзган, Жалолобод ва шу типдаги бошқа шевалар тааллуқли бўлиб, улар учун жанубий қирғиз шевалари билан бўлган метисация характерлидир.

4. Марғилон-Қўқон диалекти. Бу диалектга Марғилон, Фарғона, Водил, Қўқон ва бошқа шу типдаги шевалар киради.

II. Тошкент группаси

Тошкент диалекти. Бунга Тошкент шаҳар шеваси, Тошкент вилоятидаги қипчоқ шеваларидан бошқа шаҳар типдаги шевалар, масалан, Пискент, Паркент, Қорахитой ва бошқалар тааллуқлидир.

III Қарши группаси

1. Қарши диалекти. Бу диалектга Қарши, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ ва (қипчоқ шеваларидан ташқари) Қашқадарёдаги шу типдаги шевалар киради.

2. Самарқанд-Бухоро диалекти. Бунга Самарқанд, Бухоро, Хўжанд, Фарғона водийсидаги Чуст, Қашқадарёдаги Косон ва шу типдаги бошқа шевалар киради (ўғиз ва қипчоқ лаҳжасига талуқли шевалар бу диалектга кирмайди).

IV Шимолий ўзбек группаси.

1. Иқон-Қорабулоқ диалекти. Бунга Иқон, Қорабулоқ, Манкент, Қорамурт ва бошқа баъзи шевалар таалуқли бўлиб, улар ўзининг

таркиб топиш жараёнига аввало ўғуз, кейинчалик эса қипчоқ тили элементлари билан аралашган.

2. Туркистон-Чимкент диалекти. Бу диалектга Туркистон Чимкент, Сайрам ва шу типдаги бошқа шевалар киради. Мазкур диалект ўғуз тил элементларининг кам бўлиши, бироқ Жанубий Қозоғистон шевалари билан метисацияга кирганлиги сабабли қипчоқ тил элементларининг кўпроқ бўлишига қараб Иқон-Қорабулоқ диалектидан фарқ қилади. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига кирувчи шевалар лингвистик жиҳатдан ўзларига хос бир қатор хусусиятларга эгаки, булардан энг муҳимлари тубандагиларидир:

Фонетик хусусиятлар:

а) ч/ш ундошларининг алмашиниши: Тошкент, Марғилон, Андижон, Наманган тъш//чъш (тиш); Тошкент ч(ъ)шлэ//уйғ тъ (Қашгъ.) ч(ъ)шлэ (тишла); Тошк. тиштэ//чиштэ//уйғъ. Чиштъ (тушди);

б) ўзак ва аффиксларда қ-к//ғ-г ундошларининг сақланиши. Масалан, уйғ. тэръғ//тэръқ (тарик), сэръқ (сарик), ачъқ (очик), уруғ; Тошк. қэттғъ (қаттик), тэроғ (тарок), ортоғ (ўртоқ), қъшлоғлъқ//қъшлоғлъғ// қъшло:лъғ (қишлоқлик); Наманг. йўк/йўғ (йўқ), бэлэг (бўлак, бошқа), бър куллуғ (бир кунлик), бэлъғ (балик). Олмошларда: уйғ., Тошк., кандоғ//кандак (қандай, қандок), андоғ//андак, шундоғ, шундақ, бундоғ//бундақ (андак, шундай//шундоқ, бундай//бундоқ).

Сўз охирида -ғ ундошининг сақланишини қадимги туркий ёзма ёдномаларда – Ўрхун ёзувларида, "Қутадғу билиг"да, Махмуд Қошғарий "Девон"ида учратамиз. Бу хил позициядаги -ғ ундошининг жарангсизланиб қ ундошига ўтиши ҳақида айтилган айрим фикрлардан бирида бу фонетик хусусият (яъни ғ>қ) жонли шевалардан баъзиларининг шаклланишида таъсир кўрсатган эски диалектлардан бирига (эхтимол, қарлуқларга) хос белгидир деб ҳисобланиши характерлидир;

в) турли ҳолатларда қ//х ундошларининг алмашиниши: уйғ. Тошк., Наманг., тоқта//тохта, тўқсан//тўхсан, бақтуқ//бахтуқ

г) л//н ундошларининг алмашиниши: уйғ. кэйпэк//кэйлак//Тошк. кўйнэк\кўйлэк\кўйнэй;

д) тўлиқ прогрессив ассимиляция, масалан, тушум келишигида: Тошк. тузъ<тузни; ошшъ<_ошни; темърръ<темирни; Наманг. кушшъ<кушни; гэппъ<_гэпнь, тошшъ<_тошнь;

е) уйғур тилининг асосий фонетик хусусиятларидан бири "умлаут" бўлиб, биринчи бўғинда келган қуйи кўтарилиш а//э унлиларининг иккинчи бўғинда келган юқори кўтарилишдаги ь ь

унлиси таъсирида э унлисига ўтишидан иборат: ат>эт каби. Бу специфик хусусият Наманган шевасида учрасада, Тошкент, Марғилон шеваларида учрамайди;

ж) Наманган шеваси (худди уйғур тилидаги каби) товушларнинг тушиши ва тор унлиларнинг қисқалиги билан характерланса, бу хусусият, қисман бўлсада, Тошкент шевасида ҳам мавжуд, масалан, қиёс қилинг: Тошк. Наманг. эдэмлэ келдълэ, бьза>бьзэ, съла>сьлэ; Тошк. Боровдъм.

Морфологик хусусиятлар: а) Тошкент, Наманган, Андижон, Марғилон, Қўқон шеваларининг барчасида ҳам от турловчи кўшимчалардан –нъ аффикси (фонетик вариантлари билан) ҳам қаратқич, ҳам тушум келишигини ифода этади. Қаратқич-тушум келишиги аффиксининг фонетик вариантларига кўра бу шеваларни икки группага ажратиш мумкин:

А. –нъ аффикси ундош билан тугаган сўзларга кўшилиб келганда, унинг биринчи товуши тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учровчи шевалар (унли билан тугаган сўзларга бу аффикс кўшилганда –нъ сақланади). Бунга Тошкент, Наманган ҳамда ўз фонетик хусусиятлари жиҳатидан шаҳар шеваларига яқин турувчи баъзи қишлоқ шевалари киради. Мисоллар: Тошк. тузъ<тузни, томмъ<томни, гэпъ<гапни; Наманг. оттъ (отни); қаратқич келишиги: оттъ (боши).

В. Тушум-қаратқич аффиксидаги –н//д//т товушларининг алмашилиши билан характерланадиган шеваларга Андижон, Марғилон, Қўқон группа шевалари киради. Мана шу хусусиятларига кўра мазкур шевалар ўзбек тилининг қипчоқ шеваларига яқинлашади. Қиёс қилинг: Анд., Марғ., Қўқон. Отасънъ кордъ, оштъ мазаси, олдъ кестъ;

Мазкур шевалар группаси ҳозирги замон давом феълени ифодаловчи икки морфологик белгига эга:

1) –вот ва унинг фонетик вариантлари: -вэт, -ват, ут; Тошкент ва унга яқин бўлган қишлоқ шеваларида, масалан, Паркентда –вот; Қиёс қилинг: Уйчи. –вот, Наманг. –ут.

Бу формаларнинг генетик жиҳатдан бирлиги, яъни бир манбадан келиб чиққанлиги аниқ кўриниб турибди. Тошкент ва Наманган формалари *қилватман* формасининг кейинги фонетик ривожидирки, буни Тошкент ва Наманган шеваларида учрайдиган

оралиқ вариантлар ҳам исботлай олади. Масалан, Тошкент областининг Паркент шевасида *қилваттим* ва *қилотман* каби бир маънода қўлланиладиган формалами учратамиз. Наманган формаси -ут фонетик қонуниятлар асосида ўзгарган бўлиб, у аслида *-ват* аффиксига бориб тақалади. Бу форманинг эволюцияси қуйидагича бўлган: *-ват>-вот>-от>-ут*. Наманган шевасида *қилуттиб* формаси билан баравар қўлланиладиган *қилоттиб* формаси (*қилийтиб* формасининг оралиқ фонетик варианты)нинг мавжудлиги фикримизнтаг далилидир. *-ват* аффиксининг ривожи Наманган шевасидагидек *-ват>-ват" -ат>-ут* ёки Тошкент шевасидагидек *-ват>-вот>-вот* йўли билангина эмас, балки Уйчи шевасидагидек (умлаут ходисаси билан изоҳланадиган) *-ват>-ват* шаклида ҳам юз берган;

2) -йап форманти Фарғона водийсидаги, барча шаҳар (Андижон, Марғилон, Қўқон ва бошқа) ҳамда ўша шаҳарларга яқин бўлган қишлоқ шеваларига хосдир.

Самарқанд шевасида қайд этилган ўп аффиксидаги очик о фонемаси ўзининг турғунлиги билан характерланади. Бироқ Тошкент шевасидаги *-вот* кўшимчасида учрайдиган аффиксал унли о ва Фарғона варианты -йап даги а унлиси ўзбек шеваларида турли кўринишларга эга. Масалан, *-вот* аффиксидаги о унлиси олдинги қатор унли бўлиши ҳам мумкин (қиёс қилинг: Уйчи. *-вот*); -яп (Фарғона) аффиксидаги олдинги қатор а унлиси орқа қатор а унлиси орасида тебраниб туради (бу ҳолат айниқса бошланғич формада яққол сезилади); *келаяпти~кетаяпти~келаети*. Бундай ҳолат қипчоқ шеваларида ҳам мавжуд: *келаяпти~келаяти,~келажотир*. -оп аффиксидаги о фонемасининг Самарқанд шеваларида турғун бўлиши унда тожик тили элементининг мавжудлиги билан изоҳланади. Бошқа ўзбек шеваларидаги с < а > о ҳолатининг сабаби эса бошқачадир. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасидаги шеваларнинг морфологик хусусиятлари жуда кўп бўлиб, уларни яна давом килдириш ва ҳар бир шевага хос диалектал фарқли хусусиятларни кўплаб келтириш мумкин. Дарҳақиқат, бу шеваларнинг ҳар бири, генетик жиҳатдан умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, ўзига хос тор диалектал кўрсаткичларга ҳам эга. Буларни ўрганиш эса мазкур шеваларнинг ташкил топиши ва ривожланиш тарихини аниқлашга ёрдам беради. Шу нарсани кўрсатиб ўтиш ўринлики, Тошкент шевасида қўлланиувчи ўтган замон (И шахсдаги) *-ч>м-бз/-димиз* (ад. орф, *-дик* ўрнидаги) форма бир қатор ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган. Тошк. *олдим* (ад. орф. *олдик*), *бордимиз* (*бордик*), *иштимиз* (*ичдик*), қиёс қилинг: Тошкент шевасида тубандаги вариантлар ҳам мавжуд: *келдй:*, *олдй:*, *тушти* : *сўз* (сўз охирида иккинчи даражали чўзиқ унли мавжуд) ёки *келдйза*, *:лдйза*, *бердйза*. Этимологик жиҳатдан Тошкент формаси *-димиз* ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *-дик* (*-дик*) формасига нисбатан бирмунча қадимийдир. Чунки бу

формани Кул-Тегин шарафига ёзилган ёдгорликда [*сешиштумуз* (биз) - сўзлашдик, *буртумуз* (биз) - бердик *утдумуз-(биз)* етдик (килдик)], Махмуд Кошғарий "Девон"ида, Ибн-Муханнада, Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома"сида ҳам учратамиз. Бу форманинг бошланишини, шубҳасиз, Қорахонийлар давридаги тил традициясидан изламоқ керак. Ўзбек тили диалектал софлигини, қардош ва қардош бўлмаган қўшни тилар билан алоқадорлигини, умумий тарзда, график шакл орқали тубандагича кўрсатиш мумкин:

Уйғур тили ---- - ►	I қарлуқ- чигил-уйғур лаҳжаси Тожик тили	
қозоқ ва	II Қипчоқ лаҳжаси	III Ўғуз лаҳжаси	*----- Туркман тили
қорақалпоқ тиллари			

Схемада I, II, III рақамлари билан кўрсатилган (нуқтали чизиклар орқали ажратилган) учта лаҳжа ўзбек тилини ташкил этади. Дарвоқе, ўзбек тили шу қайд этилган учта туркий компонентнинг бирлашуви натижасида ташкил топган: 1) қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси ҳозирги қардош уйғур тилига яқин бўлиб, тожик тили билан ҳам этно-лингвистик алоқада бўлган; 2) қипчоқ лаҳжаси қардош қозоқ ва қорақалпоқ тиллари билан яқин; 3) ўғуз лаҳжаси қардош туркман тили билан яқин.

Саволлар:

1. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг муҳим хусусиятларини айтинг.
2. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси тарихаҳ қайси лаҳжалар билан алоқадор?
3. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси ҳозир қайси тип диалектларга алоқадор?
4. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси қайси олимлар томонидан ўрганилган?

ГЛОССАРИЙ

Чигил – қадимги туркий қабилалар

Халаж – қадимги туркий қабилалар

Яғмо – қадимги туркий қабилалар

Уйғур – қадимги туркий қабилалар

Қарлук – қадимги туркий қабилалар

Лаҳжанинг тарихи – лаҳжанинг келиб чиқишини ўрганиш

Лаҳжанинг фонетик хусусиятлари – унли ва ундош товушларни ўрганиш

лаҳжанинг морфологик хусусиятлари – сўз туркумлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

лаҳжанинг лексикаси – лаҳжанинг сўз бойлиги

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: НАВРЎЗ, 2016.
2. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
3. Аширбоев С. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: ТДПУ, 2011, 2013.
4. Тўйчибоев Б., Ҳасанов Б. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент, 2004. – Б. 112.1.
5. Эназаров Т., Каримжонова В. А., Эрназарова М.С., Махмадиев Ш. С., Рихсиева К. Ғ.
6. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Университет, 2012.
7. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. – Тошкент. Фан, 1997.
8. Файзуллаев Б., Тўйчиев А., Ҳайдаров Ш., Хидиров О. Ўзбек шевашунослигидан ўқув амалиёти. (ўқув-услубий қўлланма) Жиззах. 2010.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fsgp/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>

5. www.dersimiz.com

6. www.altinmiras.com

Тест

1. И.И.Зарубин таснифида шеваларимиз неча гуруҳга бўлинган?

A. Хива, Фарғона, Тошкент, Самарқанд-Бухоро.

B. Хива, Қарши, Нукус, Андижон.

C. Хива, Урганч, Оққўрғон, Самарқанд.

D. Хива, Тошкент, Наманган, Денов.

2. Ғози Олим шеваларни қандай лаҳжаларга бўлган?

A. Хива-Урганч, Ўзбек-қипчоқ, Турк-барлос лаҳжалари.

B. Ўзбек-қипчоқ лаҳжаси.

C. Турк-барлос лаҳжаси.

D. Хива-Урганч лаҳжаси.

4. Шеваларни ўрганиш қайси фанларга маълумот ларберади?

A. Умумий тилшунослик учун ҳам, тилтарини учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради.

B. Қиёсий тилшунослик учун ҳам, халқ тарихи учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради.

C. Тил тарихи учун ҳам, халқ тарихи учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради.

D. Тил тарихи учун ҳам, география фани учун ҳам бой ва қимматли материаллар беради.

5. Лаҳжа деб нимага айтилади?

- A. Лексик, фонетик, ва грамматик хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндиси.
- B. Фонетик, морфологик хусусиятларни ўзидабирлаштирувчи шевалар йиғиндиси.
- C. Этимологик, Грамматик хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндиси.
- D. Лексик, пунктуацион хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндиси

Қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларининг асосий хусусиятлари

Режа:

1. Қипчоқ лаҳжаси . Унинг эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.
2. Қипчоқ лаҳжасининг унлилар тизими, унинг эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.
3. Қипчоқ лаҳжасининг ундошлар тизими, унинг эски ўзбек ва ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати.
- 4.Фонетик жараёнлар.
- 5.Оҳангдошлик.

Мавзуга оид таянч тушунча ва иборалар: Қипчоқ лаҳжаси, адабий тил, ҳозирги ўзбек адабий тил, эски ўзбек адабий тили, товуш ва ҳарф, унлилар, ундошлар, оҳангдошлик. Дунёдаги кўп тиллар ва уларнинг лаҳжалари муносабатини дарахт ва бутоқларига менглаш мумкин бўлса, ўзбек тили ва унинг лаҳжалари ўртасидаги муносабатини тизма тоғларга ўхшатиш мумкин.Ўзбек тили турли мустақил лаҳжаларнинг тадрижий бирикуви натижасида пайдо бўлган. Дунё тиллари орасида кўп лаҳжалиги билан ажралиб турувчи ўзбек тили ҳамда унинг шевалари ўртасидаги муносабатлар ҳақида туркий тиллар грамматикасининг билимдони проф.Е.Д.Поливанов ўз вақтида шундай ёзган эди: Ўзбек тили(ўзбек диалектларининг бир бутун йиғиндиси сифатида) ягона системанинг ҳеч қачон амалда бўлмаган ўзбек диалектологик парчаланиши йўли билан эмас, балки тил системаларининг бирлашуви йўли билан пайдо бўлган. Дарҳақиқат шевашуносларимизнинг кўп йиллик тадқиқотлари ўзбек умумхалқ тили уч йирик мустақил лаҳжанинг бирикувидан ташкил топганини тасдиқлайди:

1. Қорлуқ-чигил-уйғур ёки ўрта ўзбек лаҳжаси.

2. Қипчоқ ёки соф ўзбек(Е.Д.Поливанов атамаси) лаҳжаси.

3.Ўғуз

лаҳжаси.

Кўпгина тарихий манбаларда, Турон заминнинг кечмишини тасвирловчи қадимий кўлёмаларда Дашти Қипчоқ фуқаролари ўзбеклар деб аталганлиги бугунги тарихчиларимиз томонидан ҳам таъкидланмоқда. Айни пайтда, бир қатор олимларнинг тасаввуфнинг Турондаги асосчиларидан бўлмиш Хўжа Аҳмад Яссавий асарларини ва бадиий сўз жозибасининг гўзал намунаси бўлмиш "Муҳаббатнома" достонини қипчоқ лаҳжасига нисбат бериб изоҳлайдиларки, бундай маълумотлар, бир жиҳатдан, қипчоқ лаҳжасининг жуда қадимий ва кенг ҳудудга тарқалганлигини кўрсатса, иккинчидан, унинг ўзбек умумхалқ тилини шакллантиришдаги ҳақиқий ўрнини белгилашга ҳам ёрдам беради. 13-14 асрларда ўзбек тили тараққиётига қипчоқ лаҳжасининг катта таъсири борлиги махсус луғатларда ҳам ўз аксини топган. Маъноси ўша қадимий луғатларда ҳам изоҳланган қинғир-эгри, ияк-чакак, тамаксов-очкўз, сангров-кар сингари кўплаб сўзларнинг ҳозиргача қипчоқ лаҳжасида кўлланиши ҳам бу лаҳжанинг жуда қадимий, яшовчан ва ифода имконияти кенг эканлигини кўрсатади. Лутфий, Навоий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ сингаги аллома адиблар тилида қипчоқ тили унсурларининг бот-бот учраб туришини ҳам қўшадиган бўлсак, умуман бу гуруҳ лаҳжаларининг эски ўзбек адабий тили тараққиётида бениҳоя катта ўрин тутганлигини гувоҳи бўламиз. Аслида, амалдаги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида ҳам қипчоқ лаҳжасининг таъсири биз тасаввур қилганимиздан бир неча бор кучлироқдир. Зеро ҳар қандай маҳаллий лаҳжа тилнинг куйи шакли бўлиб, у адабий тилнинг бойиши учун бой асос, туганмас манбадир. Афсуски, бизнинг тилшунослигимизда тилнинг тараққиётини суъний тарзда тезлаштиришга интилиш, худди мулкни умумлаштиришга шошилганимиз сингари умумий тилга эга болишга шошилиш тенденциясининг узоқ вақт ҳукмрон бўлиб келиши натижасида адабий тил маҳаллий шеваларидан-лаҳжаларидан ажралиб қолди. Аксар ҳолларда адабий тил лаҳжаларга, айрим маҳаллий лаҳжалар бир-бирларига қарши қўйилди. Бу ҳол, ўз навбатида, адабий тилни ҳар жиҳатдан камбағаллаштиради, лаҳжаларни эса, ўз қиёфасидан маҳрум бўлиш, кишилиқ хотирасидан унут бўлишига сабаб бўлди. 20-асрнинг 20-90-йилларида ўзбек тили, асосан, ташқи омилларга таяниб ривожланди. Тилимизга рус тили ва у орқали Европа тилларидан кўплаб сўзлар кириб келди. Шевадаги минглаб ифодалар, ўзимизнинг асрлар мобайнида яратган миллий бойлигимиз четга суриб қўйилди. Мана шу носоғлом вазиятни бартараф қилиш керак бўлган фурсат етиб келди. Мамлакатимиздаги барча лаҳжаларни, жумладан, қипчоқ лаҳжасини ғоят синчиклаб ўрганиб чиқиш ва

улардан кўплаб сўзларни идеоматик ибораларни адабий тил хазинасига тушириш тилшуносларимиз олдида турган энг зарур вазифалардан биридир. Чунки қипчоқ лаҳжалари хусусиятлари таъкидланганидек, аввало эски ўзбек тилида, ўша даврда яратилган манбаларда бериши кўйилди. Қипчоқ лаҳжасининг барчасида тўққиз унлилик тизими амал қилган. Бу жиҳатдан қипчоқ лаҳжаси қипчоқ гуруҳидаги (қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз каби) бошқа туркий тиллар билан умумийлик касб этади. Қипчоқ лаҳжасидаги тўққиз унлилик тизими унинг эски туркий ва эски ўзбек тилида ҳам тўққиз унлилик тизими бўлган.

Булар: и,ы,е,а,е,ў,о,у,у.

Е унлиси тил олди, кенг, лабланмаган товуш:

Озге, кем, еке, кетте, кел, ена, емме каби. Эски туркий (едгу-яхши, еб-уй, секиз-саккиз), эски ўзбек (ейлесе, озгелер (Навоий), шерменделиктин, кетмесе, кокте ене (Лутфий)) тилларда ҳам бу товуш фаол бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланилмоқда.

А унлиси тил орқа, кенг лабланмаган унли : ал, бар кал, баба, таға, так, чак, айт. Эски туркий (адағ//аяғ, қаған (devon)), эски ўзбек (шафтолу, кашу, жан, алмага (Лутфий)) тилларда ҳам фаол бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам сўзнинг барча ўрнида қатнашади. А унлиси мустақил товуш сифатида эски туркий тил давридан бошлаб шаклланган бўлиб, унинг юзага келишида кенг, тил олди, лабланмаган а товушининг нисбатан торайиши, ҳамда тор, лабланмаган и унлисининг кенгайиши муҳим аҳамият касб етган. Е товуши асосида е нинг шаклланганини ҳозирги туркий тилнинг барчаси, хусусан ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси тўлиқ исботлайди. Агар ҳозирги ўзбек тилидаги мен, сен кишилик олмошларидаги сўз ўртасида келувчи ўрта кенг е унлисининг тарихан тор и товуши бўлганлигига эътибор берсак, айрим ҳолатда е нинг шаклланишида и товушининг ҳам асос бўлганлигини сезамиз. Эски ўзбек тили даврида е унлиси мустақил фонема сифатида ишлатилиб, аксарият асл туркий сўзларнинг биринчи бўғинида қўлланади. Мани мен истаган киши ўз суҳбатига аржуманд этмас, мани истар кишининг, суҳбатин, кўнглум писанд этмас. (Навоий). Ҳозирги ўзбек адабий тилида ва ўзбек халқ шеваларининг аксриятида бу товуш ишлатилади. Бироқ бу товушнинг талаффузида ҳозир шевалараро маълум даражада фарқ бор. Чунончи, шаҳар ва шаҳар тилидаги шеваларда биров ёпиқроқ. Қипчоқ лаҳжасида эса очикроқдир.

ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ

Режа

1. Лингвистик география.
2. Лингвистик география усули ва унинг аҳамияти.
3. Лингвистик географияга оид терминлар

Таянч сўз ва тушунчалар: Лингвистик география усули. Лингвистик география. Лингвистик географияга оид терминлар. Ўзбек диалектологик атласи. Географик лингвистика. Изоморфема. Изолексема. Изофонема. Фокус нуқта. Структур ва зонал тузилиш. Фокус нуқтанинг қуршови. Ўзбек тилини диалектал зоналаштириш концепцияси. Шева вакиллари нутқи. Диалект зонаси ва а зонал ҳудудлар. Диалект зонасидаги орол ҳодисалар. Диалект зонасидаги зона периферияси. Сўзлашув нутқи. Адабий нутқ.

Қадим даврлардан бошлаб то ҳозиргача, бир тилда сўзлашувчилар бир жойда яшашмайди, балки турли ҳудуд (туман, вилоят, воҳа, қишлоқ) ва географик кенгликларда яшашади. Ҳар бир ҳудуд ўзига хос географик бўлинишга эга бўлгани каби алоҳида-алоҳида тарзда яшовчи, аммо бир тилда сўзлашувчи кишилар борлигини эътиборга олиш шарт. Лингвистик география тил ҳодисаларининг тарқалиш ўринларини, уларда тарихий тараққиёт жараёнида юз берган ўзгаришларни ўрганиш учун хизмат қилади. Масалан, туркий тиллар лингвистик географияси ҳақида сўз кетганда, тил эгаларининг тарих тақозоси билан муайян ўзгаришларни ўз бошларидан кечиришлари, турли жойларга кўчиб юришлари ва ҳозирги вақтда ўтроқлашиб қолиш сабабларини ўрганиш тушунилади. Лингвистик география лаҳжа ва шеваларни ўрганишда ҳам аҳамиятлидир. Чунки уларнинг тарихий тараққиёт йўлларини белгилашда, фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларини ўрганишда халқ тарихи ва тил тарихи билан уларнинг тарқалиш жойлари билан узвий боғлиқ ҳолда олиб текширилади. Масалан, ўзаро умумий хусусиятга эга бўлган Тошкент, Паркент, Пискент, Қарноб каби шеваларнинг ёки жанубий Хоразм, шимолий Бухоро, Фориш-Боғдон, шимолий ўзбек шевалари вакилларининг турли жойларда ўтроқлашиб қолиш сабаблари, улардаги умумий тил хусусиятларининг тарихини ҳисобга олиш ва ўзига хос томонларини асос қилиб олиб, уларнинг хариталарини чизиб бериш ҳамда лингвистик атласини яратиш муҳимдир. Бундай ишларнинг амалга оширилиши кўрғазмали тавсифий қурол воситасини ўтайди. Алоҳида

худудларда яшовчилар бир тилнинг турли шеваларида гаплашадиган кишилардир. Улар тилнинг лингвистик имкониятлари билан бирга тилга боғлиқ бўлмаган экстралингвистик имкониятлар таъсирида бўлади. Демак, лингвистик география деганда аслида бир тилда гапириб, турли худудларда яшовчи кишиларнинг шеваларини илмий асосларга таяниб тадқиқотлар олиб бориш тушунилади. Бу билан тилнинг аниқ бир худуддаги тараққиётини, яъни аниқ бир диалект (шева, лаҳжа)нинг тараққиёт йўлини, унинг миллий тилга бўлган муносабатини ўргатади, шунингдек, лингвистик география диалект(шева, лаҳжа)ларнинг табиатини, умумий манзарасини, унинг чегарасини аниқлаш, шеваларни гуруҳлаш йўллари каби муҳим масалаларни аниқлашга ёрдам беради. Маълум бир шевани иккинчи шева билан фарқлаш жараёнида ҳам лингвистик география усулининг ёрдами бениҳоя каттадир. Лингвистик география тил тарихи ва халқ тарихи учун қимматли бўлган маълумотларни топиб, далиллар воситасида очиқ ҳам беради. Бу баҳсли муаммо ҳақида XX асрнинг 60-йилларида Д.И.Эделманнинг тадқиқотларини бу соҳадаги биринчи ишлар сифатида эътироф этиш мумкин. Ўзбек олимларидан А.Шерматов (Шерматов А. Лингвистик география нима? Т., Фан, 1980), А.Жўраев (Джураев А. В. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. АДД. М.,1991. 38 с.) шу соҳага оид тадқиқотларни амалга оширишган. Албатта, шеваларга географик муҳит билан боғлиқ ҳолда лингвистик ва экстралингвистик шарт-шароитлар ҳам таъсири сезилиб туради. Сабаби, ҳар бир шева алоҳида географик худудда яшагани каби бир умумий тилнинг, шу жумладан, ўзбек тилининг шу худуд одамлари нутқига хос фонетик, лексик, грамматик ўзгачаликларни ҳам ифодалайди. Мана шундай ўзгачаликларга эга бўлишгани учун ҳам улар ўзбек тилининг шевалари саналади. Масалан, тоғлиқ худудлардаги ўзбек шевалари текисликлардаги ўзбек шеваларидан қисман бўлса ҳамки фарқланиб тургани каби бу ҳолни туманлараро фарқланиб турувчи шевалар мисолида кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам Шаҳрисабз шеваси билан Яккабоғ шеваси, Китоб шеваси билан Шаҳрисабз шеваси, Ғаллаорол шеваси билан Фориш шевасининг, қарлуқ лаҳжасининг қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларидан фонетик, грамматик ва лексик фарқлари аниқ билиниб туради.

Аммо улар лингво-географик усулда хариталарга туширилмаган. Баъзи бир олимлар, жумладан, В.В.Решетов, Ш.Шоабдурахмонов, А.Алиев, А. Шерматов, Б.Жўраевлар томонидан яратилган хариталар борлиги илмий манбаларда бир неча ўринларда айтилган, аммо улар оммалашмаган, яъни бир бутун монографик китоб ҳолидаги ўзбек шеваларининг лингвистик атласлари (аниқроғи хариталари) ҳалигача яратилмаганлиги бор ҳақиқат эканлигини эътироф этиш вақти келди.

Бирок рус ва европа тилшунослигида лингвистик география усули билан ишланган тадқиқотлар XIX асрнинг 50-йилларидан бошланган бўлиб, бугунги кунда ҳам амалга оширилмоқда. Натижада, ўрганилган шеваларнинг лингво-географик хариталари тузилганлиги ва нашр этилганлигини эълон қилинган монографик тадқиқотларда кўриш мумкин. Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили лингвистик географияси маълумотлари Махмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Ғози Олим Юнусов, А.К.Боровков, Улуғ Турсунов, В.В.Решетов, Собиржон Иброҳимов, Шоназар Шоабдурахмонов, Болта Жўраев, Абдуғани Алиев, Ҳисом Ғуломов, Худойберди Дониёров, Аъзам Шерматов, Назар Ражабов, Азиз Жўраев, М.Мирзаев, К.Назаров, Ё.Ғуломов, Э.Шералиев, Т.Йўлдошев сингари зукко олимларнинг номлари билан боғланган.

Шу билан бирга лингвистик география даврга кўра икки турга ажратилади: 1) синхрон пландаги лингвистик география; 2) диахрон пландаги лингвистик география. Улардан бири ҳозирги кундаги шева, маҳаллий диалект, лаҳжаларнинг ҳудудий тарқалишини амалий талқин, илмий тадқиқ этиб, шевашуносликка оид бўлган *лексема, морфема, фонемаларни изоморфема, изолексема, изофонема, фокус нуқта, лингвистик география, ўзбек диалектологик атласи, структур ва зонал тузилиш, ўзбек тилини диалект зоналаштириш концепцияси, диалект зонаси ва азонал ҳудудлар, фокус нуқтанинг қуршови, диалект зонасидаги орол ҳодисалар, диалект зонасидаги зона периферияси* терминлари асосида ўрганиб, шева(лар)имизнинг лингвогеографик харитасининг шаклланишига замин яратади. Иккинчиси эса уларнинг тил тарихидаги тарқалишига оид характерли ҳолатларни шеваларга оид тарихий ёзма манбаларнинг материаллари асосида таҳлил этиб, изоморфема, изолексема, изофонема терминлари асосида фикр юритади. Илмий адабиётларнинг матнларида ареал усул ва лингвистик география усули деган терминлар ҳам учрайди. Бу усулда турли ҳудуддаги шеваларни қиёсий ўрганишга имконият яратилади. Юқорида айтиб ўтилганлардан шундай хулосага келиш мумкин:

Лингвистик география термини шева ва ареал терминлари билан маълум маънода синонимик хусусиятга эга бўлган терминлардан бири саналади. Ареал термини рус тилидан ўзлаштирилган термин бўлиб, лингвистик география терминининг маъносини ифодалайди. Шева термини асосида эса тилнинг кичик бир қисми тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилса, лингвистик географияда мана шу шева ҳам лингвистик, ҳам географик жиҳатдан тавсифланиб, шева элементларини ўзида жамловчи лингвогеографик харита(лар), шеваларнинг таснифини ўзида акс эттирувчи лингвистик атласлар тузиш масаласини илгари суради. Ушбу масала ҳозиргача бир неча ўзбек олимлари томонидан ўрганилган бўлса-да, мукаммал

ҳолатга келтирилмаган ҳолда ўзбек шевашунослигида ўлда-жўлда қолиб кетмоқда. Бунга сабаб шевашунослар билан бирга географларнинг ўзаро жиддий ҳамкорлиги бугунги кунгача амалда бўлмаганлигидир. Айни вақтда шевашунослик соҳасида лингвист шевашунослар билан географларнинг доимий ҳамкорликка асосланадиган фаолиятига зарурат сезилмоқда. Келажакда лингвистлар ҳамда географларнинг ҳамкорлигини тиклаб, ўзбек шеваларининг лингво-географик хусусиятларини ўзида бирлаштирган лингвистик атласлар яратилиши давр талабларидан бири ҳисобланади. Албатта, ўзбек тилшунослари билан географларнинг юқорида айтиб ўтилган соҳадаги илмий, амалий ҳамкорлигини кучайтириш керак. Шу йўл билангина шеваларимизнинг атлас(лар)и, яъни лингво-географик хариталарини тузиш ўринли ҳолатлардан биридир. Лингвистик география усули турли ўзбек шеваларини бир-бири билан солиштириб, қиёслаб ўрганиш жараёнини англатади. Бунда изогласса, изаморфема, изолексема, изофонема деган терминлар фаол ишлатилади. Бунинг натижасида ўзбек шеваларини XX асрдан кейинги мукамал таснифлаш учун зарур бўлган материаллар жамланади. Юқоридагилардан англашилиб турибдики, лингвистика билан географиянинг ўзаро муносабати доимий жараёнлигини ўзбек шевалари материаллари асослаб турибди. Шу билан биргаликда лингвистик география, лингвистик география усули, шева ва лаҳжалар бир-бирини тақозо қиладиган терминлар саналади. Шева материаллари лингвистик география усулида ўрганилса, уларнинг ишончлилиги анча ортади. Сўзсиз, лингвистик география, ареал, лингвистик география усули ва шева терминлари заминидаги маънони ўзида бир бутун тарзда ифодаладиган илмий тадқиқотлар асосида ўзбек шевалари янги тарзда мукамал ўрганиш ишлари бошланиб, ўзбек шеваларининг XXI асрдаги мукамал таснифини ҳам яратишга имконият туғилади. Бунинг учун шева материалларини йиғиш лозим. Ҳозирги вақтда ўзбек диалектология фани соҳасида лингвистик география (лингвогеография)га параллел равишда янги илмий йўналиш бўлган географик лингвистика ҳам юзага келмоқда. Бу янги соҳага тегишли фикрлар кейинги ишларда берилади.

Саволлар.

1. Лингвистик география нимани ўрганади?
2. Лингвистик география усулида нима қилинади?
3. Лингвистик география билан кимлар шуғулланган?

4. Лингвистик география усули билан шеваларни ўрганишдан мақсад нима?

5. Лингвистик географияга оид қандай терминлар фаол қўлланади?

Мавзуга оид адабиётлар:

1. Шерматов А. Қашқадарё областидаги ўзбек халқ шевалари атласи. Т., Фан, 1979.
2. Шерматов А. Лингвистик география нима? Т., Фан, 1980.
3. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. Т., 1962.
4. Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек тилининг диалектологик атласи. ЎТА, 3.Т., 1969.
5. Авенесов Р.И. Лингвистическая география и история русского языка //
6. Вопросы языкознания. №6. М., 1952.
7. Эделман Д.И. Основные вопросы лингвистической географии. М., Наука, 1968. с.112.
8. Мухамеджанов К. Ареальное исследование узбекских говоров южного Казахстана. АДД. Т., 1988. 44 с.
9. Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. АДД. М., 1991. 38 с.
10. Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. Т., Фан, 1990. 140 б.
11. Муродова Н. Ўзбек адабий тили ва шевалар лексикасининг қиёсий тадқиқи. Т., Фан, 2005.
12. Ражабов Н. Ўзбек шевашунослиги. Т., Ўқитувчи, 1996.
13. Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муноси. Т., Фан, 1988. 120 бет.
14. Ғуломов Ё. Ўзбек халқ шеваларини лингвогеографик текшириш // Ўзбек тилшунослигининг актуал масалалари. Т., 1987. 20-25-бетлар.

Internet сайтлари

1. www.turk.dili.google.com.tr
2. http://www.ut.uz/eng/today/europe_recognizes_xep_discovery.mgp
3. <http://www.schneid9.de/sprache/linguistik/ling11.pdf>
4. <http://www.uni-leipzig.de/~fscger/материалиен/Техте/Лехикологие.пдф>
5. www.dersimiz.com
6. www.altinmiras.com

Адабий тил ва диалект муносабати

Режа:

1. Адабий тилнинг таърифи.
2. Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма шакллари.
3. Адабий тил ва таянч диалект.
4. Бадиий адабиёт ва диалектизм.

Ҳар бир адабий тил миллий (халқ ёки элат) тилнинг юқори босқичи бўлиб, у меъёрлашган ёки меъёрлаштирилган тил ҳисобланади. *Адабий тил лексик жиҳатдан нисбатан барқарор, фонетик-фонематик ва грамматик жиҳатдан муайян қолипга тушган, ягона орфографик ва орфоэпик нормаларга амал қиладиган, сўз усталари томонидан сайқал берилган миллий тилнинг юқори босқичидир.* Ўзбек адабий тили ҳам шу қоидага амал қилади.

Ўзбек адабий тили икки шаклда бўлади: оғзаки ва ёзма. Оғзаки адабий тил орфоэпик меъёрларга бўйсундирилади. Оғзаки адабий тил давлат аҳамиятига эга бўлган барча сатҳдаги расмий мажлислар, ўқиш-ўқитиш ишлари, оммавий мажлисларда қўлланади. Ёзма адабий тил эса орфографик қоидалар асосида шакллантирилади ва орфография қоидалари жорий ўзбек алифбосига асосланади. Унда бир неча тамойиллардан фойдаланилади: фонетик, фонематик, морфологик, график, тарихий-анъанавий, рамзий ва бошқалар.

Ҳар бир адабий тил ўзининг таянч диалектига эга бўлади. Тўғри, ўзбек адабий тилининг шаклланишида шеваларнинг барчаси у ёки бу даражада иштирок этади, лекин маълум шевалар адабий тил учун асос, таянч (база) вазифасини беради, яъни ўзбек адабий тили муайян шева ва шевалардан лексик, фонетик, грамматик хусусиятларни адабий тил факти сифатида олади ҳамда ўша шева ва шевалар гуруҳи тараққий этиши билан бирга тараққий этади, чунки шева жонли тил бўлиб, у доимо ривожланишда, ўзгаришда бўлади, шу туфайли ҳам адабий тил шу шева ёки шевалар гуруҳи ривожланиши билан боғлиқ равишда тараққий этиб боради, аксинча, адабий тил ўзининг таянч диалектига эга бўлмаса, у бора-бора муомаладан чиқиб кетади. Муомаладан чиққан тил фанда "ўлик тил" деган термин билан юритилади. Тиллар тарихида "ўлик тиллар" майжудлиги ҳақида маълумотлар кўп.

Ўзбек адабий тили шартли равишда фонетик жиҳатдан Тошкент шаҳар диалектига, морфологик жиҳатдан эса Фарғона диалектига таянади. Маълумки, Тошкент шевалари 6 та унлили (у, о, а, е, и, о) диалектдир.

Фарғона диалектидаги сўз шакллари, хусусан, феъл шакллари асосан ўзбек адабий тилига норма сифатида қабул қилинган. Аслида адабий тилни бир ёки икки шева ёки диалект билан боғлаб қўйиш жуда ҳам тўғри эмас, балки ўзбек адабий тили шевалар ҳисобига бойиб, мукаммаллашиб боради. Шу маънода шевалар адабий тилнинг бойиш манбаи бўлиб қолади. Гарчанд, адабий тилда қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасининг унсурлари кўп учрасада, унда қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларининг хусусиятлари ҳам норма сифатида иштирок этган ўринлар мавжуд. Масалан, адабий тилдаги *жун, жўнатмоқ, жони, жўналиш* сўзлари қипчоқ лаҳжасига хосдир. Бадиий адабиётда шевага оид фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларнинг акс этиши диалектизм дейилади. Бунда шевадаги қайси яруснинг акс этирилишига қараб диалектизмлар ҳам *фонетик диалектизм, морфологик диалектизм* ва *лексик диалектизм* турларига эга. *Фонетик диалектизм* бадиий асарда муайян шевага оид фонетик хусусиятларнинг акс этишидир. Масалан, *он акки/икки* (Марғилон), *галди/келди* (Хоразм). *Морфологик диалектизм* бадиий асарда шевага хос морфологик элементларнинг қўлланишидир. Масалан, *Шотто* - шу ерда "Қора кўзлар". *геч галди>нгиз("Хоразм")*. *Лексик диалектизм* шевага оид сўзларнинг бадиий асарларда қўлланишидир. Масалан, дарпонманлар (Хоразм) - безовталанманлар, Бадиий адабиёт тили халқ (милият) тили бойликларининг қайта ишланган кўринишидир. Шу жараёнда бадиий сўз усталарининг воқеа ёки қаҳрамон саргузаштлари ўтадиган шевага мурожаат қилишлари эътироф этилган. Адабиётда маҳаллий колорит деган тушунча бор. Бу эса адибларга маҳаллий кечинмаларни ифодалашда шева хусусиятларидан кенг фойдаланишга имконият яратади. Бадиий адабиётда адиб диалектизмлардан икки ўринда фойдаланади, яъни диалогик нутқда қаҳрамоннинг муайян шева вакили эканлигини кўрсатиш, маҳаллий колоритни бериш мақсадида ҳамда адабий тилда синоними бўлмаган сўзларни мажбуран қўллайди. Ҳатто бутун бошли бадиий асарда маҳаллий шароит, маҳаллий менталитетни, руҳиятни ифодаишда тўлиғича шева хусусиятидан фойдаланган ҳолда тасвирлайди. Бунга Ж.Шариповнинг "Хоразм", Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" асарларини келтириш мумкин. Шунини таъкидлаш лозимки, диалектлар адабий тилнинг бойиши учун табиий манбалардан бири бўлиб қолади. Диалектизмларнинг адабий тилга сингиб кетиш жараёни дастлаб қийин кечади, лекин бадиий адабиётнинг таъсирчан кучи орқали бир асарда қўлланган диалектизм кейинги асарларга ўтади ва шу тариқа умумхалқ мулкига айланади ва адабий тилда ўзлашиб кетиши мумкин.

Ўзбек шевашунослигида мавжуд бўлган илмий адабиётларда шева, лаҳжа ва диалект атамалари турлича маноларда қўлланилиб келмоқда. Мазкур атамаларнинг маъноси ҳам бир-биридан унчалик узоқ эмас. *Шева* – форсча

сўз бўлиб, асл маъноси *овоз, тил, сўзлашиш, одат, йўсин, равиш* каби маъноларни англатади. Аммо тилшуносликка оид атама сифатида қўлланилганда "ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларга эга бўлган, муайян ҳудуд билан чегараланган ўзбек тилининг бир тармоғи шева дейилади". Шевалар хатто кичик бир ҳудуд билан ҳам чегараланиши мумкин. Масалан, Тошкент шеваси, Андижон шеваси ва бошқалар.

Кейинги йилларда шева атамаси билан бир қаторда – диалект атамаси ҳам ишлатилмоқда. Диалект сўзи лотинча бўлиб, адабий тилдан ўзининг баъзи бир (фонетик, грамматик, лексик) фарқланадиган умуммиллий тилнинг йирикрок бўлаги диалект деб юритилади. Кичик шевалар йиғилса, лаҳжани юзага келтиради. Шу боис, "бир-бирига яқин шевалар йиғиндиси лаҳжа деб юритилади". *Лаҳжа* – сўзи араб тилига хос бўлиб, *ифода, сўз, шева, овоз* каби маъноларни ўзида мужассамлаштиради. Лаҳжа атамаси кенг ва тор маъноларда қўлланилиб келинади. Ўзбек тилшунослигида шевалардаги асосий хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндиси маъносида қўлланилиши унинг кенг маънода қўлланилаётганини билдиради. Баъзан эса, диалект (шева) атамалари билан ҳам мос келиб қолади. Бунда у тор маънода қўлланилаётган бўлади. *Миллий тил* тушунчаси барча шева ҳамда лаҳжаларни ўз ичига қамраб олади. Миллий тилимиз чегараланган ва чегараланмаган лексикадир, янги ва эски сўзлар, касб-ҳунарга оид сўзлар, табу ва эвфемизмлар, варваризм, жаргон ва арголар тилимизнинг барча лексик қатламларини қамраб олади. Ўзбек адабий тили эса, ана шу лисоний воситаларда сайлаб олиниб, сайқалланиб, тартибга солиниб шакллантирилган, Ўзбекистонда яшаётган барча шева вакиллари учун тушунарли бўлган тил ҳисобланади. Ўзбек адабий тили ана шу шева ва лаҳжалардан озиқланади. Диалектал хато ва уларни бартараф этиш йўллари. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган шева вакиллари ўзбек адабий тилидан фойдаланишда бир қанча ўринларда диалектал хатоликларга йўл қўядилар. Бундай диалектал хатоликлар ҳар бир лаҳжа вакиллари учун хусусий шаклларда намоён бўлади. Масалан, қарлуқ лаҳжаси вакиллари нутқида қаратқич келишиги(-нинг) ўрнида тушум келишиги (-ни)ни қўллаш ҳолатлари кенг кузатилади. Мисол қилиб: *мани китобим* (менинг китобим), *сани уйинг* (сенинг уйинг) каби. Бу ҳолатни ўзбек тилининг деярли барча шева ва лаҳжалари вакиллари нутқида кузатиш мумкин. Ёки, ўғуз лаҳжаси вакиллари нутқида жўналиш келишиги (-га) ўрнида (-а) шаклининг қўлланиши: *бозора* (бозорга), *уй:а* (уйга) каби. Самарқанд, Бухоро регионларида яшайдиган туркийзабон кишилар нутқида жўналиш келишиги қўшимчаси (-га) ўрин-пайт келишиги ўрнида қўлланилишига гувоҳ бўламиз. Масалан, машинада келди//*машинага келди*; шу ерда//*шу ерга* ва бошқалар. Бу каби диалектал

хатоликларни тузатиш учун кўпроқ адабий тил меъёрларини ўрганиш ва уларга риоя қилиш зарур бўлади. Бунинг учун машҳур дикторлар, радио ва телевидениянинг таниқли сухандонлари нутқини тинглаб бориш зарур бўлади. Маълум бир территорияда истиқомат қиладиган, муайян миллатга хос тиллар бугунги кунда мавжуд чегаралар бил чекланиб қолмайди. Масалан, ўзбек тилининг тарқалиш ареали Ўзбекистон давлати чегараларидан анча йироқдаги ўлкаларни ҳам қамраб олади. Жумладан, кўшни Афғонистон ҳудудида бир неча миллион ўзбек тилида гаплашувчи аҳоли яшайди. Ёки Шарқий Туркистон деб ҳисобланаётган Хитойнинг жанубий-ғарбий ҳудудларида, Тожикистонда, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг бир қанча вилоятларида ўзбек тилида гаплашувчи аҳоли истиқомат қилади. Ана шу ҳудудлардаги ўзбек тили ва шевалари ҳам бизнинг миллий тилимиз таркибига алоқадор ҳисобланади. Бу ҳудудлардаги ўзбек шевалари ҳам кўпчилик олимларимиз томонидан ўрганилган, таҳлил ва тадқиқ қилинган. Бугунги глобаллашув замонида дунёнинг турли ўлкаларига ўзбек миллатига мансуб кишилар бориб ишлаб, яшаб фаолият олиб бормоқда. Жумладан, Америка, Германия, Россия ва бошқа дунёнинг кўплаб давлатлари ҳудудида ўзбек тилида гаплашадиган кишилар мавжуд, уларнинг тил хусусиятларини ўрганиш, ўша ердаги ўзбекча нутқнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш ҳам ўзбек тилшунослиги, хусусан, шевашунослиги соҳасининг вазифалари сирасига киради.

Мавзуга оид саволлар:

1. Адабий тил деб нимага аталади?
2. Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки шакллари қандай изоҳ берасиз?
3. Таянч диалект тушунчасига изоҳ беринг.
4. Диалектизм деб нимага айтилади?
5. Шева, миллий тил ва адабий тил тушунчаларининг фарқи нимада?
6. Лаҳжа нима?
7. Шевалар адабий тилни бойитиш манбаси бўла оладими?
8. Адабий тилнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
Маъруза 1. Кириш. Ўзбек диалектологияси фанининг предмети, мақсад ва вазифалари.....	5
Маъруза 2. Ўзбек шеваларининг ўрганилиш тарихи ва методлари Ошибка! Закладка не определена	13
Маъруза 3. Транскрипсия ва унинг хос хусусиятлари.....	19
Маъруза 4. Шевашуносликда диалектал тасниф масаласи.....	30
Маъруза 5. Шевалар фонетикаси.....	41
Маъруза 6. Ўзбек шевалари лексикаси ва лексикографияси.....	53
Маъруза 7. Ўзбек шевалари морфологияси	66
Маъруза 8. Шеваларда турланиш ва тусланиш.....	74
Маъруза 9. Шеваларда сўз ясалиши.....	83
Маъруза 10. Ўзбек шевалари синтаксиси.....	90
Маъруза 11. Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси муҳим хусусиятлари.....	98
Маъруза 12. Қипчоқ ва ўғуз лаҳжаларининг асосий хусусиятлари.....	106
Маъруза 13. Лингвистик география.....	109
Маъруза 14. Адабий тил ва диалект муносабати.....	115